


R 496  
1983/10



МАШ/И	1-СМЕН	2-СМЕН
7	РУЗМЕТОВ	
РАБОЧЕВРЕМЯ	300	
1-КУНДА	2100	
10-КУНДА	3432	
РАБОЧЕВРЕМЯ	11932	
10-КУНДА	4954	

**ГУЛИСТОН**  
10  
1983



## НАҚҚОШЛАРНИНГ УСТОДИ

Бу расмдаги кишини дарҳол таниган бўлсангиз керак. Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати, 1923 йили доҳиймиз Владимир Ильич Ленинга Фарғона ишчилари номидан совға олиб борган Қодиржон Ҳайдаров.

...Ушанда, ёш Қодиржон уч ой ишлади. Уч ой фикру зикри Ильичда бўлди, доҳий сиймоси юрагининг тўрида кундек балқиб турди. Ниҳоят, ёш наққош йигирма беш йил қуртилган ёнғоқ ёғочидан саккиз қиррали, парғори нақшлар билан безатилган хонтахта ва курсилар тайёрлади. Буюк инқилоб шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий курси саҳнидаги гуллар ҳошиясига: «Инқилоб раҳбари, меҳнаткашлар бошлиғи Ленин ўртоққа Фарғона ишчиларидан ҳада. 1923 йил. Қодиржон Ҳайдаров» деб ўзбек тилида араб ҳарфлари билан ёзиб қўйишни маслаҳат берди.

1923 йил 23 октябрь кунин Фарғона ишчилари ҳадяси ижодкори — Бутун Россия Қишлоқ хўжалик кўргазмаси иштирокчиси Қодиржон Ҳайдаров Кремлга, Ленин қабулхонасига таклиф қилинди. Уни Мария Ильинична Ульяновна самимий кутиб олди, Фарғона ишчилари тўхфасини кўриб гоят таъсирланди, бетоблиғи сабабли туркистонлик меҳмонни шахсан қабул қила олмаганлиги учун Владимир Ильичнинг самимий узрини бил-

дирди, ёш устага улуг доҳий номидан хат ёзиб берди. Кейинчалик бу ҳадяни Горкига, Владимир Ильич ҳузурига элтдилар. Ленин бу совғаларни кўриб хурсанд бўлди, уларни ўз хонасида қолдирришларини илтимос қилди.

Бу тарихий тўхфа эндиликда Ленинские Горкидаги доҳий музейида сақланмоқда. Қодиржон ота бу ёдгорликнинг такрорий нусхаларини В. И. Ленин музейининг Ульяновск ва Тошкент филиаллари учун ҳам тайёрлаб берди.

Уста наққошликда бой тажриба орттиргани сари кўнгилдаги эзгу орзулари жўш урди, доҳий Ленин номига ярашғили санъат асари яратишга рағбати янада кучайди. Пировардида, у В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали эшикларини ижод қилди. Ҳа, ижод қилди. Бу чинакам санъат асариде қадимий печаксимон нақш аъёналари замонавий сайқал билан бойитилган, янгича аломатлар аъёнаний нақшларини ёшартириб юборган.

Ҳозир Қодиржон ота саксондан ошди, лекин қарилликка буй бергани йўқ. У янги асарлар устиде ишламоқда, шоғирдлар тайёрламоқда.

Рассом А. ҲОЛИҚОВ чизган расм



# РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИГА ОЛИЙ МУКОФОТ

## СССР Олий Совети Президиумининг Фармони ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шаҳар меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги катта хизматлари, Улуғ Ватан урушидаги ғалабага қўшган ҳиссаси, хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари учун ва асос солинганлигининг 2000 йиллиги муносабати билан **ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЛЕНИН ордени** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси  
**Ю. АНДРОПОВ.**  
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари  
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1983 йил, 31 август.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадий журнали

**№ 10 (404)**

**Октябрь**

**1983**


Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти

# «ТОШКЕНТ РУҲИ» БАРҚАРОР

Сарвар АЗИМОВ,

Осиё ва Африка мамлакатлари билан алоқа Совет комитетининг раиси



ЖАҲОНДАГИ БАРЧА СОҒДИЛ КИШИЛАР  
ТИЛИДА ТИНЧЛИК

**Э**Р ЮЗИДА тинчлик барқарор бўладими ёки ядро уруши олови алангаландими!!  
Бу ҳаёт-мамот масаласи, уни қўндаланг қилиб қўйган халқро вазият ҳар бир соғлом фикрли кишини ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ташвишлантирмоқда.

Ана шунинг учун ҳам улуғ совет ёзувчиси Максим Горькийнинг: «Маданият арбоблари, сизлар ким билан!» деган хитоби ҳозир ҳаётимизнинг узвий қисми, адилларимиз уй-хаёлларининг асосий мазмуни бўлиб қолди. «Тинчлик» сўзи қуролланиш пойгасини жилловлаш ва халқро тангликни юмшатиш учун курашаётган барча кишиларнинг, Ер юзидаги барча соғдил одамларнинг дилдан тилига кўчмоқда, бу калом сайёрамизнинг ҳамма пучмоқларида ҳар кун ва ҳар соатда жаранглаб турибди. Бинобарин, Африка ва Осиё халқлари учун, қўшилмаган мамлакатларнинг давлатлари ҳамда ҳукуматлари учун ҳам халқро тангликни юмшатиш, тинчлик учун кураш алоҳида аҳамият касб этади.

ЁЗУВЧИЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ  
ТАРАҚҚИЁТДАГИ МАСЪУЛИЯТИ

**К**ЕЙИНГИ бир неча ўн йиллик давр мобайнида жаҳон харитаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Осиё ва Африка мамлакатлари қўллик занжирини улоқтирдилар ва ўз мустақилликларига эга бўлдилар. Бироқ ҳали бу империализм устидан узил-кесил қозонилган ғалаба эмас, фақатгина тўла озодликка эришиш учун олиб борилётган антиимпериалистик курашнинг янги босқичига ва янги шаклларига ўтишди холос.

Осиё ва Африка мамлакатларида аҳолининг барча табақларида ижтимоий ва маданий активлик ўсди, бу ҳолат реалистик адабиётнинг вужудга келиши учун омил ҳамда шарт-шароит яратиб берди. Воқеликнинг мураккаб жараёнларини танқидий аниқлаш томон бурилиш яққол сезилди. Осиё ва Африканинг илғор ёзувчилари ўз халқларининг маънавий тараққиёти учун, ҳозирги замон шароитида Осиё ва Африканинг ўзига хос маданий бойликларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун масъул эканликларини ўз икдорлари билан исботламоқдалар. Бу қитъаларнинг маданияти эса, умуминсоний жаҳон маданияти тараққиётига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшиб келаётир.

## Туғишган шаҳар

Тошкент, қадим шаҳар, қулоқ сол бир оз  
Қардошинг, Бокунинг шоир ўлига.  
«Жон», дейди, бағринда қулаган бу соз,  
Богингда, богчангда жой кураст унга.

Тилимдан тушмайди шухратинг, отинг,  
Сухбатда мен нуқул шаънингни дейман.  
Кўзимдан бир лаҳза йироқ бўлмадинг,  
Мен сени ҳар қайда Ватан атайман.

Бирдир байроғимиз, бирдир ораумиз,  
Бирдир кўшигимиз эл орасида.  
Пайкар соф ишқимни ҳар йигит, ҳар қиз  
Шоир кўксимдаги сўз дарёсида.

Эй, зангор дўпғили, гул кийган шаҳар,  
Она бешигисан қаҳрамонларнинг,  
Манглайда қувшайдай порлайди зафер,  
Иссиқ кучоғисан мард инсонларнинг.

Мен сenga мафтунман киллардан бери,  
Менинг армонидида, тилгидида сен.  
Ўзбек қардошимнинг дилбар шаҳари,  
Тукқан шаҳаримдай юрагимда сен.

Озарбойжон тилидан  
М. ШАЙХЗОДА таржимаси

### БИРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

**О**СИЁ ВА АФРИКАнинг ижодий зйёлилари, носирлари ва шоирлари, драматурглари ва публицистлари, икки қитъанинг некса ва навирон адаблари озодлик ва мустақиллик учун мустамлакачиликка қарши курашда жуда катта роль ўйнадилар. Ана шу жараёнда адабиётлар ўз қобилиридан чиқишлари ва ўзаро яқин муносабатлар ўрнатилари, зулмат ва эзувчиларга қарши жипслашган ягона қудрат бўлиб майдонга киришлари учун икки қитъа тараққиётлар адабий кучларини бирлаштириш зарурати туғилди ва бу муҳим масала кун тартибига қўйилди.

1958 йили Тошкентда Осие ва Африка мамлакатлари Эзувчилари уюшмасининг ташкил топиши катта воқеа бўлди. Сўнг, Осие ва Африканинг тараққиётлар эзувчилари билан Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар эзувчиларининг ҳамкорлик йўли муваффақиятли давом этди. 1962 йили Қохирада, 1967 йили Байрутда, 1970 йили Деҳлида, 1973 йили Олмаотада, 1979 йили Пунадада Осие ва Африка мамлакатлари эзувчилари конференциялари бўлиб ўтди.

Икки қитъа эзувчилари ҳар қандай қийинчиликларини матонат ва қатъият билан енгиб ўтган ҳолда ёш адабиётларнинг шаклланишларига ҳамда қадимий ва бой адабий аъёнлар янада ривожланиши учун ёрдам бермоқдалар, муҳим миллий муаммоларини, умуминсоний муаммоларини ҳал этишда эзувчиларнинг барча янги-янги кучларини сафарбар этмоқдалар. Социал тараққиёт учун, халқ маданияти учун, Ер юзидида тинчлик ва тараққиёт учун курашда тараққиётлар парвар ижодий зйёлилар ҳамкорлигини бунёдга келтирмоқдалар ва мустақамламоқдалар.

### ЗАМОНДОШЛАР ВА КЕЛГУСИ АВДОДЛАР ТАҚДИРИ УЧУН МАСЪУЛЛИК

**А**ДАБИЁТ инсоншунослик мактаби ҳисобланади. Зеро, унинг инсон учун жангга кириши, инсоният ҳаётига таҳдид солаётган қора кучларга қарши курашининг олдинги сафида бориши бежиз эмас. Бугунги кунда курул билан дўқ-пўписи қилмаётган, куруланиш пойғаси ва ядро ҳалокати фитнасини авж олдирётган АКШ империализми, нотачилар ва бошқа реакция мамлакатлар эса башариат келажакини ҳавф остида қолдирмоқда. Қўшилмаган мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари VII Конференцияси катнашчилари: «антиимпериализм — бизнинг дунё қарашимизнинг асоси... тинчлик бўлмаса тараққиёт ҳақидаги барча умидлар пучга чиқаверди» деб ҳақ сўзни айтдилар.

Осие ва Африка эзувчилари ўз ижодлари ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятлари билан тинчлик ва тараққиёт идеалларига содиқ эканликларини кўп марта исботладилар. Осие ва Африка эзувчилари Биринчи Тошкент конференцияси — эндиликда бу конференция тарихий бўлиб қолди — минбаридан янграган қўйидаги сўзлар қудратли адиллар ҳаракатининг рамзи ва мақсади, унинг сиёсий ва эстетик мезони бўлиб қолди: «Биз, эзувчилар — халқлар виждонимиз. Фақат замондошларимизнинг тақдир эмас, балки келгуси авлодларнинг тақдир учун ўз-ўзбарлик ҳам бизнинг зиммамиздадир... Биз сиё-

ларни ҳақиқат, гўзаллик ва озодлик учун олиб борилаётган ҳаракатда биз билан олға боришга даъват этамиз. Бу ҳаракат бизга халқ ҳаёти билан боғланган ҳамда Ер юзидида ақл ва адолат тантанаси учун курашда халққа ёрдам бераолодиган адабиёт яратишга имкон туғдиради.» «Тошкент руҳи» ана шундай!

Кейинги чорак аср давомида сайёрамизнинг сиёсий иқлими кўп жиҳатдан ўзгарди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аниқ мақсад сари йўналиштирилган изчил фаолияти натижасида, Коммунистик партияларнинг, социалистик мамлакатлар ҳукуматлари ва халқларининг биргалликдаги актив ҳаракатлари туғайли Ер юзидидаги мамлакатлар ҳамда халқларнинг ўзаро фойдали ҳамкорликда ва тинчликда ашашлари гоёси мустамлакачилик қуллигидан озод бўлган мамлакатларда, ҳозирги кунда ҳам миллий озодлик учун қонли кураш олиб бораётган мамлакатларда, шунингдек, капитализм мамлакатларидаги тараққиётларар кучлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Бу гоёлар миллионлаб кишилар онгини забт этди ва курашимизнинг барча қитъаларида миллионлаб ўз ҳимоячиларини топди.

### ОСИЁ ВА АФРИКАНИНГ ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ҚўШАЁТГАН ҲИССАСИ

**М**УБОЛАҒАСИЗ айтиш мумкинки, Осие ва Африка мамлакатларининг илғор эзувчилари халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигидек ҳайрли ишга жуда катта улуш қўшмоқдалар. Улар ўзларининг энг яхши асарлари билан оммавий миллий онгини уйғотдилар ва шакллантирдилар, юксак инсонпарварлик ва демократик идеалларни тасдиқладилар, китобхоналари ахлоқий ва сиёсий жиҳатдан тарбияладилар.

Йирк рус шоири, Осие ва Африка эзувчилари ҳаракатининг ветерани Николай Тихонов Биринчи Тошкент конференцияси минбаридан туриб бундай деган эди: «Осие ва Африка эзувчиларининг инсоният умумий ҳазинасига қўшаётган улушисиз келгуси тараққиётни тасаввур этиб бўлмайди». Биз бугун шундай дея оламиз: Осие ва Африка эзувчиларининг тинчлик учун курашга қўшаётган ҳиссасиз, уларнинг Ер юзидида тинчликни сақлаш ишидаги қайноқ иштирокисиз бутун дунёдаги тинчлик учун олиб борилаётган ҳаракатни тасаввур этиш мумкин эмас.

Осие ва Африка эзувчилари «бўлиб ташлаш ва ҳукмронлик қилиш» сиёсатини бошқалардан кўра яхшикор билдилар. Шунинг учун ҳам улар тинчлик ва дўстлик курашига кўпроқ куч сарфлаётдилар, турли мамлакат халқларининг яқинлашиши ва ўз мамлакатларидаги эзлатлар ҳамкорлиги ишига фидокорона хизмат қилмоқдалар. Масалан, романлари дунёдаги кўп мамлакатларда таржима қилинган таниқли адиб Сембен Усмоининг фаолиятини олиш мумкин. У қаланими қўйиб, қўлига кинокамера ва фотоаппарат олиб, ҳат-саводсиз негр қишлоқлари бўйлаб кезиб юрди, ўзининг қабулдошларига дунёда нимаалар бўлаётганлиги тўғрисида бир мунча тушунарли тил — кино тили билан ҳикоя қилиб берди.

Езуз кучларга қарши юзма-юз туриб курашишга тўғри келган бир шароитда халқчи адабиёт софиди ва меҳнаткаш кишиларни курашга олгантиради. Тараққиётлар эзувчилар жанговар образлар яратмоқдалар, тинчлик ва озодлик идеалларини тинимсиз улуғламоқдалар. Зеро, мустамлакачиликка қарши кураш ҳам, озодлик ва мустақиллик кураши ҳам тинчлик учун курашининг ажралмас қисми ҳисобланади. «Биз ҳозир ҳам,— деган эди ўрқот Ю. В. Андропов ўзининг «СССРнинг олтим қиллиги» ҳақидаги докладыда,— озодлик, мустақиллик учун ўз халқининг ҳаёти учун курашишга мажбур бўлаётганлар билан, агрессорларнинг хуружини қайтаришга мажбур бўлаётганлар ёки агрессия ҳавфига дучор бўлиб турганлар билан қатъийан ва доимо ҳамдаммиз. Бизнинг бу позициямиз Совет Иттифоқи Ер юзидида мустақам тинчлик учун изчиллик билан муттасил олиб бораётган курашдан ажралмасдир.»

### ҒОЯЛАРИНГ ЭНГ МУРОСАСИЗ КУРАШИ

**О**ЗИР инсониятнинг бутун тарихида энг муросасиз ғоялар кураши бораётди. Дунёнинг тақдирини, Ер юзидида осийшталлик бўлиши умуман ҳамма кишиларга ва ҳар бир одамга боглиқдир. Жаҳон тақдирига жавобгарлик тўғриси, инсониятнинг келажак таъшиши турли қитъа ва турли ирдиди кишиларни урушга, ирқчиликка, сиёсизга қарши биргалликда курашиш учун жипслаштирди.

Осие ва Африка эзувчилари миллий конгрессларда ва халқро анжуманларда сўзлаган ҳар бир нутқи мазмунини жаҳон тақдирини тўғрисида қайғуриб ҳисси ташкил этди... Турк эзувчиси Азиз Несин совет эзувчиларининг ҳисоб-китоби ўрганиб олганликларини, ҳамма соҳада ҳисоб-китоб билан иш олиб бораётганликларини таъкидлаган эди. Ҳар бир киши ўзининг нечанчи размерли пояфзал кийиниши, уй номерини ёки квартира номерини яхши билади. «Лекин энг даҳшатли ҳисоб — бу одамлар санай бошлаган жаҳон урушлари ҳисобидир. Учунчи уруш

аслида кичкинч жаҳон уруши тугаши биланок бошланган эди. Бироқ, бахтимизга, унга ҳали номер берилганча йўқ. Эзувчиларнинг вазифаси — бу номерсиз урушининг номерли урушга айланишга учун нимаик зарур бўлса, шунинг ҳаммасини бажаришдир.»

Адабиёт бугунги кунда жамият онгини шакллантира олади ва шакллантира олиши ҳам керак. Давримиз мураккаблигини яширмасдан, уни аниқ гоёвий позициялардан таҳлил қилиш, ижтимоий тараққиёт, демократия ва тинчликни қатъий ишонч билан ҳимоя қилиш адабиётнинг вазифасидир.

### ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ — ЭНГ МУҲИМ БЕЛГИ

**Х**ОЗИРГИ замон Осие ва Африка тараққиётлар эзувчилари ижодининг энг муҳим белгиларидан бири интернационализмдир. Осие ва Африка адабиётчиларининг энг яхши вакиллари учун қайғунинг бегонаси бўлмайди, урушининг ҳам бегонаси бўлмайди. Вьетнам бўйлаб Америка агрессияси авж олган паллада турк шоири Доғларга Вьетнамга бағишланган шеърлар китобини нашр эттирди ва уни «Бизнинг Вьетнам уруши» деб атади. Фаластинлик шоир Самих ал-Қосим «Мен Сонгмидан келатирман» шеърини ёзди. Барча ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум халқ вакили, паластинлик шоир ушун Вьетнам қишлоғининг фожеаси — шахсий фожедидир. Бу нарса турли халқларнинг ўйлар ва манфаатлари умумий эканлигини билдиради. Зеро, уларнинг дўстлари ҳам, душманлари ҳам умумийдир.

### МУИН БИСУ: «СИЁСАТ УЧУН БИЗДАН ГИНА ҚИЛМАСИНЛАР»

**А**ДАБИЁТЛАРИНГ ўз муаммолари мавжуд, айна пайта уларнинг барча адабиётлар, барча маданиятлар учун умумий бўлган, барча минтакалардаги ўқувчиларга тушунарли бўлган муаммолари ҳам мавжуд. Булар озодлик, тинчлик деган мухтастар сўзлар билан ифодаланмаган муаммолардир. Адабиёт, агар у замонавий ва тараққиётлар бўлса, инсониятни тўқилантирувчи воқеаларга дарҳол акс-садо қайтаради. «Шеърят — бу замон,— деб тасдиқлайди ливанлик шоир Мишел Сулаймон,— замондан ташқарида шеърят йўқ». Фаластинлик шоир Муин Бису уни қувватлайди. Бису аналга ичиди ёнган Байрутдан берган интервьюсида Яқин Шарқдаги кейинги воқеалар ёрқин гражданиликка хос сиёсий ўткир шеърлар уммонини юзага келтирганлигини ўқирган эди. «Сиёсат билан шуғулланиётганлигимиз учун биздан гина қилмасинлар,— дейди шоир.— Агар бундай шеърят — сиёсат ҳисобланса, унда менинг юрагимни олиб кичкига бўлинг-да, бир бўлгани сиёсатчи шашаётган жоғай ва иккинчи бўлганини шоир юрган жоғай экиб қўйинг.»

Мен ўйлайманки, ҳар қандай тараққиётлар адабиётчи фаластинлик шоирнинг бу сўзларига қўшилади. Адабиётни сиёсатдан ажратиб бўлмайди. Империализм, мустамлакачилик, сиёсизм, ирқчиликка қарши кураш ҳали тугагани йўқ. Ҳали фаластинликларнинг, Ангола ватанпарварларининг қонлари тўқилмоқда, Жанубий Африкада озодлик учун курашган жанглар курубон бўлмоқдалар, инқилобий Афронистон ватанпарварлари таққи ҳамда ички душманларга қарши мардонор жанг қилмоқдалар. Ҳали сайёрамиз узра кулга айлантйрувчи ядро урушининг муҳдис қўлақиси тарқалмай турибди. Эзувчиларнинг ўрни курашаётган халқ сафидадир. Шоирнинг оташин сўзлари халқлар дўстлиги ишига, тинчлик ҳимоясига хизмат қилмоғи даркор. Тинчлик ҳаммамиз учун қимматлидир. «Тинчлик ва қуролсизланиш,— деймиз биз,— халқларнинг тарихий ғалабасидир». Қуролсизланиши ҳеч маҳал калта ўйловчи, империализм қароргоҳидан туриб фикр юртыуви худбин сиёсатдорларнинг оёқ остига ташлаб қўйишига йўл бермаслик позим. Уни қўриқламоқ, ривожлантириш ва янада қучурлаштироқ керак. Бу инсон ақл-идрокнинг хавфли нодолларча таъвоузкорлик устидан имсисиз ғалабаси бўлади. Биз шундай ғалабага ишонимиз, зеро, инсон ақл-қароқига ишонимиз.

Осие ва Африка эзувчиларининг Тошкентдаги Биринчи конференцияси кунлари йирк совет сўз саятькорки Шароф Рашидов: «Қадимги вақтларда, замбараклар ўқирганда илҳом париси сукут сақлайди, деганлар. Бироқ бугун илҳом париси ўзининг овозини шундай баянд қутардиган пайт келдики, токи тўллар гўмбурлай олмасин», деб ёзди. Чорак аср ўтча,— ўтган йилининг октябрда,— Вьетнамда Осие ва Африка эзувчилари уюшмасы Ижроия Кенгазининг мажлиси пайтида ана шу сўзлар яна янгради.

«Эзувчи ва бугунги дунё» мавзуси — Тошкентда ўтадиган юбилей конференциямизнинг ҳам асосини ташкил этди.

Шундай қилиб, мўътабар меҳмонлар яна Тошкентга ташриф буюрадилар. «Тошкент руҳи» — тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик руҳи — бизнинг бу беаҳдо бойлигимиз ашавиеради ва тантана қилаверади.

# ТАРАҚҚИЁТ ТАҚОЗОСИ

Ҳамдам УМАРОВ,

Ўзбекистон КП Фарғона областъ комитетининг биринчи секретари

**И**Л БОШЛАРИДА қизик бир воқеанинг гувоҳи бўлдим: чет элдан келган туристлардан бир гуруҳи Фарғона қишлоқларидан бирида меҳмон бўлди. Улар замонавий қиёфадаги бу қишлоқнинг янги очилган ерларда бундан тўрт-беш йил муқаддам барпо этилганидан, колхоз ҳам энди илк қадамларини қўяётганидан ҳайратда эдилар. Шаҳар қишлоқнинг кўркини ўзи кўзи билан кўриб, эртанги кунги ривожини ҳаёлан тасаввур этган туристлардан бири ўз таассуротларини икки оғз сўз билан ифода этиб: «Ҳақиқатнинг ўзгинаси. Эртанга ўхшаш ҳақиқат», деди.

Улуғ Октябрь ниқилобидан сўнг, бутун Ўзбекистонда бўлганидек, Фарғона ҳам ҳайратомуз воқеалар рўй берди. Узоққа бормаёлик, коллективлаштириш бошлангунга қадар Фарғона деҳқонлари гектар ҳисобига тўрт, нари борса олти центнердан пахта ҳосили олиб келганликлари яхши маълум. Ҳозирги Фарғона пахтакори эса, 60—65 центнердан гапирмоқда. Пуд ўрнини тонналар эгаллади. Ишлаб чиқаришни саноат негизларида ташкил этаётган Фарғона пахтакорлари Ватанга йил сайин деярли 600 минг тоннадан «оқ олтин» топширмоқдалар. Соҳибкорларимиз эса, эл-юрт дастурхонига бир неча юз минглаб тонна мewa, узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари тоннада кўп миқдорда чорвачилик маҳсулотлари тортиқ этмоқдалар.

Фарғона саноати ҳақида алоҳида фахр билан сўз юритиш лозим. У айна пайтда республикамизнинг иккинчи индустриал марказига айланди. Саноатнинг кенг, қудратли тармоқлари вужудга келди. Область саноати ҳозир йилга деярли 3 миллиард сўмлик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Фарғона индустрияси фидокорлари бугунги кунда жаҳоннинг 42 мамлакатига 54 хил саноат маҳсулотларини экспорт қилмоқдалар.

Биз тилга олиб ўтган факт ва рақамлар область саноати ҳам, қишлоқ ҳўжалиги ҳам мислсиз тараққиёт йўлидан бораётганини кўрсатиб турибди. Шундай экан, ана шу юксалишнинг ифодаси сифатида фан, адабиёт, санъат ҳамда турмуш маданияти ҳам мантинкий равишда юксалиб бораётганлиги табиийдир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов партияимизнинг 1983 йил Июнь пленумида сўзлаган нутқида совет кишилари турмуш маданиятини ўстириш хусусида тўхталиб: «Кишиларнинг онглилиги ва маданиятини, шу жумладан, турмуш маданияти, ҳулқ-атворини доимий ўстириш ҳам, ва айтишми мумкинки, оқиллона истеъмол маданияти ҳам турмуш маданияти тушунчасига киради. Намунали жамоат тартиби ҳам, бекамийқуст, оқиллона овқатланиш ҳам, аҳолига хизмат кўрсатишнинг юксак сифатли бўлиши ҳам турмуш даражаси тушунчасига киради», деди.

Аҳоли турмуш маданиятини ривожлантириш ҳақиқатан ҳам коммунистик қурлишнинг таркибий қисмидир. Партияимиз бу масалани бош вазифалардан бири сифатида олға сурмоқда, зеро, бунинг замирида совет кишига чексиз меҳр-муҳаббат, ҳар бир меҳнаткашнинг гўзал ва тўқис ҳаёт кечирishi, қулай ва кўркам уйларда истиқомат қилиши, адабиёт ва санъат асарларидан янада тўлароқ баҳраманд бўлиши, дўстлик, қон-қардошлик, юксак идеаллар учун кураш туйғулари зухур топганлигини ҳис этиш қийин эмас.

Инсон саломатлиги — жамиятимизнинг энг бебаҳо бойлиги. Ҳамма ерда, хусусан, қишлоқ жойларда янги-янги шифохоналар барпо этилаётганлиги, соғломлаштириш тармоқлари кенгайтирилаётганлигининг боиси ҳам шунда. Инсон саломатлиги учун қайғуришнинг ўзи ҳам турмуш маданиятини яхшилашнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Шундай экан, одамларимиз соғлигини сақлашга малакали тиббий хизмат кўрсатиш йўли билангина эмас, балки атроф муҳитни мусоффо сақлаш, қишлоқ ҳўжалигида ҳар хил захарли моддаларни ишлатишга барҳам бериш йўли билан ҳам эришиш мумкин. Биз ҳудуди шу йўлдан бораётимиз. Ҳозирги пайтда Фарғона пахтазорларига ҳашаротларга қарши захарли моддалар самолётлар билан деярли сепилмайди. Сабаби

қишлоқ ҳўжалик зараркундаларига ҳеч қандай нимевий моддаларсиз қирон келтирувчи янги восита — биологик кураш методидан кенг ва самарали фойдаланилмоқда. Ҳозир областимизнинг барча районларида қатор биофабрикалар ва кўпплаб биологический лабораториялар ишлаб турибди. Олимларимиз излашни билан яратилган, кўзга илашиб-ипашмайдиган бу капалаклар «табиат санитарлари» вазифасини бажариб, ўн минг тонналаб захарли дориларнинг сепилишига чек қўйди. Бу тадбир қишлоқларимиз аҳолиси, хусусан, дала меҳнаткашларининг саломатлигини сақлаш, турли касалликларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнамоқда. Қардош Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон пахтакорлари вакиллари биологик метод сир-асрорини бизнинг пахтакорларимиздан ўрганиб кетмоқдалар. «Табиат санитарлари» ижодкорларидан бири, истеъдодли олима Ҳикматов Мирзалиева пахтакорларимиз ҳузурига бўлганда, деҳқонларимиз унинг бу эзгу ишлари учун олимга дил-дилдан раҳмат айтидилар. Бу қишлоқлардан ўтадиган ариқлардаги сувларнинг зилоллашгани, ҳавонинг мусоффолашгани, боғларда бўлбул ҳамда бошқа қушлар сайроғи қуюқлашгани, бир сўз билан айтганда, соф ҳаводан кўракин тўлдириб нафас олиш имкони туғилганлиги учун олимлар шаънига айтилган миннатдорчилик сўзлари эди.

Биз қишлоқ меҳнат аҳли саломатлигини сақлаш йўлида бошланган хайрли ишимизни изчил давом эттирмоқдамиз. Биологик метод тараққиёт топгани сари захарли дориларга бўлган эҳтиёж камай борар. Бу қишлоқда турмуш маданиятини ривожлантиришнинг ўзига хос усули.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ҳамда республикамиз партия ва ҳўкуматининг ҳўтор — кўргонча системасини тугатиш ҳақидаги қарорлари бизнинг областимизда ҳам изчил амалга оширилмоқда. Чунончи, ўиничи беш йиллик давомда ҳар бештадан бир кўргонча тугатилган эди. Ун биринчи беш йилликда бу соҳада қилинаётган ишлар қўлама ва суръати янада ошди. Бунинг ёрқин самараси ўлароқ неча ўнлаб қишлоқлар ҳозирги замон инженерлик тақрибаси ва бош план асосида қайта қурилди, шаҳарлардан қолшимайдиған кўпплаб замонавий қишлоқлар бунёд этилди.

Областимиздаги кўпплаб янги қишлоқлар Бутунитифоқ кўрмқ-конкурснинг ғолиблари деб топилди. Булар орасида Ўзбекистон районидаги Ганинобод ва Бўстон қишлоқлари, Қува районидаги Охунбобоев

Бу жамият — қудратли ишлаб чиқарувчи қушлар, илғор фан ва маданият барпо қилинган, халқ фаровонлиги мутасил ўсиб бораётган, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун тобора қулайроқ шароитлар вужудга келаётган жамиятдир.


(«СССР Конституцияси»дан)

номли «Коммунизм» колхози марказлари, Киров районидagi Толоша, Фарғона районидagi Миндон-обод ва бошқа қатор посёлкалар бор.

Ҳўрматли журналхонлар! Марказий Фарғона кўриги ҳақида ўқиган ёки эшитган бўлишлари мумкин. Асрлар давомида инсон қадами ва нафасига ташна бўлиб ётган бу кенгликларга бундан чорақ аср муқаддам юриш бошланган эди. Шу давр мубайнида чўл бағридан неча ўн минглаб гектар ер тортиб олинди, ирригация ишоотлари, йўллар қурилди. Лекин, эътироф этиш керакки, Езёвон чўлларини ўзлаштириш, қишлоқ ҳўжалик тасарруфига киритилган ерларни юксак унумли майдонларга айлантириш иши ҳали-ҳозир поёнига етказилгангича йўқ эди. Бугунги кунда ана шу ҳал қилувчи паллага қадам қўйди. Республика партия ва ҳўкуматининг қарори билан Марказий Фарғона ерларини узиш-кесил ўзлаштириш учун қудратли ҳаракат бошланди.

КПСС Марказий Комитети Сийёси бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов водий кўриги ҳақида гапириб шундай дедан эди:

«Марказий Фарғонанин келажаги порлоқ. Ҳали бу ерларда ажойиб, гўзал шаҳар ва қишлоқлар қад кўтарди, бу ерларда ўз ҳосили билан оламга шўҳрат ёйган колхоз ва совхозлар бунёд этилди. Шу билан бирга, бу шўр босган ерларда ажойиб боғлар, узумзорлар, пахтазорлар, гўлзорлар яратилди. Ушбу чўлни ўзлаштиришга муносив ҳисса қўшган азаматлардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари етишиб чиқди». Дарҳақиқат, Фарғона деҳқонлари озиқиб кутган ўша ҳал қилувчи дамлар келди. Областда пахтачиликни ривожлантиришнинг энг муҳим резерви бўлган Марказий Фарғона ерларида бугун меҳнат авжида. Кўриқда янгидан 15 га яқин совхоз ташкил этилди. Ҳозир ана шу совхозлар учун такомилга етган лойиҳалар асосида кўркам, замонавий қишлоқлар, чорвачилик комплекслари қурилмоқда. Бунёдкорлик ишларини қудратли моддий-техника базасига, ғишт заводларига, қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналарга эга бўлган учта йирик қурилиш трести амалга оширмоқда. Шу мақсад учун 1982 йилнинг ўзидagina 25 миллион сўмликдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирилди. 100 минг квадрат-метрдан кўпроқ уй-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кўрмқ совхозларда қатор «ўзалик салон»лари,



Ўзбекистон район, Гафур Гўлом номидagi колхоз аъзолари агитатор-ўқитувчилар (чапдан) Зарифа Маликова, Мухаббат Ҳамидова, Мухаббат Маликова, Мастура Аҳмедоваларнинг сўхбатларини доимо мароқ билан тинглайдилар.

М. Саримсоқов фотоси

маиший хизмат қўбинатлари ҳам қад кўтарди, марказлаштирилган иситиш системалари барпо этилди, 360 километрдан кўпроқ асфальт йўллар қурилди, мактаблар ва болалар муассасалари ишга туширилди. Янги муҳташам клублар, маданият саройлари, кинотеатр ва кутубхоналар чўлқуварлар хизматида.

Бугунги кунда область қишлоқларида 700 дан кўпроқ оммавий кутубхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг фондидаги китоблар сон қариб 5 миллион нусхага етади. Бу кутубхоналар ҳамда 400 дан зиёдроқ клуб муассасалари ҳақиқий маданий маскан вази-фасини ўтамоқда. Шунингдек, неча ўнлаб кинотеатрлар, юзлаб кўча кино қурилмаалар меҳнаткашлар ўртасида маданий-оқартув ишлари олиб боришга даъват этилган. Юзлаб бадий ҳаваскорлик қоллективлари, кўплаб халқ ансамбллари ҳам қишлоқ меҳнат аҳли хизматида.

Область партия комитети, районларнинг партия ҳамда совет ташкилотлари аҳоли турмуш маданиятини кўтаришдек ҳаётий масалалар билан изчил шуғулланаётганлар. Сўнгги йилларда колхоз раислари ва совхоз директорларининг маданий ишлар бўйича ўринбосарлари штатлари ажратилгани бу соҳада янада конкрет ва самарали иш олиб боришимизга ёрдам бермоқда. Ҳозир барча хўжаликларда шу павозимларда ёш, ғайрат-шикоатли, изланувчан мутахассислар дидил иш олиб бормоқдалар. Улар идеология фронтининг муҳим участкалари бўлмиш маданий муассасалар фаолиятини активлаштиришдан тортиб, омма ўртасида илгор анъаналарни кенг тарғиб этиш, меҳнат аҳлини юксак идеаллар руҳида тарбиялашда куч ва ғайратларини аямай сарфламоқдалар.

Яна бир характерли гап: турмуш маданиятини кўтариш баъзи бир ўртоқлар ўйлаётганидан кўра мураккаброқ жараёнлидир. Чиройли уй-жойлар қуриш, рангли телевизор, кир ювиш машиналари ёки қимматбаҳо мебелга эга бўлиш билан бунга эришдик, деб бўлмайди. Бу масалада, энг аввало, кишиларнинг руҳий-маънавий оламини бойитишга эришиш даркор. Одамлар онги ва қалбда дўстлик, эзгулик, ҳалоллик, меҳнатга муҳаббат, бурчга садоқат каби туйғуларни уйғотиш билан бир қаторда меҳчанлик, худбинлик, лоқайдлик каби иллатларга қарши муросасиз кураш олиб бориш лозим. Облаstdаги барча партия, совет ташкилотлари, қишлоқда турмуш маданиятини яхшилаш мутасаддилигини олган масъул ўртоқлар бу борада ўз бурчларини яхши бажариб, бой тажриба тўпладилар. Шу ўринда Киров, Қува, Ўзбекистон, Бувайда, Ленинград районларида аҳоли ўртасида изчил олиб борилаётган ишлар кишини мамнун этади.

Қамров ва миқёслари кенг бўлган турмуш маданиятини ўстириш борасида ҳамisha ҳам юксак талаблар даражасида иш олиб борилмоқда, деб бўлмайди. Бизда ҳали-ҳозирга қадар ўз ишини яхши ташкил эта билмаган маиший хизмат корхоналари, дуруст ишламаётган клуб ва кутубхоналар, маданият саройлари ҳам борлигидан кўз юма олмаймиз. Худди ана шундай қусурлар қишлоқ қурилишида ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Тўғри, қишлоқ қурилишида олиб борилаётган ишларимиз ҳажми ниҳоятда улкан. Аммо, эътироф этиш кераки, баъзи ҳолларда эстетик жиҳатдан дидсиз, ноқулай ва кўримсиз уй-жой ҳамда бошқа хил бинолар ҳам пайдо бўлиб қолмоқда. Бизнингча, меъморлар ва лойҳачиллар, бинокорларимиз техника асри суръатларини ҳисобга олган ҳолда узоқни кўзлаб, умрбойки, кўркам, эстетик нуқтан назардан мукамал бинолар қуриш йўлидан боришлари керак. Бундай улкан мақсадга фикран қолоқлик ва эричқоқликдан қутулиш билангина, изланиб, ёниб ишлаш билангина эришиш мумкинлигини унутмаслик керак.

Шу ўринда кўпчиликини анчадан буён ўйлатиб келаётган айрим муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Ўз-ўзидан равшанки, кўрғонча системасини тугатиш учун, марказлашган замонавий қишлоқлар бунёд этиш учун тарқоқ ҳолдаги кўпгина аҳоли пунктларидан воз кечмоқ маъқул. Уйи бузилиши керак бўлган хонадон эгаларига эса пул тўлаш ва янги иморат қуриш учун ер участкаси ажратиб бериш шарт. Тугатиладиган кўрғончалар ҳам, одамларга бериладиган ер участкаси ҳам Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министриги ҳамда Мева ва сабзавот хўжалиги министриги тасарруфига кирди. Қондага кўра, ўртада бўладиган сарф-харажатлар, яъни бузиладиган уйлар учун ҳақ тўлаш юқорда номлари экир этилган министрликлар орқали амалга оширилиши керак бўлса ҳамки, аслида шундай қилинаётгани йўқ. Кўрғонча системасини тугатишни тезлатишга салбий таъсир кўрсатиб келаётган ана шу масалани ижобий ҳал этиш фурсати келмадимикин!

Еки яна бошқа бир масала: қишлоқ жойларида водопровод йўллари ва кранларнинг тез-тез бузилиб туриши, улар ҳатто оилаб тўзатилаётгани ҳақида меҳнаткашлардан шикоят хатлар ва сигналлар олиб турибмиз. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳузурдаги колхоз ва совхозларга маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарларидан бунинг боиси сўралганда, мазкур ташкилот энг оддий ремонт ишларини бажаришга ҳам ожизлик қилаётгани маълум бўлди. Сабаби, республика Қишлоқ хўжа-



Қувасой шаҳридаги «Анор» халқ ансамблининг қизлари ҳамisha меҳнаткашлар хизматида.



Ленинград райони маркази Учқўприқда «Маиший хизмат ўйи» намунали ишлаб турибди.

Марғилон шаҳридаги «Наврўз» маиший хизмат кўрсатиш ўйининг бутун меҳнат аҳли каби доппичи Л. Турсунова ва шоғирди М. Мамажонова СССР Конституцияси кунини муносиб меҳнат тўхфалари билан кутиб олдилар.

М. Саримсоқов фотолари

лиги министриги қoшидаги колхоз ва совхозларга маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси йилгига ўзининг областдаги мазкур ташкилотга труба, арматура каби материалларнинг атиги 10—12 процентини берар экан, холос. Ахир, водопровод орқали қишлоқ хонадонларига оқиб кираётган сув бу — ҳаёт қон томири, бу — ҳар кунги ва ҳар нафасдаги ҳаётнинг эҳтиёж-ку.

Кампаниячилик, мавсумийлик қишлоқда турмуш маданиятини кўтариш соҳасида олиб борилаётган жиддий ва салмоқли ишларимиз табиатига мутлақо ёт бўлмоғи керак. Бу партия, совет ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳар кунги, энг долзарб ишларидан бири бўлиб қолиши шарт. Шунга кўра, область партия комитети қишлоқда турмуш маданиятини юксалтиришнинг комплекс планларини ишлаб чиқди. Уларнинг бажарилиши, қарорлар ижроси мунтазам назорат қилиб борилмоқда, хато ва камчиликларнинг олди олинмоқда. Бинобарин, ўз атрофида 62 мингдан зиёд коммунистни уюштирган Фарғона область партия ташкилоти қишлоқда турмуш маданиятини равнақ топтириш борасидаги кўп қиррали ишларни тўла адо этишга қодир эканлигини амалда кўрсата билади.



Вахшивор

Кеча пойтахт чироғи  
Жилва қиларди минг-минг,  
Сарвалар орасида  
Бугун оппоқ тонг отди.  
Бутоқни тақиллатиб,  
Бутоққа ёпишиб денг  
Ногорачи кушларнинг  
саси мени уйғотди.  
Оёғим уммондаю  
Бошим тегиб осмонга  
Хулқарга қўл узатиб  
мастонавор турибман.  
Сен заминдан кўк қадар,  
сен билан бўйим баланд  
Салом, юртим! Бу гал ҳам  
Сени тушда кўрибман...

Сиёх тунлар қатида  
Мармар тонглр очилар.  
Тонгдан кифтда кўндоғи  
Йўлга тушар овчилар.

Пастга эниб жайронлар  
Дарёдан суя ичади.  
Сойдан-сойга гурра-гуя  
Тустовуқлар учади.

Юқори вольт симларда  
ГЭС ҳайқирган куйида.  
Лаҳза турсанг маст бўлгунг  
Какраларнинг бўйидан.

Бир тегирмон оппоқ сув  
Қорни ялаб шовуллаар.  
Юқори — Осмонталаш  
Пасти — ўтов, овуллаар.

Ходаларга илинган  
Сачвоқли тўр ярашиб,  
Тўр-қафасни йиртгудай  
Беданалар сайраши.

Баргларда ўйнар шуъла,  
Шуълаланар тоғу тош.  
Адрлар нарёғидан  
Чиқиб келади қуёш.



Ўзбекистон

(Кўшиқ)

Қишларингда бодом гуллаар,  
Тошларингда унар гул.  
Шалолалар кучоғида  
Сочдай эшилар сунбул.

Яшаришни бошлаб берар  
Жумла жонга баҳоринг.  
Саратоннинг авжида ҳам  
Дарёларда муз-қоринг.

Ариқларда суя тиникиб  
Мезон учган паллада.  
Ер-осмонинг оппоқ мовий,  
Оқ нур тошган даладай.

Тўрт фаслни шайдо қилган,  
Шайдо қилган гул юзинг.  
Шарқ кўкида толе кучган,  
Ҳей ярашиқ юлдузим!.

1983. Трускавек - Тошкент.

Суратинг

Кутлуг қадам берган, дид берган баланд,  
Кутлуг қалам берган менга бу замон  
Қачон, қайда бўлмай ошиқ кўнгил билан,  
Юртим, суратингни чизаман.

Тўғри, кўнгиул суймас ортиқ бўяшни  
Дилнинг буйруғига қилганча амал  
Бошинг узра чиздим алвон қўёшни,  
Рангин уфқларга югуртирдим ҳал.

Ишим тугамаёқ уфқда ой-лаган,  
Шомнинг гира-шира пардаси инди.  
Юлдуз тўла осмон сурув ўрмалаган  
Томди яйловига ўхшаб кўринди.

Нетай, бошқа рангда сурдим қаламни  
Бир сурат ишқида бедор кўзларим.  
Бой бергим келмасди фурсатини, дамни  
Оташ қиёсингни тун-кун изладим.

Уйчансан, дилгирсан, деҳқонсан содда,  
Юзинг ёқут рангин олиб лолада,  
Қарнай-сурнай чалдинг байрамда шодон,  
Беқасам тўн кийиб куёв боладай.

Қай хилда чизишга шошмай неча бор,  
Йўқ, чизиб улгура олмасман, чоғи.  
Ҳа, лаҳзама-лаҳза бой ва бетакрор  
Мўъжиза кўринар экан тупроғинг.



Питнақда

Бир ўкириб поездимиз тўхтади,  
Уч дўст  
бир-биридан сўраб қолди:  
— Питнақми?  
— Ҳовва.  
Кўл силкишиб жўнаб кетди  
Шодон уч томон.

Кўнғир ёбон кўксиди бор шундай  
бекат, ҳа...  
Боғ-роғларга кўмилганча ётар  
ям-яшил,  
Олмалари гилос ранги билан  
баравар.  
Яшил орол десалар гоҳ,  
Гоҳида дерлар:  
— Йўқ, у мева-чева ортган яшил  
арава.

Уч йўл келиб кўшилади учта  
томондан,  
«Арава»ни силжитмоқчи бўлибми  
тағин.  
Ажабланманг, ёдингизга туширса  
баъзан  
Қисқичбақа, Чўртанбалиқ, Оққуш  
эртагин.  
Ҳа, уч йўл бор,  
Уч қудратли куч бўлиб лекин  
Уч томонга тортмас,  
Йўқ-йўқ, келиб кўшилар,  
Кафтдеккина текислиг-у, кўл бор  
бунда ҳам.  
Осмонида қагиллаган ўрдак, ғоз,  
қушлар...  
Қисқичбақа,  
Чўртанбалиқ,  
Оққушлар эмас,

Йўловчига бағишловчи укпардек қанот.

Бу шаҳарни «Дўстлик» атаб,  
бердилар оро.  
Қўлларидан баҳра олиб, қулф урар  
ҳаёт...

Йўқ, «арава» силжимади-поезд  
силжиди,  
Силжир чоғи уч дўст кирди купега  
хушқол:

Портфель тутган,  
қўлда бола,  
Ҳасса суяган —  
Туркман аёл,  
Ўзбек йигит,  
Қорақалпоқ чол.



Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидagi пахта қабул қилиш пункти.

Н. Муҳаммаджонов фотоси

ОЗИРГИ КУНДА республикада мактаблар ва педагогика ўқув юртлирида қизгин ижодий кўтарилиш қайфияти ҳужм сурмоқда. Ҳар бир маорифчи ўз зиммасидаги маъсулиятининг катта эканлигини аҳси ҳис этади.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленуми шунинг алоҳида таъкидлаб ўтдики, янги инсонни шакллантириш вазифаси кўп жиҳатдан бизларга — ёшларнинг мураббийлари зиммасига юклатилган. Пленумда ўқитилганидек, умумхалқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан ишлаш заруратини ёшларимиз оғида таркиб топтиришдек партиянинг муҳим вазифаларини бажариш ўқитувчига, унинг граждонлиги, партиявий, ахлоқий бурнига боғлиқдир.

Республикамизда халқ маорифи аҳолининг таҳлил этар эканми, ёш авлодининг муайян билим ва меҳнат малакасига, тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган ҳолда ҳаётга қадам қўйишнинг таъминлагидан узвий диалектик алоқадорлик тарихи топганигини аниқлаш кераки. Бу системанинг биринчи, бошланғич погонаси — мактабгача тарбиядир. Бугунги кунда мавжуд 7 минг 816 та мактабгача тарбия муассасасида бир миллион 160 мингдан ортиқ бола тарбияланмоқда. Болалар боғчаларига жалб этиш 1976 йилдаги мактабгача тарбия ёшидаги умумий болалар сонига нисбатан 19,6 процентдан 39,7 процентга кўтарилди. Мазкур муассасаларда тарбия мактабга тайёрларлик талаблари билан мустаҳкам боғлиқдир. Бу муассасаларда болалар боғчалари ва мактабларнинг таълим-тарбия иши ўртасида пухта ҳамкорлик амалга ошириляпти.

Республикамизда сўнгги йилларда мактаб тармоғини такомиллаштириш: майда бошланғич ва саккиз йиллик мактаблар сонини қисқартириш ва ўрта мактаблар тармоқларини кенгайтириш юзасидан мунтазам иш олиб борилмоқда. Утган 1982—1983 ўқув йилида Ўзбекистонда 9 минг 350 та умумий таълим мактабиде 4 миллион 233 минг 200 ўқувчи таълим олади.

Болаларнинг жамоат тарбиясида ва оилага ёрдам кўрсатишда, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштироки этишлари учун имкониятлар яратиб беришда мактаб-интернатлар, мактаблар қошидаги интернатлар, кунин узайтирилган гуруҳ ва мактаблар муҳим роль ўйнамоқда. Йил сайин кунин узайтирилган гуруҳларнинг ишини такомиллаштиришмоқдамиз ва уларга тобора кўпроқ болалар тортилмоқда. 1982—1983 ўқув йилида бундай тоифадаги мактаблар ва гуруҳларда 1 миллион 283 минг 600 ўқувчи ёки 1—8 синфлардаги барча ўқувчилар сонининг 37,1 проценти тарбияланди.

Мамлакатимизда, шу жумладан, республикамизда жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонлар мавжуд бўлган болаларга ихтисослашган ёрдам кўрсатиши йўлга қўйишга катта эътибор бериляпти. Революциягача бўлган Россия территориясида ана шундай болалар учун давлат системасидаги мактаблар мутлақо йўқ эди.

Республикада бир қатор фанлар бўйича чуқур билим олиш мақсадида физика-математика, рус тили ва бошқа фанлар чуқур ўрганиладиган мактаблар, мактаб-интернатлар ишлаб турибди. Ўқувчиларнинг ҳаётга, меҳнатга, касб танлашга тайёрлашда мактаб меҳнат таълими ва тарбияси катта аҳамиятга эга.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига таълим-тарбия бериши ва уларни меҳнатга тайёрлаши янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ умумий таълим мактабларида фан кабинетлари ва устакхоналар сонини кўпайтириш, уларни кўргазмали қуроллар, техника воситалари ва ускуналар билан жиҳозлаш бўйича анча ишлар амалга оширилди.

Оқори синф ўқувчиларига меҳнат кўникмасини сингдиришда йилдан-йилга кенг ривожланиб бораётган мактабларро ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозирги кунда республикамизда меҳнат таълими ва касб танлаш бўйича 513 та мактабларро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ишлаб турибди. Улар мактаблар билан биргаликда юқори синфларнинг барча ўқувчиларини ишлаб чиқариш таълимига жалб этадилар. Янги ўқув йили девомида 636 та мактабларро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида меҳнат таълими олиб борилди. Уларда ўқувчиларга саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, алоқа, маиший кизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар бўйича 143 хил касб-ҳўнар ўргатилади.

Маориф системасининг моддий базасини янада мустаҳкамлаш республика халқ маорифини ривожлантиришдаги энг муҳим вазифалардан биридир. Агар капитал дунёсида, ҳар йили социал эҳтиёжлар, шу жумладан, халқ маорифи учун маблағлар қисқартирилган бўлса, бизнинг мамлакатимизда маориф эҳтиёжлари учун ҳар йили маблағлар кўпайтириб бориляпти. Жумладан, тўққизинчи беш йилликда республикамизда шу мақсадлар учун 3 миллиард 455 миллион 194 минг, ўнинчи беш йилликда 4 миллиард 795 миллион 753 минг сўрфланди. Фақат 1982 йилда 1 миллиард 146 миллион 969 минг сўр, 1983 йилда эса 1 миллиард 226 миллион 150 минг сўр ажратилди. Агар аввалги йилларда ўқувчилар босқичма-босқич текин дарсликлардан фойдаланиш-

га ўтишган бўлса, янги 1983—1984 ўқув йилида бошлаб 1—10-синфларнинг барча ўқувчилари текин дарсликлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Кечки (сменали) умумий таълим мактаблари халқ маорифи системасининг муҳим элементларидан биридир. Давлатимиз ўзи ташкил этилган дастлабки йиллардан бошлабқ ишловчи ёшларнинг умумий таълим савиясини ошириб бориш тўғрисида алоҳида маълумотга қилиб келмоқда. Тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлмаган ишчилар ва практик-мастерлар учун кечки умумий таълим мактаблари составида мастерлар мактаблари ва алоҳида синфлар ташкил этилган. Бу ерда улар касб малакаларини ошириш билан бир қаторда умумий ўрта маълумотга ҳам эга бўлдилар.

Факультатив машғулотлар системаси ҳам болаларга манзур бўлиб қолди ва уларда катта қизиқиш уйғотди. Бундай факультативлар болалар қобилиятларини, имкониятларини, майлларини аниқлашга ёрдам бермоқда ва уларнинг ҳаёт йўлини тўғри танлаб олишларида таясир кўрсатмоқда.

Республикамизда мактабгача тарбия, мактабдан таш-

# МАОРИФ КАМОЛИ

Саид

ШЕРМУҲАМЕДОВ,

Ўзбекистон ССР маориф министри

қари муассасалар, умумий таълим мактаблари, педагогика ўқув юртлирида рус тилини ўқитиш ва ўрганиши янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мактабдан ташқари муассасалар ёшларнинг таълим олишида катта роль ўйнайди. Ҳар йили бундай муассасаларда техник, табиатунослик, туристик, эстетик тўғараклар сони ортиб бораётди. В. И. Ленин номидаги Республика пионер ва ўқувчилар саройида «Ўзбекистон тароналари» ашула ва рақс ансамбли, «Навбахор» хореографик ансамбли, «Парвоз» ўсмирлар экспериментал ҳаваскорлик театри ишлаб турибди.

Йил сайин мактабдан ташқари муассасалар тармоқлари кенгайишда ва уларга болаларни жалб этиш ортиб бормоқда. Масалан, агар 1976 йилда республикамизда 506 та мактабдан ташқари муассаси ишлаб турган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 794 тага етди. Фақат сўнгги йилларнинг ўзиде республикада анигдан 20 та пионер ва ўқувчилар уйи, 12 та ёш техниклар станцияси, 18 та ёш табиатуноснолар станцияси ташкил этилди.

Тошкентда Республика пионер ва ўқувчилар саройининг ноёб новбоси ишга туширилди. Бу ерда 5 мингга яқин ўқувчи шугулланаётди. Шунингдек, Урганч, Тўрткўл шаҳарларида, Сирдарё областининг Илчиқ райониде, Тошкент областининг Бўстонлиқ райониде пионерлар уйлари қурилди. Қорақалпоғистон пионерлари ажойиб комплекс — Республика пионер ва ўқувчилар саройига эга бўлишди. Барча мактабдан ташқари муассасаларда тўғарак аъзолари сони дезрли уддан бир баравар кўпайди.

Синфдан ташқари ишлар ҳам ажишлиниб бормоқда. «Ашула байрами», болалар ишлари кўргазмалари, тўғараклар, расмлар, галереялар, клублар, театрлар, ансамбллар, хср коллективлари, оркестрлар, лекторийлар ва студияларнинг қўллаб ташкил этилиши фақат мактабларда эмас, балки тураржойларда ҳам синфдан ташқари ишларни тубдан ажишлаш имкониятини бермоқда. Масалан, ҳар йили ўлкаиб келинган «Санъат байрами» ёш талантларнинг ўсиш омилларидан бўлиб қолди. Бу байрамда ҳар йили 2—2,5 миллиондан ортиқ ўқувчи иштирок этиб,

ўғил санъат жанрлари бўйича ўз маҳорат ва малакаларини намойиш қилмоқдалар.

Болалар ишлари кўргазмасига қўйилган расмлар, натюрморлар, манзаралар, портретлар, ҳайкалтарошлик, графика, кулоччилик буюмлари, миллий кашка, ганч ўймакорлиги, нақш, болалар ўйинчоғи, табиат буюмлари ва чиқинди материаллардан ясалган ўйинчоқлар, кино ва фото ҳаваскорларнинг ишлари ҳамда бошқа қўллаб ишлар тўғаракларнинг болалар, ўқувчи ёшларнинг кенг бадий тарбиясига ёрдам бераётганигидан ва таълим-тарбия ишида санъат имкониятларидан тўлиқ фойдаланилаётганигидан дарак беради.

Мактабларимизда физкультура ва спорт машғулотларига жиддий эътибор бермоқдамиз. Ҳозир 7 минг физкультура коллективига 4 миллионга яқин ўқувчи жалб этилган. 2 минг 675 та спорт зали, 158 та бассейн, 18 минг 200 дан ортиқ спорт майдончаси ўқувчилар ихтирида.

Бугунги кунда халқ маорифи, мактаб ва мактабгача тарбия болалар муассасалари олдида турган улкан вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига педагогика ўқув юртлирининг кенг тармоғи ёрдам кўрсатмоқда. Эндиликда республикамизда 14 та педагогика институти ва 37 та педагогика билим юрти ишлаб турибди. Шу йилнинг 1 сентябидан янги Навоий области учун Навоий шаҳрида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг филиали ўз ишини бошлади. Йил сайин педагогика ўқув юртлирининг моддий базаси мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда, янги таълимнинг техника воситалари, методика кабинетлари, фан ва лингафон кабинетлари очилмоқда. Республикамизда олимларнинг катта отряди — 57 фан доктори ва 1 минг 322 фан кандидати ёшларнинг бўлажак мураббийларига таълим бермоқда.

Педагогика ўқув юртлирининг ошхона ва буфетлари ўз ёрдамчи ҳўжаликлариде этиштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Россия Федерацияси ва Украинадаги педагогика олий ўқув юртлири Ўзбекистонга катта қардошлик ёрдами кўрсатадилар. Улар Ўзбекистон мактаблари учун педагогик кадрлар тайёрлаб бермоқдалар.

1983—1984 ўқув йилида Ўзбекистон маорифчилари олдида янада улғувор вазифалар турибди. Ҳозир кунин узайтирилган гуруҳлар ва мактабларда 1 миллион 400 мингдан ортиқ бола тарбияланмоқда. Бу, 1—8-синфлардаги барча ўқувчилар контингентининг 38,69 проценти ташкил этади.

Эндиликда маориф системаси мактаблар қошидаги интернатларнинг кенг тармоғига эга. Яна 491 та мактабда шундай интернатлар ташкил этилди, уларда 15 минг 700 дан ортиқ бола яшайди ва тарбияланади.

1983 йилда капитал қурилиш тармоқлари бўйича 123 минг 200 ўқувчи ўрнига эга бўлган мактабларни, 49 минг 820 ўрнли мактабгача тарбия муассасасини, қишлоқ жойларда ўқитувчилар учун 46 минг 800 квадрат-метри тураржой биносини асосан фойдаланишга топширилмоғи зарурдир.

Мактабларимизда фан кабинетлари сони кенгайиб бормоқда. Илгари ташкил этилган кабинетлар кўргазмали қуроллар ва техника воситалари билан бойимликда. Келгуси ўқув йилида барча саккиз йиллик ва ўрта мактабларнинг болаларини иссиқ оғат билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Масофадан тузиб бошқариладиган таълимнинг автоматлаштирилган техника воситалари кабинетларини, ёпиқ ўқув телестудияларини жиҳозлашни кенгайтириш, мавжуд таълим ва бошқа кабинетлар ёнига қўшимча кабинетлар ташкил этиш, майда ва йирик шохли моллар парварши қилинадиган ёрдамчи ҳўжалик майдонини кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Ҳа, чиндан ҳам булар — бугунги кунда амалга ошириладиган ишлар. Эртанги кун эса янада жозибалидир. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленуми, унда КПСС Марказий Комитетининг Бш секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутидан келиб чиқадиган хулоса ва қондалар, шунингдек, КПСС Марказий Комитети Сибсий бюросининг умумий таълим мактабини ислох қилиш тўғрисидаги қарори ва уни ишлаб чиқиш юзасидан комиссия тузилиши бунинг ёрқин гаровидир.

Янги — 1983—1984 ўқув йили улўғ шодёна ва ёрқин байрам — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиғига тайёргарликка бағишланган йил бўлади. Халқ маорифи системасини янада ривожлантириш юзасидан катта тер тўкиб, плани ривашида иш олиб бориш, ёшларимизга таълим ва коммунистик тарбия беришни такомиллаштириш зарур. «Идеология, тарбия, пропаганда иши ривожланган социализми такомиллаштириш жараёнида», деди ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленумида сўзлаган нутиқда, — партия ҳал этаятган катта ва мураккаб вазифалар даражасига қатыян билан кўтарилиш зарур. КПСС Марказий Комитетининг Бш секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг бу доно сўзлари бутун мамлакатимиз, бутун республикамиз маорифчилари учун дастуриламалдир.

# ҚАЛБ ЁЛҚИНИ

Инсон баъзан ўзини-ўзи саволга тўтиб қоларкан: «Эл-юртга менинг ҳам нафим тегаётимидими! Ҳаётда ўз ўрнимин топдимми! Одамларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб, уларнинг оғирини енгил қила олаётимидими! Умрим кузида орта боққанимда дилга таскин бағишловчи бирон-бир ёруғ нур, кутлуғ из кўзга ташланадими! Ушанда ҳаётимдан қониқиб ҳосил қила оламаними!».

Юсуфжон ака ҳам йигирма беш йилдан бери ўзи ишлаётган қадрдон корхонасидан чиқиб уйига қайтаркан, ана шундай ўйлар билан ўқтин-ўқтин ўз ҳаёт йўлига ҳаёлан назар ташлайди... У ўй-хаёллар оғушида уйига қандай етиб келганини ҳам сезмай қолди. Почта қутисини очган эди, газета-журналлар билан бирга конверт ҳам чиқди. Хат чилангар, токар ва бошқа касб соҳибларини тайёрловчи ҳунаротехника билим йўли маъмурияти номидан эди. У хонасига кириб, қийимини алмаштирди-да, конвертини очиб, хатни ўқиб бошлади:

«Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника таъминоти давлат комитетига қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Ремонт-механика заводининг илгор тоқари, СССР Давлат мукофоти лауреати Юсуфжон Маҳмуджоновга!

Хўрматли Юсуфжон ака!  
Билим юртимизда «Ишчи бахти» деган мавзуда кеча ўтказмоқчимиз. Ана шу кечада қатнашиб, ўз ҳаёт йўлингиз, касбингиз, ўстоз ва шоғирдларингиз ҳақида гапириб беришингизни сўраймиз. Сизнинг ҳақиятигиз ёш авлоднинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурини бойитди, уларда ишчи касбига меҳр-муҳаббат уйғотди, деб ўйлаймиз».

Юсуфжон ака хатни ўқиди, ўйлаб қолди: «Билим юрти талабаларига нима дейман! Бирон бир қахрамонлик қилган бўлмасам, кўпчилик тоқарлар сингари ишлаб юрибман. Менинг ҳаёт йўлим ёшларда қизиқиш уйғотармикан!» У ана шундай хаёллар билан хатга тикилиб турганда, хонага рафиқаси Раҳима ола кириб келди:

— Қораманг, دادаси! Уйчан кўринасиз!  
— Мана, мени билим юрти талабалари билан учрашувга таклиф қилишбди. Уларга нимани сўзлаб беришим мумкин! Оддий ишчи бўлсам.  
— دادаси, сиз босиб ўтган йўл ёшларга ибрат. Борини уларга гапириб берсангиз кифоя. Зора улар ҳам сизнинг йўлингизни тўтиб кетишса.

...Зал талабалар билан тўла. Билим юрти директори учрашувини очиб, йиғилганларга Юсуфжон Маҳмуджоновни таништирди, сўнгра донгдор ишчининг ўзига сўз берди. Маҳмуджон ака залга чўккан осудалиқдан, юзлаб кўзлар унга термулиб турганлигидан бироз ҳаяжонга тушди. Лекин зудлик билан ўзини қўлга олди-да, осойишталик билан гап бошлади:

— Азиз фарзандларим! Мана, сизлар мустақил ҳаёт олдида турибсиз. Айтадиган гапим шунки, меҳнатга меҳр қўйинг. Сидқидилдан қилинган меҳнат обрў келтиради, бахт келтиради. Бунга ўз ҳаёт тажрибамда ишонч ҳосил қилганман. Ота-боболаримизнинг: «Дарахт бир жойда кўкаради», деган нақлига амал қилиб, чорак асрдан бери ҳозиргина директорингиз айтган корхонада ишлаб келаётиман. Завод иккинчи уйим бўлиб қолган.

Бизнинг завод Тошкентдаги кекса, ўз тарихига эга бўлган корхоналардан бири. Ярим асрдан ортиқ вақтдан бери коллективимиз ер ҳайдов тракторларининг двигателларини капитал ремонт қилиб, деталларни қайта тиклаб, ишни такомиллаштириб келмоқда...

Хўш, токарлик дастгоҳида иш бошлаган дастлабки пайтларим ҳамон ёдимда. Ушанда уста токар Андрей Ефимович Полев мени ўзига шоғирд қилиб олган эди. Тўғрисики айтсам, бир ойгача роса қийналдим. Нозик асбоб-ускуналарга қўлим қовушмай, деталлар брак бўлиб чиқаварарди. Лекин ўстозим, ҳамкасбларим қийинчиликларни енгимда ҳар то-

монлама менга далда беришди. Орадан бир ярим ой ўтгач, мустақил ишлаб бошладим. Бора-бора энг нозик, мураккаб ишларни ҳам бинойидек бажарадиган бўлиб қолдим.

Қадрли ўғил-қизларим! Орангизда токарлик касбига меҳр қўйганлар ҳам анча топилди. Бу касб, энг аввало, ўта аниқликни талаб қилади. Яна бир муҳим жиҳати шунки, бу касбда ишлайдиган киши сабр-тоқатли, босиқ, ҳуноблиқдан йироқ бўлиши лозим. Ана шундай фазилатларга эга бўлган токар қўлидан чиққан деталь бенеўқсон ишлайди.

Биринчи мураббийим Андрей Ефимович билан ҳозир ҳам бир жойда — двигател деталларини қайта тиклаш цехида ёнма-ён ишлаймиз. Дўсту қадрдонимиз. Гўё кечлагина ўзим шоғирд эдим. Бугун эса қанча-қанча ишчилар менга: «Ўстоз», деб мурожаат қилишади. Бахтиёр Отаматов, Тоҳиржон Мирзеев, Муслим Зоқиров, Жўъфар Забиоров каби ўнлаб шоғирдларим билан фахрланаман.

Мендан кўпинча: «Ойлик, йиллик топшириқларини қандай қилиб икки ҳисса бажарасиз!» деб сўрашади. Ўзани қараганда, ҳеч қандай «сир» йўқдек туюлади. Аслида бунга осонликча эришиб бўлмайди. Энг аввало, кўп йиллик тажрибам қўл келаётди. Иккинчидан, дастгоҳим ҳаммаша шай, иш ўрнини доимо тартибдан бўлғишга ҳаракат қиламан. Ҳар бир ишни диққат-эътибор ва синчковлик билан бажаришда ҳам гап кўп.

Янада баракани меҳнат қилиш, иш шариотларини яхшилаш учун инженер-техник ходимлар билан бир қаторда биз — ишчилар ҳам янгилик киритиш пайида бўламиз. Рационализаторлик ҳаракатида мен ҳам фаол қатнашаман. Кейинги ўн йил ичиде ўн бешта таклифим ишлаб чиқаришга жорий этилди. Улар йилга етмиш минг сўмдан ортиқ иқтисодий самара бермоқда. Ҳозир ана шу рационализаторлик таклифларимдан иккитасини сизларга айтиб бераман. Биз — ишчилар шатунини тракторнинг кичик «ораги», деймиз. Илгарилари ремонтга келтирилган трактор двигателларининг ана шу шатунлари ташлаб юборилар, ўрнига янгилари ўрнатилар эди. Ҳамкасблар билан маслаҳатлашиб, шатунни қайта тиклаш мумкин, деган ҳулосага келдим. Бир кун ишдан кейин қўлиб, шатуннинг ишдан чиққан қўйи қисминини олмос қайроқ билан қайта тиклашни тажриба қилиб кўрдим. Аввалига бу иш кўнгилдагидек чиқмади. Эртасига ана кунт билан ишлаб, шатунни тўпалагича қайта тикладим. Уни двигателга қўйиб кўрганнимизда аввалгидек ишлади. Бу янгилик корхона мутахассислари томонидан ҳам яхши баҳоланди. Бир йилда янги шатун ишлатиш 40 процент камайди. Бунинг ҳисобига ҳар йили 22 минг сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинмоқда. Бизнинг бу усулдан ҳозирги пайта Озарбойжон ва Тожикистон республикалари-

даги ремонт корхоналари ҳам фойдаланмоқдалар. Бошқа бир таклифим ҳам детални қайта тиклаш билан боғлиқ. Илгари ремонт пайтида трактор двигателининг ёниги юқори босим билан ўтадиган қисми ташлаб юборилиб, янғиси ўрнатиларди. Трактор ишлаган пайта бу деталнинг фақат конусли қисми ейилиб, яроқсиз бўлиб қолади. Менда: «Фақатгина шу кичик қисми учун деталнинг ҳаммасини алмаштириш шартми!» деган фикр туғилди. Уйлаб-ўйлаб деталнинг конусли жойини қайта тўйиб ва пайвандлашни таклиф қилдим. Инженерларимиз ҳам таклифимни қўллаб-қувватлашди. Анча миқдорда металлни, энг асосийси, қимматли иш вақтини тежаб қола бошладик. Илгари ана шундай битта детални тўпалагича тайёрлаш учун 15—20 минут вақт сарф этилган бўлса, ҳозир худди шунча муддат ичиде ўтадан ортиқ махсусол тайёрланмоқда.

Корхонамга, коллективимга бўлган меҳр-муҳаббатимни такрор-такрор таъкидлаётганимнинг боиси бор. Кўп ўтмай сизлар ҳам билим юртидан учирма бўлиб, бирон меҳнат коллективига бориб қўшиласиз. Айтмоқчиманки, коллективни севинг, иссиқ-совуғига чидаг, ҳеч қачон ундан ажралиб яшаманг. Коллектив иши учун жон кўйдириг. Ана шунда кам бўлмайсиз...

Залда қарсақлар янгради. Район партия комитетидан келган вакил учрашувини якунлашдан илгари шундай деди:

— Ҳақиқатан ҳам донгдор токар Юсуфжон Маҳмуджонов меҳнат қилаётган корхона коллективига катта ишларни амалга оширмоқда. Корхона меҳнат ахли КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бермоқда. Завод ишчилари колхоз-совхозларда кўп йиллар ишлатилган тракторлар ва бошқа техника воситаларини ремонт қилиб, уларга иккинчи «умр» бахш этишяпти. Бу қудратли трактор ва механизмлар деҳқонларнинг мадақкори бўлмоқда. Юсуфжон аканинг ҳаёт йўли сиз, ёшлар учун ниҳоятда ибратлидир. У киши Улуғ Ватан урушида жасурлик кўрсатди. Меҳнатдаги ютуқлари учун СССР Давлат мукофоти лауреати уновонига сазовор бўлди, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар билан тақдирланди. Юсуфжон ака ўзини беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажарди. Ун биринчи беш йилликда ҳам топшириқини икки ҳисса қилиб бажаришга аҳд қилган. Бу киши ҳозир 1985 йил ҳисобига ишламоқда. Юсуфжон Маҳмуджонов фақат новатор ишчи бўлиб қолмай, актив жамоатчи ҳамдир. У кейинги икки қақирда Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайланди. Унинг қизғин саяси-ҳаракати туфайли Каримов номидаги ҳамда «Оҳанрабо» кўчаларидаги электр ёриткичлар янгиланди. Хуллас, меҳнатқошлар ўз депутатларидан маннун. Буларнинг барчаси оддий тоқарнинг жамиятдаги мартабаси қанчалар улуғ эканлигини кўрсатди турибди. Илмониятдан фойдаланиб, йиғилганлар номидан Маҳмуджоновга янги муваффақиятлар, সিҳат-саломатлик, оиласига бахт-саодат тилайман...

Юсуфжон ака учрашувдан қайтар экан ажиб ҳис-туғулардан сармат эди. Ҳаётда ўз ўрнини топиб, эл-юртга ҳалол хизмат қилаётганлигидан қалби ёлқинлиб борар, ички бир қониқиш туйғусидан унинг кўнгли нурафшон эди.

Суннатилла САЙДАЛИЕВ



Тошкент область, Бекобод районидеги «КПСС XXV съезди» совхози сут-товар фермасининг илгор сут соғувчиси Зухра Бақоева.

Т. Маҳкамов фотоси [УЗТАГ]

Заминдошларимиз


## Қардошлик онласида

Каспий денгизи пароходчилигига қарашли кемаларнинг қўллаб-қўллашлари қардош республикалар ва шаҳарларнинг номида юритилади ва улар ана шу жойлар билан оталиқ алоқалари ўрнатилган. «Газли» теплоходнинг экипажи бу фикрнинг ёрқин тимсолидир. Мазкур теплоходнинг денгизчилари Газли шаҳар ижроия комитети билан, шунингдек Газли шаҳар мактабларидан биридаги «Пионер глобуси» деб аталган интернационал дўстлик клуби билан уч йилдан бери оталиқ алоқасини мустақам давом эттириб келмоқдалар. Кемадаги интернационал бурчак Совет Ўзбекистонидан олинган ҳужжатлар билан безатилган.

Мана, йигирма йилдирки, «Совет Ўзбекистони» деб аталган паром кўҳна Хазар сувларида кезиб, икки қардош республика — Озарбойжон ва Туркманистон республикаларини бири-бири билан боғлаб сузиб юрибди. Бу ерда ҳам — пассажирларга мўлжалланган палубада социалистик Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ажойиб стенд ташкил этилган.

Шу йилнинг бошида Каспий денгиз пароходчилиги флоты Волгоград кемаасозлик заводида қурилган «Генерал Собир Раҳимов» номидаги янги танкер билан бойиди. Каспий денгизда фойдаланилаётган ана шу типдаги кемалар Олег Кошевой, Лиза Чайкина, Сергей Тюленин, Павлик Морозов, Исрофил Мамедов каби Ватанимизнинг содиқ фарзандлари номида юритилади. Йил охирига бориб эса, «Иван Земнухов» номидаги танкер ўзининг меҳнат фаолиятини бошлади.

«Генерал Собир Раҳимов» танкери меҳнат биографиясини бошлаши биланоқ Тошкентдаги 133-мактаб ўқувчилари ҳамда Собир Раҳимов номидаги 1-автокомбинат ишчилари билан қизғин ёзишмалар бошланиб кетди. Кема номига Собир Раҳимов ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи биографик ва фотожўнатлар етказиб берилди, ўз навбатида, экипаж аъзоларининг меҳнати, дам олиши ва кундалик турмушидан ҳикоя қилувчи фотосуратлар жўнатиб юборилди. Тошкентдаги 133-мактаб ўқувчилари ҳамда Собир Раҳимов номидаги автокомбинат ишчилари қаҳрамон номидаги экипаж аъзолари билан тез-тез хат ёзишиб туришади. Экипаж аъзолари ҳам, ўз навбатида, уларни қизиқтирган саволларга, илоҳи борича, муҳамалроқ жавоб беришга интиладилар. Биз «Генерал Собир Раҳимов» танкери экипажининг оқдиди иш кунлари ҳақида журналхонларга қисқача ҳикоя қилмоқчимиз.



# САРКАРДА НОМИДА

Умумкема аъзоларининг мажлиси борарди. Кун тартибидеги турли масалалар билан бир қаторда денгиз ва дарё флоты ходимларининг 3 июлда нишонланажак кўнига қадар экипаж қандай муҳим ишларни амалга ошириши мумкин, деган долзарб масала ҳам бор эди. Кема капитани Р. Набиев сўз олди. «Экипаж ана шу кунни муносиб нишонлаш учун пландигидан 400 тонна ортиқ юкни манзилга етказиш имкониятига эга», деди у. Капитан ўз фикрининг исботи учун асосли далиллар келтиради.

Воқеа 1983 йилнинг 5 июни кунини бўй берётган эди. «Генерал Собир Раҳимов» танкери фойдаланишга топширилганига эндигина ярим йил бўлганди. Лекин ана шу қисқа муддат ичидаёқ денгизчилар анчагина ишларни амалга ошириб қўйдилар. Улар шу йилнинг биринчи кватили топшириқларини 110 процент қилиб адо этган, пландан ташқари 2 минг 157 тонна нефть маҳсулотларини манзилга етказиб, 179 соатлик эксплуатация вақтини, 41,5 тоннадан

иборат шартли ёниги ва 500 килограмм ёғ-мойни тежаб қолишга эришган эдилар. Юксак кўрсаткичлар экипажнинг кейинги ойларидаги фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Албатта, капитан Р. Набиев ўз сўзида бу рақамларнинг ҳаммасини тилга олиб ўтирмади. Денгизчиларнинг ўзлари ҳам барча ишлардан хабардор эдилар. Капитан кеманинг ойига 13 қатнов (рейс) қилаётгани, ҳар бир қатновда 30 тоннадан зиёд юк ташишга муваффақ бўлаётгани, экипажнинг 400 тоннадан зиёд юкни пландан ташқари ташиш имкониятига эга эканлиги ҳақида гапирарди.

Мажлисни олиб бораётган кема комитетининг раиси И. Малойкин капитаннинг сўзларини бош иргаб маъқуллайдди. У чорак асрдан зиёд вақт давомида денгизчи бўлиб хизмат қилаётди. Шундан йигирма йил мобайнида помпа машинисти бўлиб ишлади, намунали меҳнати учун Меҳнат Шўхрати орденига сазовор бўлди, Унинг фикрича, «Генерал Собир Раҳимов» танкери бошқа кемалардан бирмунча ўзига хослиги би-

лан фарқ қилади. Унинг сувда сузиши ва эксплуатация қилиниши анчагина қулай. Ёнигини тежаб қолишга интилган докерман ихтиёридаги иккита насосдан биттасидангина фойдаланиш ва шунда ҳам операцияни муддатидан бир соат аввал ниҳоясига етказиш мумкин.

Денгизчилар кемадан миннатдор. У замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, фойдаланиш учун анчагина қулайликларга эга. Лекин янги кичиб кирилган ҳовли каби у ҳам алоҳида парваришни талаб қилади. Шунинг учун ҳам кемада капитан ҳамда механик О. Содиков ва электр механиги В. Широких томонидан олиб бориладиган техника ўқуви программаси бирмунча кенгайтирилди. Бошқарши пулти, юк ташиш системасига бағишланиб махсус машғуллотлар ўтказилди. Автоматика, электромеханика масалаларига доир махсус машғуллотлар программга киритилди.

«Генерал Собир Раҳимов» танкери экипажи тобора мустақам коллектив қўйилганга эга бўлиб бораётди. Учинчи механик Г. Гардашев, капитаннинг иккинчи ёрдамчиси С. Аслонов, бошман Ш. Ҳусейнов, юқорида номи тилга олинган И. Малойкин, матрос А. Багировлар коллективнинг илгор аъзолари ҳисобланадилар. Кема партия ташкилоти ва касабасоюз комитети экипажнинг меҳнат муваффақиятларига эришувида муносиб фаолият кўрсатмоқда.

Биз қирғоққа яқинлашиб, кемани тарк этишга шайланиб турганимизда капитаннинг катта ёрдамчиси Й. Сафаров экипажнинг зиммадаги юк ташиш топшириқларини ярим ой аввал удалаганлиги ҳақида маълумот берди. Каспий денгизи пароходчилигининг ҳамма кема экипажларига ҳам бундай муваффақиятлар ёр бўлавермайди. Шунинг учун ҳам «Генерал Собир Раҳимов» танкерининг ютуқлари салмоқлидир.

Леонид КАРГИН

«Генерал Собир Раҳимов»  
теплоходнинг борти

Капитаннинг иккинчи ёрдамчиси  
С. Аслонов ва денгизчи А. Багиров  
вахтада.

Автор фотолари



«Богот» шоличилик совхози — Хоразмдагина эмас, республикада ҳам машҳур хўжаликлардан. Совхоз ташкил топганига энди ўн уч йил бўлди. Лекин ана шу қисқа давр ичда совхоз марказида кўркам посёлка қад кўтарди. Равон кўчаларга асфальт ётқизилди. Хонадонлар табиий газ ва сув билан таъминланди. Янги ўрта мактаб биноси, 140 ўринли болалар бошча-яслиси, 400 ўринли замонавий типдаги Маданият саройи фойдаланишга топширилди. Янги ерлар ўзлаштирилиб, бригадалар ва бўлимлар ташкил топди. Ҳосилдорлик йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хуллас, совхоз ҳам шолчиликда, ҳам чорвачиликда катта муваффақиятларни қўлга киритаяпти.

Совхознинг тез юксалишига меҳнати сингган ажойиб кишилар бор. Уларнинг номларини бутун Хоразм воҳаси билади. Ана шундай ажойиб ва дондор шоликорлардан бири Искандар Сапоевдир.

— Совхозимизда дондор ишчилар, ажойиб механикдорлар, илгор бригадирлар, ташаббускор бўлим бошликлари ва ўз ишларининг билимдони бўлган чорвадорларимиз жуда кўп,— дейди совхоз директори Машарип Қувоқов.— Искандар ака ҳам машҳур бригада бошлиқларимиздан. Совхозимизни ҳар томонлама юксалтиришда, аниқса шолчиликни ўстиришда у кишининг хизматлари катта. Искандар ака Хоразм воҳасида биринчилардан бўлиб, мингчилар ташаббусини бошлаб берган. Яхшиси, у киши билан ўзингиз гаплашинг, бориб далаларини, қилаётган ишларини кўринг.

Искандар Сапоев меҳнат қилаётган бригада томон йўл олди. Катта йўлнинг икки томони қўз илғамас шолзор. Гўё ял-яшил денгиз чайқалиб ётгандай. Даланинг у ер-бу еридаги қаниш капалар бир жойда туриб қолган кемаларни эслатади. Бир-бирига урилиб охиста қўшиқ куйлаётган бошоқлар дилларга завқ бағишлайди.

Йўл бўйидаги капаларнинг бирида шоли ўтаётган кекса отахонини учратдик. У киши Эгамберди Отабоев бўлиб, совхознинг биринчи ташкилотчиларидан ва кекса ишчиларидан экан.

— Ешим саксондан ўтаётди, ҳали бирон жойини оғригани йўқ, шоли экишдан то йигиб олгунча бригадага келиб ёрдамлашаман. Одам ишга ўрганиб қолса, бекор туролмас экан,— дейди отахон қўлидаги ўроғини четга қўйиб.

Биз бу жойларнинг ўтмиши билан қизиқамиз.

— Илгари бу ерларни Юмалоқ тўқай дейишарди. Адоғи кўринмайдиган чанкалзор, бутазор эди. Урушдан кейинги йилларда аста-секин ўзлаштирилиб, область миқёсидаги ўрмон хўжалиги ташкил этилди. Кейинчилик дарахтлар қуриб қола бошлади. Сабаби — зах ерининг юзасига кўтарилиб, дарахтларнинг томирига зарар етказди. Кучоққа сиғмайдиган дарахтлар қовжираб қолди. Урмон хўжалиги ўрни пахтазорга айлантирилди. Бўлмади. Кейин шоли эка бошладик. Ушанда бир хатолликка йўл қўйилган: қуриган дарахтлар билан бирга қурираб ўсиб турганларни ҳам қўпориб ташланган. Энди кун исиб кетганда, соя жой тополмайди. Ерлар эса дарахтларнинг илдизидан тозаланмаган. Шоли экишда, ўроқ қилишда ва ўғитлашда қийинчилик туғдиради. Ўзи бу шоли дегани гўдакка ўхшайди. Жуда иржиқ. Ҳамиша тепасида парвона бўлиш керак... Хўш, ўларингдан сўрасак, йўл бўлсин!

— Биз Искандар Сапоевнинг бригадасига бормоқчимиз.

— Искандар — илгор бригадир. Шоли илмини яхши билади. Суяги шолчининг меҳнати билан қотган,— деди Эгамберди ота биз билан хайрлашаркан. Яна йўлдамиз. Суви яримлаб қолган канал кўпригиндан ўтиб, ўнгга бурилишимиз.

Искандар аканинг даласи су ердан бошланади,— деди ҳамроҳим, совхоз комсомол комитетининг секретари Иброҳим Собиров йўлнинг чап бўйидаги шовуллаб турган шолзорга ишора қилиб. Лекин Искандар акани учратиш осон бўлмади. Далаларини айландик, насосларни бориб кўрдик. Сўнг, дала ший-понига ўтдик. Шийпон олдиде катта ҳовуз. Унинг теварагиде турфа гуллар барқ уриб очилган. Тўрт

бурчагида тўртта гужум дарахти яшнаб турибди. Шийпоннинг ўнг томони — катта бог, чап тарафда палаклари пайкални тўтиб ётган қовун полкзи.

— Бу ишларнинг ташаббускори Искандар ака бўлади,— дейди ҳамроҳим.— У киши кексаиб қолганга қарамай, тиниб-тинчимайди... Ҳув ана, ўзи ҳам келиб қолди,— деди у йўл бошидан шийпон томонга қайрилиб келаётган «Москвичкага ишора қилиб.

Машинадан ўрта бўй, тўладан келган, юзлари офтобда қорайган киши тушди. Салом-алик қилдик.

— Хурсанд қўринасиз, Искандар ака. Бирор юмушни енгиллатганга ўхшайсиз,— деди ҳамроҳим унинг хурсандчилик аломатлари барқ уриб турган юзига боқиб.

— Хурсандлигимдан дўппимни осмонга отсам арзийди. Урганчдан иккита насос ундирдик. Ҳали-замон етиб келади. Энг муҳими, сув масаласи ҳал бўлди. Йўқса, шолчининг ҳоли хароб эди.

Бизнинг сув масаласига қизиққанганимизни сезган Искандар ака сўзида давом этиб шундай дедик:

— Ерларимиз қумлоқ бўлгани учун анчагина сув-хўр. Бу жойлардан бир вақтлар Амударё оқиб ўтган. Биз дарё қолдириб кетган катта ўзанлар ва оқоваларда йилларни ўтказиб, кейин ерлар очмоқдамиз. Чунки бундай жойларга бирдан экин экиб бўлмайди. Жуда кўп меҳнат ва парварши талаб қилади. Совхозимизда ўтган беш йиллик ва ўн биринчи беш йилликнинг икки йилида 200 гектардан ортиқ ана шундай ерлар ўзлаштирилди. Ҳозир бу серунум ерлардан ҳосил олмақдамиз. Ўзи бу ернинг феъли қизиқ экан. Сийламасанг, у ҳам сийламайди. Энди ерининг тилига сал-пал тушуниб қолдик. Мана, бригадирлик қилаётганимга ҳам 26 йил бўлди. Шундан тенг ярни пахтаининг ичиде, қолган ярми эса шолчининг ичиде ўтмоқда. Шолчининг ҳам меҳнати оғир. Сув — унинг жони. Тўсатдан сув камайиб, ё умуман бўлмай қолса, бошоқлар пучайиб, сарфланган меҳнат зое кетиши ҳеч гап эмас... Июль ойининг бошларида, баъзан ўртасида сув масаласи ҳаммани ташвишга солиб қўяди. Амударё суви йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бунинг устига, худди шу пайтга келиб, гўзани ҳам қондириб сугориш керак. 1977 йилда шоли айна ҳосилга кирган паллада, бир ой сув бўлмай қолди. Жуда қийналдик. Насосларни қўпайтириб, зовурлар сувидан фойдаландик. Бирок зах сув ҳосилга ўз таъсирини ўтказди. Ниҳоятда оғир бўлган ўша йили гектардан 68 центнердан ҳосил олдик. Хуллас, сув масаласи ҳамон муаммолигича турибди.

Кекса, тадбиркор деҳқоннинг сўзларида жон бор. Сўнгги йилларда хоразмлик деҳқонларни қийин аҳволга солиб қўяётган бу муаммони ҳал этишда партия ва ҳукуматимиз бир қанча жиддий тадбирларни амалга оширяпти. Тузлўйин сув омборининг қурилиши хоразмликлар ташвишини анча енгиллаштирди. Айна пайтда сув омборидан «Унг қирғоқ» ва «Чап қирғоқ» каналларини қазиб ишлари жадал олиб боришмоқда. «Унг қирғоқ» каналининг суви Қорақалпоғистон далаларига, «Чап қирғоқ» каналининг суви Хоразм ерларига оқайди. Бу эса партия-мизнинг Озиқ-овқат программасида: «Сўғориладиган ерларда... шоли 3,2—3,5 миллион тонна миқдорда олиниши таъминлансин» ёки «Шолкорликда йirik сугорини системалари қурилиш давом эттирилсин», деган кўрсатмаларини тез фурсатда амалга оширишда самарали таъсир кўрсатмоқда.

— Озиқ-овқат программасида: «Шолини ўриб-йигиб берадиган ўрмаловчи комбайнлар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин»,— деб жуда тўғри кўрсатил-



ган,— дейди Искандар ака.— Шолчининг асосий меҳнати техника билан боғлиқ. Шоли севялаларда экилади, ўроқ машинасида ўрилади, комбайнларда экинчилади. Биз ана шу техника усули билан тайёр ҳосилни 10—12 кунда йигиштириб оламиз. Бирок буларнинг ҳаммаси техника соз ва қўлай деган гап эмас. Масалан, бизда асосий техника ҳисобланган комбайнларнинг кўпчилиги қисмлари ноёб. «Нива» маркали комбайннинг ўриб тайёр ҳолга келтирилган ҳосилни янчадиган аппаратлари бир-бирига мос тушмайди. Оқибатда 5—10 центнер ҳосил ерда қолиб кетмоқда. Комбайнларнинг нисбатан бесўнақайлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Шоли майдонлари эса кичик пайкаллардан иборат. Шунинг учун мутахассисларимиз комбайнларни бироз ихчамлаштириб, далабоп қилишлари керак.

Искандар ака бироз ўйлиниб ўтирди. Сўнг: «Бугун насосларни ўрнатмасак бўлмайди»,— деди у ва биз билан хайрлашиб, насослар учун жой ҳозирлагани жўнаб кетди.

Ҳа, Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь революцияси орденининг кавалери Искандар ака Сапоевнинг ҳал қилиши керак бўлган ишлар талай. Шунинг учун ҳам унинг бригадаси ҳар йили план ва мажбуриятларини шараф билан урдалаб келмоқда. Утган йили у 97 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 85 центнердан ҳосил кўтарди, Ватан оқборларига 800 тоннага яқин «қирмизи дон» топширилди ва социалистик мажбурият ортиғи билан адо этилди. Бу шарафли ишни амалга оширишда илгор ишчилардан Ражаббой Матёқубов, Эгамберди Раҳмонов, Гаҳвар Рўзибоева, ўроқчи машинист Соҳиббой Сапиев, комбайнчилардан Оллоберган Раҳимов ва Ибодулла Бўтаевларнинг хизматлари катта бўлди.

\*\*\*

...Далалар бўйлаб бир киши олдмайди. У пайкалларни қондириб сугорётган сувчилар билан сўхбатлашади. Пайкалларни текислаётган тракторчилар ёнига боради. Кейин ариқларни тозалаётган ишчиларнинг ишини кўздан кечиради. Уларга йўл-йўриқлар беради.

Ҳа, тиним билмас, эртанги мўл ҳосил учун мустаҳкам пойдевор яратишга бош-қош бўлиб юрган бу киши аҳдига вафодор, ҳиммати баянда шоликор Искандар Сапоевдир.

Ашурали ЖУРАЕВ



Алижон ИҲҶДОШЕВ

## КОММУНИСТ

Коммунист шеър айтар...  
Унинг шеъри оддий шеър эмас,  
Қайноқ қалбдан тўкилган оташ.  
Юрагида: «Иқбол!» деган сас,  
Замонларга ленинча қараш.

Унинг шеъри оддий шеър эмас,  
Гагариннинг парвози унда.  
У куёшга айланган ҳавас,  
Юлдуз бўлиб сочилган тунда.  
Унинг шеъри оддий шеър эмас,  
«Тинчлик!» дея айтилган афлас.  
Она меҳри — илиқ бир нафас,  
Она ҳаққи, янграб бараллас.  
Унинг шеъри оддий шеър эмас,  
У лабларда ёнган табассум,  
Бошқа таъриф керак эмас, бас,  
У — келажак, у — Коммунизм!

## Хўжанд ўриги

Тўкин ёз, гўзал бог:  
Шохларга илинган  
Олтин тангалар,  
Кезинан кўнгли чоғ,  
Қулф-дили очилган  
Қизлар, янгалар.  
Ногоҳ қалди шамол,

Дув этиб тўкилгандай қуёш нурлари.  
Йўқ, йўқ, шошилманг андак,  
Сизни қилган лол  
Ҳаҳонда машҳур —  
Хўжанд ўриги, қандак!

Ленинобод

# ЖАНГНОМАДАН БИР ЛАВҶА

Вали ГАФУРОВ



1981 йилда Зангиота қишлоғидаги Карл Маркс номи ўрта мактабининг физика-математика ўқитувчиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Жамолхон Жалолов 60 ёшга тўлди. Юбилей кечаси мактаб клубида ўтказилди. Юбилей тантанали кечага ўзининг ҳарбий кийимида кириб келди. Унинг гимнастёркаси кўкрагига қадаглан бир неча орден ва медаллар Жамолхон Жалоловнинг Улуғ Ватан урушида қўрсатган ўчмас жасоратларидан дарак бериб турарди...

Орадан бир неча кун ўтгач, Жамолхон аканинг уйда бўлдим. Мезбон мени дарсхонага бошлаб кирди. Сўхбатимиз мактабдаги ўқиш ва ўқитиш ишларидан бошланиб, уруш йилларида бориб тақалди. Стол устидаги «Еш ленинчи» газетасининг 1975 йил 5 апрель сонига назар ташлаб: «Газетада қуролдош дўстларингиз билан тушган суратингиз босилди. Суратда уларнинг ким ва қарлик эканликлари ҳам аниқ ёзилган. Ушбу қуролдош дўстларингиз ҳозир ҳам ҳаётми?» деб сўрадим.

— Ҳа, ҳаммалари ҳаёт, борди-келди қилиб тура-миз,— деб жавоб берди Жамолхон ака.

— Қуролдошларингизнинг, ўзингизнинг жанг таассуротларингиздан бирор шингли гапириб берсангиз деб келган эдим,— дея мақсадага кўчиб кўя қолдим.

Жамолхон: ака индамади. Урниндан туриб, бўшаган чойнакни стол устидан олди-да, ташқарига чиқиб кетди. Мен «Еш ленинчи» газетасидаги «Полкдошлар» деб сарлавҳаланган мақолани ўқишга тутиндим. Мақолада 1942 йилнинг қаҳратон қишида музлаб ётган дарё устидан замбаракларни олиб ўтиш вақтида Жамолхон Жалоловнинг қўрсатган жасорати баён этилган эди. Мақолани ўқиб бўлишим билан эшик очилиб, Жамолхон ака кўринди. Унинг бир кўлида томорқасида ўзи ўстириб воёга етказган ирик-йирик оппоқ шафтоли тўла ликобча, иккинчи кўлида чойнак эди. Кулимсирлаганича келтириб стол устига қўйди-да, тақлиф қилди:

— Марҳамат, биродер, боғимизнинг мевасидан татиб кўринг...

Жамолхон ака фақат собиқ жангчи ёки физика-математика ўқитувчиси сифатидагина эмас, боғбонлик билан ҳам кўпчиликлан танилган.

Жамолхон Жалолов бундан бир неча йил аввал қўшни бригада бошлигиндан рухсат олиб, шийпон ёнидаги ташландиқ ерга ҳужум бошлади. Техникани ишга солиб, у ерни текислатди, тартибсиз ўсиб ётган тиканаксимон пастак дархатларни сугуриб ташлади. Сўнгра ўзи данак экиб етказган шафтоли ниқолларидан 50 донасини ўтказди. Ҳозир ана шу кўчатлар тўла ҳосилга кирди. У бу кўчатларни бригада аъзоларига атаган, ҳосилга кирганида далада ишловчилар «чанқоқ босди» қилишдаи деб яхши ният билан параваришмоқда.

Фақат бутгина эмас, Жамолхон Жалолов балиқчилик ҳўжалигини барпо этиш мақсадида ҳам кўп ишларни амалга ошириб қўйди. Дала шийпонининг шарқий қисминдан тахминан 150 метрча нарида Қорасу ариги оқиб ўтди. Бригадага қарашли туздор бригади Қорасунинг оралиги чимзор, ташландиқ ер бўлиб, у ердан фойдаланиш мумкин эмас эди. Сабоби: ер ости сувлари яқин эди. Жамолхон аканинг маслаҳати билан трактор келтирилиб, ер ковланди. Натижада зинга олти, бўйига қирқ метрли чуқур ховуз пайдо бўлди. Ер ости сувлари билан тезда ховуз тўлди. Жамолхон домла даялат балиқчилик ҳўжалигидан минг донга ёш зогора балиғи келтириб, ховузга ташлади...

\* \* \*

Жамолхон Жалолов ўзининг Улуғ Ватан уруши таассуротларидан бирини ҳикоя қилиб берди:

— «Еш ленинчи» газетасида ҳикоя қилинган воқеадан кўп ўтмай ана бир топширик олдик. Бу 1942 йилнинг 31 декабри эди. Россия совуғи қаҳр отига минган, эгнимизда қалин почпўстину оёғимизда пийма бўлишига қарамай, бирор ерда беш-ўн минут тинч ўтира олмайдик. Совуқ ингадай баданларимизга санчилиди. Ҳар ҳолда, одам боласи ҳар қандай шароитга кўниқар экан.

Чернишевский районидаги Чумаковка қишлоғини душмандан озод қилиш ҳақида пийда қисмларимиз буйруқ олган бўлиб, ҳужум даврида биз уларга маъд бериб туришимиз керак эди. Пийда қисми-миздан юборилган вақил капитан И. М. Чистяков бизни олға бошлаб бормоқда. Биз батареямизга қарашли тўртта тўпни тўртта машинага тиркаб, тун ҳоронғусида йўлга тушдик. Бешинчи машинамиз «полтуртка» бўлиб, унга снарядлар билан ёнигли ортилган эди.

Ростов ерлари оппоқ қор билан қопланган. Йўл четигади ўсиқ бурган, қўнғиз тароқ, сассиқ алафлар қор юқини кўтара олмай беллари бўкилганича ер бағрилаб ётарди. Атроф жимжит. Узоқ-узоқларга тикилсамиз, аммо ҳеч нарсани пайқаб бўлмайдик. Қор шуъласи ҳатто кўча четигади уйлари ҳам аниқ кўришга ҳалал беради. Бундай йўлда юриш ўта ҳавфли. Душман эгаллаган позицияга кириб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Атрофи брезент билан ўралган «виллисда узоқ йўл босишнинг иложи бўлмади. Совуқ пийма ичигади оёқларимизни ҳам музлатиб қўйгандек эди. Комбат Ерёмекондан машинани бир нафасга тўхтатишни илтимос қилдик, у қаршилиқ кўрсатмади. Узидан ҳам совуқ ўтган экан, йўл бошловчи капитан Чистяков билан пастга тушиб, ҳар томонга йўл шу дарё устидаги кўприкдан ўттиши керак. Буни капитан Чистяков қўлидаги топографик картада кўрган эдим. Батарея командири старший лейтенант Ерёмекон қишлоқ четигади биринчи уй ёнида машинани тўхтатишга буйруқ берди. Сўнгра гапида давом этди: «Старший сержант Жалолов, жангчи Сайфуддинов! Мана шу қулбани разведка қилинглр. Қишлоқда ана душман бўлиб, биз ҳалқа ичида қолмайлик», деди.

Йўл бошловчи капитан Чистяков гўлдираб, Ерёмеконга норозилик билдирган бўлди. Комбат унга жаваб: «Биз урушдамиз, ўртоқ капитан, эҳтиёткорлик ҳеч қачон зиён келтирган эмас», деди.

Биз машинадан тушиб, уйга яқинлашдик, эшикни тақиллатмай дераза кўзини икки-уч марта чертадик. Ичкеридан оёқ товуши эшитилди. Эшик қия очилиб, қўйлақчан, бошланган, сочлари тўзиб кетган кампир кўринди. У бизни кўриши билан халоскор жангчилар эканлигини пайқаб, қўчиб кетди:

— Вой, шарим! Тезроқ қочинглр, қишлоқда менис-лар,— деди пичирлаб ва эшикни беркитиб, ичидан қулфлаб қўйди.

Колонна орқага қайтди. Қишлоқ бир километрча орқада қолгач, пийда қисмларимиз жойлашган томонга бурилдик. Бу йўл анча олис, белгиланган муда-дга етиб бориш учун шитоб билан йўл босмоқ зарур эди. Йўқса, операция барбод бўларди. Капитан Чистяков асаби бузилди, комбатнинг кўзини очирмай қўйди. «Битта мяис айниган кампирнинг гапига ишониб, йўлни ўзгартирдик, агар кечиксак, бошинг билан жавоб берсан. Трибуналда жавоб берсан», дея даг-даг қиларди у.

Бироз юрмасимиздан қишлоқдан еритувчи ракеталар учиб чиқиб, осмонни ёритиб юборди. Шу вақтнинг ўзида душман устига йўл олган самолётларимизга отилаётган нуруланувчи ўқлар тизмаси кўзга ташланди. Шундан кейингина кампирнинг берган ахбороти қалбаки эмаслиғига ишонч ҳосил қилиб, капитан Чистяков жимиб қолди.

Йўл, ҳамаси, душман учун марказий қатнов йўли бўлиб хизмат қилган эди. Оғир машина ва танклар остида босиллавериб, қотиб кетган қор ойнадек силлик, эҳтиёт бўлиб юрмасак, машина тўнарлиқ кетиши ҳеч гап эмас. Тепаликка кўтарилганимиз сари совуқ зўрайиб, жон-жонимиздан ўтиб кетди. Энди машинани тўхтатиб, боғидек исиниб олишнинг иложи йўқ. Вақтида етиб бориб, ҳужумни белгиланган соатда бошлаш жанговар бурчимиз ҳисобланади. Буни яхши англаган жангчилар тишларини-тишларига қўйиб машина ичида жимгина боришарди. Тепаликка чиқганимизда йўл устида сочилиб ётган чўе қўзимизга ташланди. Шофёр Солишков машинани секинлатиб, ёғинасида муараб кетаётган капитан Чистяковни туртиб оғоқлантирди. Капитан бир оз тикилиб турган, «яқинлашавер-чи» деб имо қилди. Машина сочилиб ётган чўе яқинида тўхтади. Маълум бўлишича, душман танклари билан қўшиб бостириб кетган эди. Сочилиб ётган чўлар воқеа яқинида содир бўлганлигидан дарак бериб турарди.

Икки офицер бир-бирига унсиз тикилиб бош чайқаб қўйишди. Ортада қолган қишлоқдагина эмас, ҳатто бу томонларда ҳам душман борлигини биз оддий жангчилар ҳам пайқаган эдик. Колоннамиз паҳоқланган кўча ошхоналарни четаб, илгарии юрди.

20 минутдан сўнгра капитан Чистяков шофёрга: «Тўхта!» деб буюрди. Торниозланган машина сирпа-ниб, йўл четигади қор уюмига тумшуғи билан санчилиб қолди. Атрофга кўз-қулоқ бўлиб келаётган Чистяков биздан юз метрча олдинда гугурт қақилганини сезиб қолган, унинг шуъласида бир тўп одам кўринган эди. Лекин уларнинг ким эканлиги номаълум эди. Енимда ўтирган ҳамқишлоғим Нуриддин Аҳмедов машина тўхташи билан ўрниндан туриб, комбат Ерёмеконга мурожаат қилди:

— Уртоқ старший лейтенант, рухсат этинг, уларнинг ким эканлигини билиб қайтаман.

— Вазифани бажаришга старший сержант Жалолов боради,— деди комбат номаълум одамлардан кўзини узмай. Комбат ҳақ эди. Нуриддин ака ўтган жангда оёғидан яралангани учун госпиталга кетмай сафимизда қолган эди. Бундай нозик вазифани оқ-соқланиб юрган жангчига топшириш ўринсиз бўлар эди, албатта.

Автоматини олиб машинадан тушдим. Устимда оппоқ плаш. Йўл четидан бормоқдаман. Бундай қор шуъласида тундагина эмас, кундузи ҳам пайқашларим амри-маҳол. Масофанинг яримдан мўлроғини босиб ўтдим. Тўдадаги одамларнинг оқ кийимда эмаслиғи тўфайли худди соя сингари кўзга аниқ ташлана бошлашди. Шу пайт улар тўдасидан немис тилида берилаётган буйруқ товуши кўлгоғимга чалинди. Улар тезда тарқалишиб, пулемёт ва автоматларидан ўқ уза бошлади. Душманлар машиналаримиз моторлари товушини эшитиб қолиб, жанговар ҳолатга келган эдилар. Уларга яқинлашмай нарида тўхтаб қолганимиздан кейин ўт очишга мажбур бўлишганди. Визиллаб уяётган ўқлар тўп ва машиналаримизга тегиб, жаранглаб овоз чиқариб сўнарди.

Эмаклаб орқага қайтдим. Етиб келмасимдан оқ снаряд ҳамда ёқилғи ортилган «полтуртка» машина-миз ёна бошлади. Сўнгра кучли овоз чиқариб порт-лади. Полтуртка колоннадан анча нарида тўхтаганлиги тўфайли бошқа машина ва тўпларимизга зарар қилмади. Биз тушган биринчи машина ўқ ёғирлари остида орқага қайта бошлади. «Виллиснинг олди ҳамда ён томондаги ойналари алақачанок синди тўқилган, устидаги брезент илма-тешик бўлиб кетган эди.

Ёнбошлаб қолган машинаниз панасида туриб, душманга ўқ узётган жангчиларимиз ёнига етиб келдим. Нуриддин Аҳмедов ва Сайфиддиновларга қўшилиб иккита дискни бўшатдим. Фақат менинг эмас, бошқа жангчиларнинг ҳам ўқлари тугай деб қолгач, орқага чекиндик. Кенг дала ўртасидаги бугдой қарамига яшириниб олдик. Тўқнашувда ўтиздан ортиқ жангчи ва бир замбаракдан маҳрум бўлдик. Комбатимиз старший лейтенант Ерёмекондан ҳам ажраландик. Отишма пайтида унинг кўксига ўқ теғди. Йўл бошловчи капитан Чистяков биз билан бирга. Санитар йигитимиз қорнидан яраланган. Буни қарангчи, у ташқарига отилиб чиққан ичагини бинт билан ураб, боғлаб олганича ёнимизда турарди. Биз санитар йигитни замбилга солиб, йўлга тушдик.

Тонг оларда жанговар ҳолатда турган қисминизга етиб кетдик. Санитарни госпиталга жўнатиб, жангчиларга қўшилдик.

Чумаковка қишлоғи учун бўлажак ҳужум кечиктирилмади. Қаттиқ совуқдан майишиб қолган немис босқинчилари ҳужумимизга бардос беролмай, орқага чекинди. Чумаковка қишлоғи 1943 йилнинг 1 январида тушга бориб немис босқинчиларидан тамонна тозаланди...

Жамолхон Жалолов ҳикоясини бир нафас тўхта-тиб, стол устидаги газетани мен томонга суриб қўйиб, ана сўзида давом этди.

— Мана шу суратдагиларнинг ҳаммаси билан бирга 1943 йили бошидан бошлаб жанг қилганимиз,— у қўрсаткич бармоғини суратдаги жангчилардан бири устида тўхтатиб давом этди.— Абдуллажон Шаропов мана шу йигит бўлади. 1942 йилнинг декабрида ташкил топган ўзбек дивизиясида уруш-

# ЎЗБЕКИСТОН КУЗИ

## Уй-музей

Эгаси кўз юмар — уй қолар бўшаб,  
Вақтинча тўхтайти шовқини, ҳаракат.  
Гўёки чўнг китоб битганга ўхшаб,  
Сўнг тамом-вассалом!

Охириги бекат...

Уй бирон ҳафтача турар зим-зиё,  
Сўнг яна —  
Порлайди ойнасида нур.  
Тагин ўша бўм-бўш деворлар гўё  
Бошқа бир кишига  
Бахш этар сурур...  
Нима ҳам дер эдинг?

Ҳаёт ҳотамтой,

Ақл бовар қилмас зарарни қоплар:  
Утмишдан хонани бўшатиб олиб,  
Тайёрлаб қўяди

келажакка жой!

Эгаси кўз юмар — уй қолар бўшаб,  
Тез-тез келган киши қадами тинар,  
Янги ташвишлару

қувончлар қуршаб —

Олган ўша уйни

энди унутар.

Сабаби: уларга бермай деб ҳатар,  
Эслатгиси келмас

ўлимни буткул,

У уй остонасин босмоқлик тугул,  
Бир кўча

наридан айланиб ўтар!

Муюлишдан нари қандайдир уйда  
Рўй берди мўъжиза.

Узимиз айтдик:

Улим маҳзун кунга айланди унда.  
Соҳиб ўлди.

Лекин тинмайди кунда —

Қадамлар,

овозлар —

у тирик пайтдек...

Эшиги ёпилмас, узилмас одам:

Урганган уйдик зиналар бўйлаб

Эски дўстлари ҳам,

янгилари ҳам

Хонадон соҳибин келарлар йўқлаб!

Йўқлаб!..

Йўқ!

Келарлар олмоққа билиб:

Ҳаёт нега ажиб бу эски уйда?

Қандай яшаш керак?

Қандай, ким бўлиб!

Қандай қилсанг,

ўмринг ўтмас беҳуда?

Соҳиб ўлди. Утди қанча йилу ой!

Бироқ сен кир,

тингла,

ушла қўл билан:

Бу ерда, бу уйда ўлимга йўқ жой —

Утган у бутунлай

бошқа йўл билан.

Балки, деразадан қараб ўтгандир,

Қолдиргандир эшик ёнида из ҳам...

Аммо уй ишонмас унга

бари бир!

Ўз йўқотишин уй тан олмас ҳар дам!

Ахир қўриб турар: ҳақ келар оқиб,

Неча йилки тинмай йўллашар мактуб! —

Конвертнинг бетида ўша-ўша ном...

Ўз абадиятин

Зарраси бўлиб

Уй эгаси бунда

яшайдир мудом.

\* \* \*

Аён: яхши яшамоқ керак,  
Вақтимиз йўқ ҳозирча фақат.  
Тўғрилаймиз кам-кўстин бешак  
Омад қулса ё топсақ фурсат.  
Қувилади барча ўю гам,  
Унутилар не алам етди...

Фурсат бўлди, бўлди азоб ҳам.  
Азоб кетди, фурсат ҳам кетди.

\* \* \*

Пахтазорлар жимжит турса ҳам, зеро,  
Кузги водийларда гувиллар шамол.  
Узун ва жигарранг эгатлар аро  
Чаноқлар силкинар қўлчалар мисол.

Эгатлар сўнггида турган уйларда  
Эрк берар ўзига сукунат лаби,  
Тўп-тўп дарахтлар ҳам кузни куйлайди —  
Баргларин тўшайди  
Поёндоз каби.

Илк юлдузин ёқар оқшом шу замон,  
Олис шуъласининг мадади бордек.  
Қорайган далада ётадир ҳамон  
Кечиккан пахталар  
Биринчи қордек.

\* \* \*

Бебаҳо ёмғирда гўзалар барги  
Нурланади шода маржонга ўхшаб.  
Сўнгги саҳна янглиғ самолат арки  
Равшанлашар гўё концертдан бўшаб.

Намчил шамол, оқшом, эрку истак ҳам  
Охири фаслда яшнаб барқ урар.  
Қуёш булут оша нури бир тутам  
Чинорнинг қорайган баргига тўқар.



\* \* \*

Деҳқон даласига келади қайтиб —

Кун яна узаяр еттига қадар.

Ҳаво шундай тоза, кўнглил яйрайди,

Бу софликни еру осмон яратар.

Кенглик — гўё коса: тўла яхна чой.

«Пахтазордан ўтсам» — чамалар олам!

Бари бизга, йўқдир эҳтимолга жой:

Йиллар ҳали олдда,

олдда ҳаёт ҳам.

\* \* \*

Тоғда дерлар: юксакликни йўқотишдан бўл  
хушёр,  
Илож топсанг чўққи бўйлаб давом эттир  
юришинг.

Баландликка чиқмоқ оғир,  
қувватнинг ҳам чеки бор —  
Қайдадир шу ҳақиқатни

лозим синаб кўришинг.

Биз яшаймиз. Кутишларда, парвозларда,  
меҳнатда —

Забт этмайлик қай чўққини  
ундан тушмоқ осондир.

Не аламлар қовурмасин, ўтмайлик не  
заҳматдан —

Умр қайтмас:  
юксакликни йўқотмоқлик ёмондир.

Эргаш МУҲАММАД

таржималари

Москва

нинг охиригача бирга жанг қилганмиз. У мен ко-  
мандирлик қилган замбаракда наводкачи эди. Эҳ-е,  
бу ажойиб жангчининг нишонга тўғри ола билиши-  
дан қанчадан-қанча фашист босқинчиларининг ёсти-  
ги қуриб, ҳарбий қуроллари ишдан чиқди.

Тунги олишувда пиёдаларга қўшилиб жанг қил-  
дик. Абдуллажон қаёқдандир топиб олган автомати  
билан нишонга олган босқинчини ағдармай қўйма-  
ди. Жанг пайтида одатда командирнинг буйругини  
кутиб ўтиравериш кўпинча мағлубиятга олиб келиши  
мумкин. Тадбиркор жангчи жангдаги вазиятга қа-  
раб ҳўкм чиқариши ва ҳаракат қилмоғи ҳам керак.

Чап қанотимиздаги душман танкини ишдан чиқа-  
риш зарур бўлиб қолди. Негаки, биз томонга тўғри-  
ланган танк кетма-кет ўт очиб, олдинга силжиши-  
мизга ҳалақат бериб турарди. Мен ўқ ёмғирни ости-  
да танкка яқинлашимиз амри-маҳол эканлигини  
пайқаб, қулай йўл ахтара бошладим. Сал нарида  
қулаб ётган дарахт ёнидаги чўққирликка тушиб ол-

сам бас эди. Ўша ердан граната иргитса бўларди.  
Мен ҳавфсиз йўлни танлаб, эмаклаганча илгарилаб  
кетдим. Дарахт ёнига етиб борганимда, кучли порт-  
лаш эшитилди. Бошимни кўтариб қувониб кетдим.  
Душман танки ёнбошлаганича гувиллаб ёнарди. Чу-  
қурликда Абдуллажон Шаропов тик тургани куйи  
танк ичидан қочиб чиқабтган фрицларни отиб таш-  
ламоқда эди. Кўп ўтмай отишмалар тугади. Биз  
кучоқлашиб бир-биримизни ғалаба билан табрик-  
ладик.

Чумаковкани озод қилишда кўрсатган жасурлиги-  
миз учун батареямиздаги барча жангчилар, бошқа-  
лар қатори мен ҳам СССР Олий Совети Президиу-  
мининг фармойишига кўра «Жасурлиги учун» меда-  
ли билан тақдирланган эдик.

Жамолхон ака ҳикоясини тугатаркан, шундай  
деди:

— Ўша тўрт йиллик ҳаёт-мамонт жангига қатна-  
шиб, тўкилган бир томчи қоним учун ўзимни ўта

бахтиёр инсон деб ҳис қиламан. Негаки, бугунги  
ажойиб ҳаётимиз, тўкин дастурхонимиз, ёшлари-  
мизнинг чехрасидаги табассуми, беғубор қаҳ-қаҳа-  
лари урушдир тинч ҳаёт кечираётганимизнинг асл  
меvasидир.

Урушдан қайтиб, педагоглик касбини танладим.  
Биринчи дарсимдан бошлаб то пенсияга чиққунимга  
қадар ёшларимизга тинч ҳаётнинг қадрини айтиш-  
дан чарчамадим. Ёшларимизнинг тинчлик учун тол-  
мас кураши бўлишларини истайман. Уруш йиллари-  
да биз кўрган ўша заҳматлар ер юзиде яшавётган  
бирорта инсон бошига тушмасин, дейман. Шу сабаб-  
ли урушдан кейинги ҳаётимни тинчлик учун бағиш-  
ладим. Тинчлик учун меҳнат қилдим...

Собиқ жангчи рўмолчасини олиб, терлаб кетган  
юзларини артди-да, эркин тин олди. Домла билан  
ўртимиздаги суҳбат ниҳоясига етди. Хайрлаша туриб,  
Жамолхон Жалоловага қайта-қайта сийҳат-саломатлик  
тиладим.

# ФИЛОННИНГ ЯНГРОК ТОРЛАРИ

Евгений БЕРЕЗИКОВ

Оламда шундай ажойиб манзарали жойлар борки, бир кўришда кишини ҳайратга солади. Филон ҳақида ўйлаганимда, шу фикр ҳавлимдан ўтади. Қашқадарё воҳасининг тоғли гўшаси бўлмиш бу маскан ҳам ўзининг ажойиб-ғаройиб тарихига эга.

Мен табиатнинг сехрини ўзида жам қилган бу маскани кўришга муяссар бўлганим билан faxрланаман. Уша вақтда Шаҳрисабзда хизмат қилардим. Шаҳарда Шарқнинг қадимий, гўзал санъатларидан бири—мақом ансамбли ташкил этишга эҳтиёж туғилди. Унинг ташкилотчилари олдига: «Маъзур ансамблга лозим бўлган чолғу асбобларини қардан оламини» деган масала турарди. Турли фабрикаларда ясалган чолғу асбоблари синиб кўрилди, лекин булар қадимий мусиқанинг ҳазин улуғворлигини намойиш этолмасди. Бундай сазни фақат ишига, касбига бутун меҳрини пайванд этган устагина ясай оларди. Чунки унда соз торлари эмас, балки қизил торлари содо бериши керак! Ҳамма гўзалликнинг қонуни битта: у кишиларга юксак эстетик нафосат ва завқ-шавқ бахш этиши лозим. Бўлажак мақомчилар учун кекса созгарлар ясаган чолғу асбобларини излардик. Шундай изланишлардан бирида биз шаҳрисабзлик оқсоқол—Мавлонбониккига бордик. Ниятимизни аниқлаган қария: «Болаларим, вақтини бекор ўтказиб, овора бўлманглар. Бундай чолғу асбобларини шаҳардан тополмайсиз. Уларни фақат Филондан топиш мумкин. Филонликлар ўзларининг ҳайратомуз жанрангдор созлари билан донг таратганлар», деди.

Шу тарақча биз Филонга йўл олдик. Шаҳар маркази—Оқсаройдан бошланган йўл орқали борган сари тоғ ёнбағирлари билан юқорига ўрлаб борардик. Рўпарамиздаги тоғ чўққилари табиий улуғворлик ва виқор билан кўзга ташланарди. Тоғ ёнбағирларида одамнинг кўз ўнгига табиатнинг турфа ранги, хилма-хил кўринишлари яққол намоеъ бўлади. Тоғлар силсиласининг собит турши кишини руҳан тоблайдди. Ҳар қандай йўловчига сабот бағишлайди.

Филонга олиб борадиган йўл кўтарилиш, айланмишлардан кейин кичик, лекин шиддатли ва суронли бўлган Оқсу дарёси орқали ўтади. Оқсу дарёсидан Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари гидроэлектростанция қуриш белгиланган эди. Маъзур иншоотда бор-йўғи ўттиз минг киловатт-қувватга эга бўлган иккинчигана турбина ишлаган бўлса-да, бу нарса кишиларга ер, дорилмоон ҳаёт, ёруғлик ҳаёт этган янги тузумнинг буюк тантанасидан нишонча эди.

Ҳозирги пайтда Оқсу дарёси ўзининг янги даврига қираётди: тоғ орасида—Оқсунинг қоқ белида тўғон қақ роставмоқда. Ҳа, инсон қудрати билан бир юз қирқ беш метр баландликда дарё тўсилмақда. Сунъий денгиз ўзида салкам икки юз миллион кубметр сув жамғаради.

Оқсу дарёси тўғонга қаршида бир лаҳза тўхтади, инсон зақонининг меваси бўлган бу ҳайратли иншоот ҳақиқатан ҳам дилларни яратди.

Яна йўлга тушдик. Тоғ чўққиларидан бирида қадимий сарой қуринади. Бу, бир вақтлар Ҳисор водийсининг юқори қисмида жойлашган ва барча қишлоқларни босқинчилардан асрашда муҳим роль ўйнаган машҳур Қоровултепа эди. Шу ерлик қарияларнинг айтишича, Қоровултепа бундан тўрт минг йиллар муқаддам қурилган экан. Ҳозир ҳам унинг деворлари мустаҳкам, каттакон сарой халқаси бир неча километрини ташкил этган...

Бунда диққатни тортардиган яна бир нарса баланд қоялар ичкарасига чўзилб кетган Мармар йўлдир. Йўлнинг Мармар деб аталishi табиий манзарадан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас. Илон изидек бурилма йўлнинг ён деворларидея биллур рангли мармар жилава бериб туради. Обқлар остида ҳам мармар пиллапоя, юқорида эса мармар сумалаклар осилиб турарди. Бу ерда гўё ўзингизни бехосдан мармар қасрга, мармарлар оламига келиб қолгандай сезасиз. Табиат яратган ушбу мўъжизага суқланиб қараб яна бироз юрганингиздан кейин мармарнинг ранги хиралашиб қолганини кўрасиз. Энди йўл сўнган вулкон сари кўтарилиб боради. Ана шу гадири-бу диқ излар оша биз боравтган манзил—Филон кўринади.

Қишлоқ бошлангичда дастлаб болаларнинг чўғур-чўғури эшитилди. Бир тўп болалар билан бир-бирига улаб қурилган ўйларнинг томларида худди равои йўлқдаги сингари бемалол юғуриб юришарди. Тоғли қишлоқда бу нарса заруратдан келиб чиққан ҳол, албатта. Кузги жалалар пайти баъзан ҳамма

кўчаларни сув босиб кетарди, ана шунда томлар йўловчилар учун бирдан-бир йўл вазифасини ўтарди.

Биз қишлоққа келган пайтимизда унинг кўчаларида баҳорги тошқинлар олдидан қизгин тайёргарлик ишлари боравтган экан. Одамлар ёғочдан йўнилган қўлбола новларни бир-бирига боғлардилар. Улар бу ишни жуда моҳирлик билан бажаришарди.

Биз ўзимиз илғаб келганимиз чолғу асбоби топилиши мумкин бўлган жойни қарияларнинг биридан сўрадик, айтилган уй томон йўл олдик. Уй бежиримгина эди. Остонада бизни ўттиз беш ёшлардаги навқирон, кўзларида ақилли кулги ўйнаб турган киши қарши олди. У соҳи майдалаб ўрилган беш ёшлар чамасидаги қизчанинг қўлидан ушлаб турарди, қизча эса уялганидан отасининг ортига бекинарди.

Уйга қадам қўйишимиз билан янги кесилган ёғочларнинг анвойи хиди димоғимизга урилди. Деворларда йўниб қўйилган ёғочлар, уларнинг турли катта-кичикликдаги бўлақлари, бизга нотаниш, аммо овози ва фазилати ёлғиз устанинг ўзинигана маълум бўлган асбоб-ускуналар осилиб турарди. Деворда яна арҳар шохлари ҳам кўринди, бу нарса уй эгасининг овга ишқибозлигидан дарак берарди. Тахмондаги сандиқ устига қип-қизил кўрпачадан дид билан тахлаб қўйилганди. Уйнинг энг тўрада нафис ишланган дўтор осилгичи турибди.

Уй соҳибни Рўзбой билан дастлаб кундалик иқир-чиқлар, Филон қишлоғи тўғрисида сўзлашиб ўтирдик. Рўзбойнинг қизи—Бояги чиройли қизалоқ дастурхонга иссиқ қўй, ҳозиргина тандирдан узилган нон ва шу ерда—тоғларда пишган олмалардан келтириб қўйди. Турунгимиз қизиб кетди. Аммо сўхбатимиз қанчалик мароқли бўлмасин, биз мусиқий соғини ҳақиқда тезроқ гап очилишига қизқардик. Рўзбой истагимизни пайқад шеклиги, биринчи бўлиб ўзи дўтордан гап очди. У дераза тоқчасидаги йўнилган ёғоч фўлани қўлига олиб шундай деди:

— Қаранг, бу оддий бир гўла, энди ундан дўторнинг энг асосий куй таратувчи қисми акрбатиб олинади. Узим ўқитувчиман, лекин сира шу ёғоч фўларларни туролмайман. Қўлим бўш қолди дегунча, бектиёр ёғочга тортаверарди. Узоқ қиш кечалари ўтириб шу ёғочдан соз ясайман. Ёғоч йўниш—мен учун мароқли. Аслида бу ҳўнарнинг ҳам ўзига хос гашти бор. Қирқилган фўларнинг юзидаги ўзак йўлини кўрасан, унинг чизкиларини сира назардан қочирмай ишлайверсан. Ниҳоят, қўлингизда гўла чиройли, латиф соғна айланади. Ана шунда қалбингда севинч ҳиссини тўласан. Қўлоқ солинглар, қандай жангалайдикин...

Рўзбойи бармоқлари билан ёғоч фўлани чертади, биз, албатта, ҳеч қандай овозини эшитмаймиз. Лекин у жипламанг қўйи ёғочга узоқ вақт қўлоқ тутарди, кейин уни ёнига қўяди.

— Бундай бебаҳо ёғочни топиш кундан-кун қийинлашиб борапти,—дея сўзида давом этди у.—Бу—тўт ёғоч. Жанрангдор дўторлар фақат тутдан ясалди. Тут эса, ўзларингиз билансизлар, ипак курчи учун озуқа. Бундан ташқари, унинг шундоқ дуд келганини истаганча кесиб олиб, ишлатиб бўлавермайди. Мусиқий асбоб учун танлангандан ёғочнинг ёши ўн беш-йигирмадан кам бўлмаслиги керак. Ана шунда йўнилган бўлакнинг шакли ўзгармайди ва ёғочнинг овози жангли бўлади. Шунинг учун водийга тушиб, ўн-ўн беш кунлаб қурилган тутларни излашга тўғри келади. Тут дарахтининг ажузидида ўзига хос оханг мавжуд. Дўторнинг бўйин қисми ўрик ёғочидан, куйловои юрати эса тутдан ясалди. Лекин дарахтни арралаб олинган заҳотиёқ дарроа асбоб ясашга шошилмаслик керак. Тўт ёғоч бўлагини уч йилдан беш йилга қадар, яъни ундан чолғу асбоби ясаш мумкин бўладиган ҳолга келгунча қурибти сақлаш лозим. Лекин бу билан иш битмайди. Ёғочни секин-эста йўниб, соз шаклига келтириш мумкин. Аммо шу билан бирга унга яна охангдорлик бериш керак. Тингланганда кўнгилни чоғ этадиган куй туғилиши учун уни махсус парда билан қоплаш керак. Парда эса фақат уч ёшдан ошмаган тананин юрак пардасидан тайёрланади. Мана шунангисини излаб топиш керак. Шуниси ҳам борки, тоғнинг бугўдийк ўтини ўрлаган тананин юрак пардасидан ясалган дўтор ниҳоятда янгрқ оханг таратиш хусусиятига эга. Тана юрагидан олинган парда ошланиб, икки-уч йилча сақланади. Кўрдингизми, ёғоч-

ни йўниш, уни тана юраги пардаси билан қоплаш, яъни куй таратувчи асбоб яратиш учун қанчалар вақт керак. Мен шундай чолғу асбобларидан йилга атиги икки-учтагина ясай оламан. Утган йили битта дўторимни Душанбегга соғна қилиб юбордим. Кейин Москвадан, Шарқ халқлари музенидан келишиб, битта дўтор ясаб беришимни сўради. Тагин биттасини яқинда Шаҳрисабз районидида Ленин номли колхознинг «Шодийна» ансамбли учун илтимос қилиб олиб кетишди...

Рўзбойи деворда осилгич—ўзи таъриф қилган ўша сехрли дўторга тез-тез қараб қўяётганимизни сезиб, негадир бироз оғир тортиб шундай деди:

— Бу менин дўторим эмас. Уни уста Абдулнаби бобо ясаган. Бу дўтор кейинги олтич йил ичиди Филонда ясалиб, донг қозонган барча дўторларнинг отаси ҳисобланади.

Рўзбойи дўторни девордан олиб, бизга узоқди. Узунлиги салкам бир метрча келадиган бу чолғу асбоби кўшадий энгил эди. Меҳр билан ясалган латиф соз гўё янгрқ қўшиқча чорларди.

— Жаҳоннинг машҳур музикачилари қалган чолғу асбоблари қандай азиз бўлса, бизга Абдулнаби бобонинг дўтори ҳам шундай қадрилик—дея сўзини давом эттирди Рўзбойи.—Бу соз билан боғлиқ бир воқеани айтиб берай. Воқеа оловли иқлибд йиллари, Бухоро амира шу тоғлар орқали Афғонистонга қочиб ўтаётган келарда содир бўлган. Уша кўнларнинг бирида қишлоғимизга босмачиларнинг йигирма кишилик тўдаси келади. Улар қишлоқ ўртасида тўхтаб, қишлоқ оқсоқолини қақриб келишини буярадилар. Абдулнаби бобо уларнинг қаршисига чиқиб боради.

— Эй чол,—дейди қароқчиларнинг каттаси,—ислом ҳимоячилари билан оғтрадими учун бир пуд чой, бир пуд нони, кўкчи юз ота жабулқ келтир...

Абдулнаби бобо босмачига икки бўкилиб таъзим қилади-де:

— Уғлим, авлодларимиз удумини унутманг. Ававало, отдан тушиб, уйга қадам ранжиде қилин ва бир пилла чой ичинг, кейин айтган нарсаларингизни топиб беришга ҳаракат қилангиз,—дейди.

Босмачилар ўзaro маслаҳатлашга, отдан тушадилар, оқсоқол тақлиф этган уйи қирадилар...

Абдулнаби бобо босмачиларга мурожаат қилиб:

— Овақтаниб, чой ичиб, дамларингизни олинглар, мен эса сизларга куй чалиб бераман,—дейди.

Улар рози бўлишди. Абдулнаби бобо ўзининг мана шу севамли дўторини қўлига олиб, пойгада ўтириб, куй чала бошлади. Лекин шу орада у ўз қачинларга қўшни Қазилмач қишлоғидида қизил аскарларга хабар етказишни шиварлаб улғурди. Душманлар эса бамайилхотир, тотли шўрва ичиб, дўтор куйини тинглаб ўтирадилар. Дўторчи бобомиз ўша оғир кунлар ифодаси бўлган ҳезин куй қалади. Босмачилардан бири Абдулнаби бобони өлкесидан тугиб силкинтганча унга дўқ уради: «Бунча мотамсаро куй чалаясан. Қани, шўхорчидан ол-чи. Йўкса, тириклайинг...»

Шу вақт қишлоқ чеккасида ўқ овози эшитилди. Бу, қизил аскарлар келишавтганини кўрган босмачилар соқчининг оғоҳ белгиси эди. Босмачилардан бири дарчадан қараб, улар ўтирган уйни қизил аскарлар қуршавтганини кўриб, қиққиради:

— Бизни алдабдилар...

Абдулнаби бобонинг ёнида паркуа болишларга ястаниб ўтирган қўрбоши газабланиб:

— Бу сенинг ишингми, сасиқ чол?—дея қиличи билан бобонинг дўтор ушлаб турган қўлини нақ тирсагидан кесиб ташлайди. Дўтор эса қаршилаб ерга тушади. Оқсоқол юз тубан йикилганча ҳушидан кетади. Босмачилар қизиллар таъкибидан қўтилиш учун жон-жаҳдлари билан отишадилар, лекин гор томон қувиб борилгач, улар ноилноз таслим бўладилар. Қизиллар уларнинг қўлларини арқон билан боғлаб Шаҳрисабзга тутқун қилиб олиб кетадилар...

Шу воқеадан кейин уч-тўрт йилгача соз ясашга ҳеч кимнинг қўли бормайди. Лекин орадан бирмунча вақт ўтгач истеъдодли ёш уста Мўхаммади машҳур уста Абдулнаби бобонинг дўторини олиб диққат билан ўргангач, ўша нусхада дўтор ясади. Кейин у бу ҳўнарни бошқа ҳамқишлоқларига ҳам ўргатади. Унинг шогирдлари орасида энг иқтидорлини Абдурали Расуллов эди. Абдурали ўзининг қирқ йиллик устачилик фаолияти давомида бир юз эликдан ортиқ дўтор, тор ва ошқа мусиқа асбоблари ясади. Менга ҳам ўша киши устозлик қилган...—дея хикоясини ақуллади Рўзбойи.

Биз унинг сўзларини эшитиб, сехрларини ўтирдик. Энди биз ёш уй соҳибни қўлидаги дўторга таъмоман ўзгача ҳис-туйғу билан боқардик. Ҳа, дарҳақиқат, бу дўторнинг тақдирини ўзбек халқи тақдирини билан, унинг ўтмиши билан чамбарчас боғлиқ.

Оқшом чоғи Филондан қайтар эканамиз, кўчада бир тўп болалар ортимиздан юғурганча кузатиб қолдилар: улар томдан-томга сакраб чопқиллашар, беғубор, покиза чеҳраларида кўсон ўйнади. Ҳа, Филон қишлоғи—бугун сехрли, янгрқ созлар ясавичи моҳир усталар, қўлигўл ҳўнармандлар маскани. Бу қишлоқда ясалавтган созлар ҳаётга мазмун, дилхушлик бахш этиб, кишилар қалбига олам-олам қўнчулар улашмоқда.

Муҳбир: Кейинги йилларда сейсмологларимизнинг ишига, уларнинг ютуқларига чет эллик ҳамкасблари алоҳида қизиқиш билан қарамақдалар. Бунинг боиси нимада!

Олим. Маълумки, zilzila табиий офатлар орасида энг даҳшатлиси ва хавфлиси. Табиийки, дунё олимлари, жумладан, биз ҳам кўпдан бери бу офатга тийик изламоқдамиз. Бу соҳадаги илмий изланишларимиз асосан Тошкент zilzilasidan сўнг, 1966 йил октябрь ойида республика Фанлар академияси қошида Сейсмология илмий-тадқиқот институти ташкил этилган, кенг йўлга қўйилди. Республика партия ва ҳукуматининг яқиндан кўрсатган ёрдами тўғрисида сейсмолог олимларимиз ўтган давр ичида катта муваффақиятларга эришдилар. Маълумки, 1971 йилда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ихтиролар ва кашфиётлар бўйича давлат комитети институтига бир гуруҳ олимларнинг «Zilzila арафасида ер ости сувлари кимёвий составининг ўзгариши» мавзусидаги кашфиёти фандаги муҳим янгиллик сифатида 129-рақами билан рўйхатга олдди ва муаллифларга гувоҳномалар берди. Шу тариқа бизнинг zilzila олимларидан аниқлаш соҳасида олиб бораётган илмий-тадқиқотларимизга мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам қизиқиш ортди. Кейинги беш-олти йил ичида Япония, АКШ, Югославия, Польша сингари қатор мамлакатлардан сейсмолог олимлар келиб, институтига фаолият, олимларимизнинг zilzila сабабларини аниқлаш соҳасидаги ишлари билан танишдилар. Ўз навбатида биз ҳам ҳамкасбларимизнинг тақлифларига мувофиқ уларнинг мамлакатларида бўлди, илмий фаолиятлари билан танишдик. Шу йўсинда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйдик.

Муҳбир: Олимларимизнинг zilzila олимларидан аниқлаш борасидаги кейинги изланишларининг натижалари қалай?

Олим: Институтига олимларининг 1970 йил бошларигача олиб борган текширишлари, изланишлари натижасида, ҳали айтганимиздек, zilzila арафасида ер ости сувларининг кимёвий таркиби ўзгаради, деган ҳаққоний хулосага келинган эди. Лекин zilzila олимларининг олимларидан аниқ белгилаш учун бу далиллар етарли эмас эди. Биз айна соҳадаги тадқиқотларни янада кенг-роқ ва изчил давом эттирдик. Бунинг учун zilzila олимларидан тахминий аниқлаш билан муттасил шуғулланган станциялар, яъни кузатиш пунктлари миқдори учтадан ўн

## Фан — халқ хизматида

# ТОШКЕНТ УСУЛИ ЭЪТИБОРНИ ТОРТМОҚДА

Шу йил октябрь ойида Иркутск шаҳрида совет-япон сейсмологларининг халқаро симпозиуми бўлди. Шу муносабат билан муҳбиримиз Шомурод Сиддиқов аниқлаш борасида катнашадиган совет делегацияси аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир-аъзоси, Сейсмология илмий-тадқиқот институти гидрогеофизика бўлимининг мудир Абдумуфти Султонхўжаев билан суҳбатлашди.


иккитага етказилди. Булар — Чортоқ, Чимён, Ҳовоток, Хўжаобод, Тошкент (1; 2), Ленин йўли, «Майска», Қоратела, Шахрисабз, Шўрчи, Свердлов (Бухоро) кузатиш пунктларидир.

Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар Ернинг бирор нуқтасида zilzila бўлишидан аввал ер ости сувларининг газ ва кимёвий таркиби, шунингдек, унинг сатҳи, босими ва ҳарорати ҳамда ер усти магнит майдони ўзгариши мумкинлигини кўрсатди. Бу, сейсмология учун, умуман, фаннинг учун катта янгилликдир. Биз ўз илмий тадқиқотларимизда гидрологик, геологик ва сейсмологик текширишлар комплексига суяниб

иб кўрмоқдамиз. Шу жиҳатдан ютуқларимиз чет эллик ҳамкасбларимизнинг эътиборини тортмоқда.

Муҳбир: Шу йил октябрь ойида Иркутск шаҳрида ўтказилган совет-япон сейсмологларининг симпозиумида қандай масалалар муҳокама этилди?

Олим: Маълумки, Япония zilzila ўчоқлари устида жойлашган мамлакатдир. Шу босидан ҳам япониялик ҳамкасбларимиз биз совет олимларининг ютуқларини пухта ўрганиб, уни ўзларида кенг миқёсда қўлламоқдалар. Биз ўн-ўн беш йилдан бу-



ЎзССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Абдумуфти Султонхўжаев [ўнгда] физика-математика фанлари кандидати И. Г. Чернов билан махсус аппаратда ер ости сувларининг газ таркибини текширмоқда.

Ибройим ЮСУПОВ,  
Қорақалпоғистон АССР халқ шоири

## Яна Жайхун бўлиб оқдинг-да келдинг

Талай тулпорларни йўлда қолдириб,  
Яна беллашувда вақтида келдинг.  
Гулдуросинг элнинг меҳрин қондириб,  
Яна Жайхун бўлиб оқдинг-да келдинг.  
Иzzат-шон Асқар тоққа тенг халқим,  
Меҳнат деса шимаргучи энг, халқим,  
Куч-қудратинг жўшиб оқдан Амудай,  
Фейлинг сенинг Уст-Ортингдай кенг,  
халқим!

Қалпоғинг қоп-қора, юрагинг — оппоқ,  
Тўй тўнинг бўйинга лойиқ бош-оёқ,  
Сен-ку сўйлатсан қора ерни ҳам,  
Менга мушкул тазрифингга сўз топмоқ.  
Юзинг сенинг ярақлаган тонг, халқим,  
Жасоратли ишга хуморсан, халқим.  
Қора тоғни аравага орт деса,  
Довинг бор, тайсалмай даст ортарсан,  
халқим.

Меҳнатсеварлигинг куйлаб юргудай,  
Ватан учун жон бер деса, бергудай,

Сенинг коммунистик эътиқод-туйғунг  
Юксакликда буюк тоғда тургудай.  
Шараф сенга, нури Ўзбекистоним,  
Гуруримсан она тупроқ — бўстоним,  
«Оқ олтин» подшоиси ўзбек оғаминг  
Хурматига бошим эгай, дўстларим!  
Пахтадан ҳар кузда бир тоғ уйғансан,  
«Оқ олтин» деб номин топиб қўйғансан,  
Сен пахтакор деган қадим касбингда  
Янгидан космосча маъно туйғансан.  
Мард пахтакор халқим, ҳорма, бормисан?  
Олтин Фарғонада отган тонгимсан?  
Олис йўлдан от елдириб келганда,  
Маррага ошиққан Андижонимсан?  
Кунчиқарда машҳур буюк кентимимсан,  
Гуркираган гўзал Тошкентимимсан?  
Савлатли Самарқандимсан ва ёки  
Жиззаҳда яшаган ёш кентимимсан?  
Сирдарёга сирдош кўнглинг бор чиқар,  
Қарши чўлларидида маъж уриб сахар,

Қорақалпоқимсан ё сафларда голиб,  
Қора тоғдан қушдай учган хушхабар!  
Сен Қашқадарёда ўсган гулмисан,  
Сурхонда фидойи бир сингилмисан?  
Наманганнинг олмасидай ифорили,  
Ваъдага вафодор ширин тилмисан?  
Жон қўшим Бухоро, Хоразмимсан?  
Бир-бирова кўнгли оразимсан?  
Улуғ Ўзбекистон хирмонларидида  
Обрў ўлмайдиған тарозумимсан?  
Ким бўлсан ҳам, биз пахтакор элимиз,  
Пахтадай оқ бизнинг ойдин йўлимиз.  
Бир ёқадан бош чиқариб бирлашиб,  
Бир енгдан чиқади миллион қўлимиз.  
Бу қўллар эл кўнглига йўл топади,  
Ердан зар олай деб чигит сепади.  
Минг-минг тележкали бир улуғ қарвон  
Ўзбекистон йўлларидан ўтади.  
Тарих кўрмаган бир зўр қарвон кўчар,  
Қарвон кўчган сайин хирмонлар ўсар.  
Бутун дунё бу хирмонга суюниб  
Боққанда бошидан қалпоғи тушар.  
Мурунтовдан чиққан беҳисоб олтин  
Баҳолмай олмайди Меҳнатинг нархин.  
Эл олқиси, партиянинг рағбати,  
Сенга маъад берсин, пахтакор халқим!

Ойдин ҲОЖИЕВА  
таржимаси

# ОТА КАСБИГА САДОҚАТ

Улуғ Ватан уруши охираб қолган пайтлар. Чорвадор қишлоғидаги йиғитларнинг қарийб барчаси она-Ватан ҳимоясига кетган. Мамлакат ичкарисидеги ҳамма ишлар ёш-яланга қолган кезлар. Пухта ака сурувни капаси олдида қайдаб келди-да, ўғлини ёнига чакириб сўз қотди:

— Темиржон, мана, сен ҳам катта йиғит бўлиб қолдинг. Еттинчи синфини битирдинг, ҳадемай ўн бешга тўласан. Қишлоқда эса чўлиқлик қилишга қодир бошқа одам йўқ. Мана, шу заранг таёқни ол-да, қўйларни ўзинг боқиб келавер. Мен кечаси ҳам, кундузи ҳам мол боқишга ярамай қолдим.

Успирин чўпон таёғини кўлга оларкан, отасининг илтижо тўла кўзларига, кўкиш томирлари бўртиб чиққан ғадир-будир кўлларига қаради, падарининг гапига қулоқ тутди:

— Сидқидилдан, меҳр қўйиб ишласанг, одамлар ўртасида обрў-эътибор толасан.

Темир отасининг ўғитларини дилга жо этиб, унинг заранг таёғини кўлга олди-да, қўйларни даштга қайдаб кетди... У эртасига худди ўша пайтда ўтарни бут, соғ-омон, оч қолдирмай, сувсатмай қайтариб келди.

— Яша, ўғлим, шундай бўлишини билгандим. Ахир, чўпонлик бизнинг ота-бобомиздан мерос,— деганди ўшанда Пухта ака.

Бу гаплар ҳамон Темир Пухтаевнинг эсида. У ҳаётда тўғри йўл кўрсатгани учун отасидан ҳали-ҳали миннатдор.

\* \* \*

Истара яйловларида баҳор қисқа бўлади. Бу ерларда апрель ойи охиридаёқ ҳарорат анча кўтарилиб, яйловдаги гиёҳлар қовжираб қуриб қолади.

Темир чўпон май ойи бошларида сурувни олиб Хомкон тоғларига қайдаб кетади. У ерда қалин ўтлар тиззага уради. Аммо қайси чўпон эртароқ ҳаракат қилса — ўғли, мол боқиш учун қулай яйлов ўшаник. Темир чўпон шуларни ўйлар экан, бир нарсага ҳайрон қолади: «Нега тоғ яйловларига ҳўжаликлардан сурув-сурув қўйлар олиб чиқилди, қайси чўпон қаерда қўй боқиши кераклиги аввалдан аниқ белгилаб берилмайдими! Ким қаерни хоҳласа, раҳбарлардан бири билан ёки қоровул билан келишиб, қўйини боқиб кетаверади. Совхоз мутахассислари эса бу ерлар олислиги учунми ёки истаб-истамайми, кам келишадими. Темир ака совхоздан келадиган мутахассислар билан шу ҳусусда маслаҳатлашмишни дилига тугиб қўйди.

Бироқ орадан икки-уч кун ўтди ҳамки, раҳбарлардан, зоотехник ва ветеринария врачларидан дарак бўлмади. Аксига олгандек, қўйларга бериш учун бир сиқим ҳам түз қолмади. Темир чўпон чўг устида тургандек бўлиб қолди. Қўйлар ҳам нажот кутгандек, зулуксиз маърашарди. Тоғ ўтлари ниҳоятда чучук. Шу сабабли қўйларга түз ялатиб турши лозим. Ушанда совлиқлар эски, түз юк қолган оқиш ерларни тумшуги билан туртиб ялай бошлади.

Эртаси кун машинада ферма мудири Эшмўмин Эрнazarов келди.

Темир Пухтаевнинг одати қизик: ким бўлишидан қатъи назар гап келганда отангиз ҳам аяма, деганларидек совхоз директорини ёки бошқа кишини — сира тап тортмай кўнглидаги гапни гўкиб солади. Ҳатто ҳўжалик раҳбарлари ҳам унинг чўрткесар,

лекин сира чорчамайдиган, ҳаракатчан одам эканини аяши билишадими.

Бу гап ҳам шундай бўлди. У ферма мудирига кўнглидаги гапларни айтди-қўйди:

— Икки-уч кун бўлди, қўйларга ялатиш учун түз қолмади. Нимага бизлардан хабар олмай қўйдиларингиз, Эшмўмин!

Лекин Темир чўпон жаҳли чиққанда ҳам кўпол гапирмайдими. Дилдаги гапларни таъкид билан тушунтиради.

— Машина бўлмади, Темир ака. Кечирасиз, аҳволларнингиздан тезда хабар ололмадик,— деди ферма мудири гуноҳорона оҳангда.

— Бундан ўнбеш-йигирма йиллар илгари чўпон сурувни ўтлоқ жойларга — олис тоққа қайдаб кетса, зоотехник, ферма мудири, ветеринария врач, хуллас, мутахассислар отда тез-тез келиб, биз, чўпонлардан хабар олишарди,— деди Темир ака.— Энди эса осларида машина бўлмааса, бир қадам ҳам қимирлашмайдими.

Темир чўпоннинг гаплари ҳўжалик раҳбарларига таъсир қилди: чорвачилик мутахассислари ўтарларга тез-тез келиб турадиган бўлиб қолишди.

\* \* \*

Ҳамкасблари Темир Пухтаевни саксон учинчи йилда эришган рекорд натижа — ҳар ўзи бош совлиқдан



икки юз элликтдан кўзи олганлиги, унга мукофотга «ГАЗ-24» машинаси берилганлиги билан сидқидилдан табриқладилар.

Уша кезларда биз ҳам тажрибали чўпон ҳузурида бўлдик.

— Бу йил райоinda тўл олиш ҳар йилгидан кўра анча кечикди. Бунинг сабаби нимадди?— деган савол билан мурожаат қилдик унга.

— Ҳамма гап чўпоннинг октябр ойидаги ҳаракатига боғлиқ,— дея салмоқли жавоб қилди чўпон.— Шу ойда қочириб масвумини аяши ўтказса, тўл олиши ёмон бўлмайди. Баъзи чўпонлар совхоз томонидан бериладиган омухта озинки кутиб, қўл қовуштириб ўтираверади. Фақат бу емининг ўзи билангина қўй семирармади! Ориқ мол тезда қуюкмайди. У қисир қолиши, оқибатда кутилган натижа бўлмаслиги мумкин. Эрталаб, тушда ва кечқурун белгиланган районда бериладиган омухта озик қўйнинг этига эт қўшилишда муҳим роль ўйнайди.

Темир чўпон ёш ойларида тиним нимагини билмайдими. Угиллари — тракторчи Хидиркул, чўпон Эшонкулини, катта қизи Ташолини ёнига оладида ўт-ўлан етилгач, далага чиқиб, хашак тўплагаша зўр бериб. Истара яйловининг нақ ўртасида жойлашган ўтарининг атрофида дағал хашак ғарами тоғдек уюлиб кетади.

— Омилта озик билан аралаштириб ўз вақтида берилган бундай табиий озукқа қўйнинг ўртача семизлигини қирқ-эллик килограммга етказсади,— деди Темир ака ўз тажрибаси ҳақида гапириб.

Чўпон ўғли Эшонқулга ҳам ҳар кун шунини ўқтиради:

— Уғлим, қўй август, сентябр ойида сира кўтонда ётмасин. Бу ойларда мол кўпроқ ҳаракатланиб туриши керак. Шунда қўйлар босқоқ касаллигига алинмайди.

Қиш ойларида унинг ўғиллари қулоғига қуядиган яна бир гали бор: «Болам, моллар қимирлаб, ҳаракат келиб турсин. Қўйларни кундузи қўтонда, кечаси эса адирда боқайлик. Шундай қилсак, қўйлар бола ташламайди, қўйлар бут бўлади. Январь, февраль ойларида қўйларнинггина эмас, уларнинг қорнидаги қўзилари ҳақида ҳам қайғуришимиз лозим».

Фарзандлари ота насихатларига ҳар доим амал қилдилар. Бош чўпон ёрдამчиси Умиркул ўз ҳаётининг мазмунини сурувсиз, яйловларсиз тасаввур этолмайди. Қўтондаги ярим мингга яқин қўйнинг ҳаммасини беш бармоғидек билади. Қиш кунларидан бирида бўлган воқеани у ҳамон эсидадан чиқаролмайди. Утарга тўсатдан бўри оралаб қолди. Қаҳратон қиш чилласида қутурган ийртқи чўпоннинг қолоғон итини ҳам писканд қилмасдан сурувга ўзини урди. Қўз очиб юмғунча бўриллар иккита тўққини олиб кетди. Бош чўпон ёрдამчиси Умиркул Пухтаев ҳарчанд ҳаракат қилмасин, қўлида қулол бўлмаганлиги учун ийртқиқлар чангалидан кўзиларини ажратиб ололмади.

Орадан икки ой ўтди. Умиркул Пухтаев уйда чой ичиб ўтарлар эди. Ховли говур-ғувур бўлиб кетди. Онаси Шаҳар опа югуриб ўйга кирди-да:

— Яна бир қўзимизни бўри олиб кетди-я,— деди.

Умиркул уйдан ўқдек отилиб чиқиб, дарҳол мотоклига ўтириди-да, бўри изидан тушди. Тажрибали, кўпин кўрган чўпон бўриларнинг қаёққа қараб қоқишини аниқ билар эди: бўриллар ҳеч қачон текисликдан юрмайди. Улар сойлиқлар, жарликлар бўйлаб юғради. Умиркул бўрига бир неча марта етиб олдию, аммо ийртқи чоп берди. У мотоциклини Истара яйлови адирларидан қайдаб, бўрини қувиб борарди. Қарийб йигирма қақиримча шу зайлда қувғач, ийртқи ҳолдан тойд шеклили, тилини чиқариб, ҳансраб, бора-бора бир жойда туриб қолди. Умиркул дадил бўлиб, қўлидаги заранг таёғи билан ийртқининг бошига тушурди...

Ушанда ўғлининг бўрини қувилаб кетганидан хабар тогган Темир чўпон ҳам ҳадисқарб унинг орқасидан етиб келди. Бўри билан якмама-якка олишувда ғолиб чиққан доворак ўғлини маҳкам қучиб:

— Яша, ўғлим, доимо ана шундай мард бўл, ботир бўл!— деди.

Умиркул пешонасидеги терни артар экан, юзига табассум қалқди:

— Раҳмат, ота, шу бўрини қўлга олишимда бобмдан мерос қолган заранг таёқ иш берди,— деди у падарига салимийи боқиб...

Бойсун районидеги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхози бош чўпон, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Темир Пухтаев ўттиз беш йилдан буён чўпонлик қилиб келади. У ўз меҳнат фаолиятининг яридан қўлида чўпонлар бригадасига бошчилик қилди. У қандай мураккаб шароитда меҳнат қилмасин, доимо юксак кўрсаткичларга эриша олди.

Темир Пухтаев ўз самарали меҳнатлари эвазига Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Унинг яна бир мукофоти бор, бунинг уга болалари улашди. Улар ота касбига содиқ бўлган шогирдлардир!

Сурхондарё области

Жовли ХУШВАҚТОВ

## ҲИММАТ ҲУРМАТ КЕЛТИРАДИ

Дарахт мевадан қолса — қаригани, Одам ҳам меҳнат қобилиятини йўқотса, нохуш аҳволга тушиб қолади. Мен бу гапларни тирикчилик вақтидан айтаётганим йўқ. Фарзандини қобил, меҳрибон, меҳнатқаш, диёнатли, юрт жонқури қилиб тарбиялаган ота-она кексайган чоғда ҳам из-

зат-ҳурматда яшаш аниқ. Аммо қўлидан бирор иш келатуриб, чойхона кўрпачасини ижарага оладиганларнинг кексайиши тезлашиб, тез қувавдатдан қолиши аён. Узимдан қўб. Етимш бешдан ошдим. Бир кун иш лемасам, қўлларим увишиб, вужудимда ориқ туради.

Ешлик йилларим тўғрисида бироз сўзлаб ўтмоқчиман. Тоғни урса талқон қилгудек кучга тўлган пайтимда Ватанимизга гитлерчилар бостириб кирди. Мен ҳам қўлимга қурол олдим. Улуғ Ватан урушининг жангоҳларида қатнашиб, Чехословакиягача бордим. Иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши ордени, иккита Қизил Байроқ ордени, қатор медаллар билан тақдирландим. Елкамда капитанлик логони ярқираб қишлоғимга қайтдим.

Урушдан кейинги қишлоқларнинг манзараси ҳаммага аён. Салкам беш йил қурол ушлаган қўларим кетмонни соғиниб қолган экан, Ишга киришиб кетдим. Кейинги йили бригадирликка кўтаришди. Қўп ўтмай, колхоз партия ташкилотининг секретари бўлдим. Колхоз иқтисодини кўтариш, ҳамқишлоқлар дардида мал-ҳам бўлиш, мамлакатда кўпроқ пахта етказиб бериш йўлида чинакамига меҳнат қилдим.

Элгинини йиллар ўртасида Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ҳаракати бошланди. Бу хайрли ишдан четда қолгим келмади. Янги ерларга бориб, аяши ният билан «Янги ҳаёт» номили колхоз туздик. Қамишзорлар, тўқайлар, қум барханлари билан олишиб, елкамиз ерга теккани йўқ. Утишида қуш учса қа-

ноти, одам юрса оёғи қуйган чўллардан пахта оқланган биринчи Қизил карвонини тайёрлов пунктига жўнатганимизда урушда галаба қилган кунларимдагидек кўксим қувончга, дилим гурғурга тўлди.

Мана шунанга, ёш бир ерга борган, ғолиблик байроқчасини ишларга бериб, яна тугилган ерим — «Коммуна» колхозига қайтдим. Келсам, ўша вақтдаги тепалиқлар ҳамон қанқайиб турбди, кўзимга хунук кўринди. Колхоз правлениеси, партия ташкилоти билан маслаҳатлашиб, шу тепалиқлар ўрнида боғ барпо қиладиган бўлдик. Иш бошланиб кетди. Мана, эндиликда етти гектарли узумзор, мевазор боғ ҳар йили ўттиз беш-қирқ тонналаб ҳосил бераюқда.

СССРнинг Озиқ-овқат программаси ҳар бир кишини эл-юрт бойлигини ошириш учун ҳисса қўишига чорламоқда. Қирқ йилдан кўпроқ вақтдан бери КПСХ эъзоси деган шарафли номини эъзозлаб келаватган мендай



# АСАЛАРИ БЎРСИСИ

## ЁНАР ЮЛДУЗ



## ДЕЛЬФИНЛАРДАН ҚАРЗДОРЛИК

Яван денгизи узра ҳалокатга учраган вертолёт учувчиси қолган ҳаёти учун дельфинлардан гоётда қарздордир. Индонезиянинг «Ақчай» газетасининг хабарига кўра, саккиз кечаю кундуз давомида учувчи сув тўфонлари таҳликаси остида қолади. Бироқ бу вақт ичда ҳар доим дельфинлар уни қутқариш мақсадида учувчини тағидида соли билан бирга қуруқлик томонга суриб борганлар.

АҚШ. Лос—Анжелос шаҳри. Фотосуратда акс этган мушук ўз эгасининг ёнғиндан сақлаб қолиб, йилнинг энг яхши мушуги номига сазо-



вор бўлди ва махсус медаль билан мукофотланди. У ёнғин ҳўдини олдиндан сезиб, хўжайинининг ётоқхонасига югуриб киради ва миёвалаб, унинг устидан чойшабини торта бошлайди. Натижанда мушук эгаси ёнғиндан омон қолди.

АПН—ТАСС фотоси

Шу йил июль оинининг бошларида Брянск областининг Ржаница посёлкаси аҳолиси гаройиб воқеаниннг гувоҳи бўлишди. Воқеа ярим тунда содир бўлди. Посёлкада яшовчиларнинг айтишларича, дастлаб самодан момақалдиқроқдек қалдир-қулдир овозлар эшитилган. Сўнгра гулдиқроқ баттар кучайиб, бутун посёлкани уйғотиб юборган. Кўп кимилар зудлик билан кўчаларга югуриб чиққанлар.

Улар нимани кўрдилар денг. Осмоннинг жануб тарафида ёлқинли шар кўринди. Қизғиш-сарик нури шар гўё ловуллаб ёнарди. Ҳаммаёқ ёришиб кетади. Учиб келаётган шар, худди снаряд ўтаётгандек, янада қаттиқроқ гулдиради. Бир неча секунддан сўнгра шар кўринмай қолди, ялтироқ нурулари ҳам сўнди. Воқеа юз берган жойни текшириб кўрган астрономия мутахассисларининг аниқлашларича, посёлка устидан само элчиси — ёнар юлдуз [яркироқ болд] учиб ўтган.

## «ХАМШИРА» МАЙМУН

Бостон шаҳрида истиқомат қилувчи Роберт Фостер қаттиқ автомобиль фалокатидан кейин оғир майиб бўлиб қолди. У энди фақат калласи билан... олдинга силжий олади. Роберт ёлғиз ўзи яшайди. Эрталаб медицина ҳамшираси келиб, унинг кийинишига ва инвалидлар аравачасига ўтиришига ёрдамлашиб кетарди. Бироқ Робертга кун буйи ёрдам керак. Мана, у йилдириқ, бу вазифани гапуцин наслига мансуб Хелион лақабли маймун бажармоқда.

Бир неча ойлик машғулотлардан сўнгра оғирлиги уч килограмм келадиган бу маймун музхонадан овқат келтириш, таомни печка устида иситиш, беморни овқатлантириш, ичимлик тўлғазилган идишни унга узатиш, магнитофон кассеталарини алмаштириш, китоб varaқчаларини очиб бериш, ерга тушиб кетган нарсаларни олиб узатиш, ҳатто телефон турбуксини келтириб бериш сингари ишларни бемалол бажарадиган бўлди ва Робертга худди шу ишларни адо этишда ёрдамлашиб турбди.

бўриси ин қураётганида хонадан ўз оғирлигига нисбатан бир ярим минг баравар кўп тупроқ ташқарига чиқариб ташлайди. Кавак атрофида баландлиги бир неча сантиметр, кўндалангига 16 сантиметргача бўлган айлана кўтарма вужудга келади. Ин оғзи диаметри эса бир сантиметргача қичин. Йўлак узунлиги 80 сантиметр ва ундан ҳам кўпроқ узунликда қий-шиқ қилиб қазилади. Баъзан бир йўлакда бир неча ин қурилади.

Асалари бўрисининг ургочиси ҳар бир инга учтадан саккизтагача фалакланган асаларини жойлаштиради ва улардан бирининг кўкрак қисмига тухумларини ўрнаштиради. Уч-тўрт кундан кейин тухумидан қурт ҳосил бўлади. Инда унга озиқ етарли. Бошқа ҳеч бир ҳашорат асалари ўрнини босолмайди. У бот-бот озиқланиб, тез ўсади. Тўрт-беш кунда унинг узунлиги 12—14 сантиметргача етади ва ялтироқ, тўқ жигарранг шишага ўхшаш гўмбақ ҳосил қилади. Гўмбақ эич бўлиб, суани ва ҳатто заҳарли кимёвий моддаларни ҳам кам ўтказди. Мана шу гўмбақ ичиде қуртлар капалакка айланади. Асалари бўриси салкам ўн ойни, қаҳратон кишини гўмбақлар орасида ўтказди. Пиллардан катта ургочи ва эркак асалари бўрилари тешиб чиқади.

Асалари бўрисида катта зарар кўрилади. Улар асалариларга узлуксиз ҳўжум қилиб туради. Оқибатда асаларилар бол йиғиш учун далага чиқмай қўяди. Асалари бўрисига қарши биологик кураш йўли ишлаб чиқилган.

Асалариларнинг яна бир душмани, «ўлик калла» деб аталадиган капалақдир. Асаларичилар уни тун қароқчиси деб ҳам атайдилар. Бу капалак жуда йирик бўлади. У кечаси асаларихонага кириб олади. Асаларилар унга тегмайди. Негаки, капалақнинг овози она асалариникидек туюлади. Она асалари ишчи асалариларга ўзининг пайдо бўлганлиги тўғрисида шу йўсин хабар беради. Бироқ капалак баъзан асалариларни алдай олмайди, шунда у ўлжасини гўрри жанг билан кўлга киритади. У бир йўла беш-ўн грамм асал ейди. Йиртқининг йўлини тўсиш мақсадида асаларихона каваклари асалариларгина синадиган қилиб сим тўр билан қопланади ёки асаларихона тешикларининг баландлиги 8 миллиметргача кичрайтирилади. «Ўлик калла» йўқолиб бораётган ҳашорат турларидандир.

нер Мадамнижон Умаровни олиб кўрайлик. Очигини айтиш керак, асалари боқиш биз томонларда унча йўлга қўйилмаган. Аммо Мадамнижон Умаров асалари боқиш йўларини яхши ўрганиб олди. У ҳўзир ўн беш қўти асалари узсини парвариш қилмоқда. Айтишига қараганда, баъзи йиллари 150—180 килограммдан асал етиштираётган. Шунинг кўп қисмини у давлатга топширади. Бордию у, ўғил-қизининг тоғлини билан гулдэк яшапман, деб бекорданбекор юраверганида шунча асални ким етиштирар эди.

«Оқ олтин» колхозидан Саҳаддин Сафаров — тедбиркор соҳибкор. Уни Тошлоқда ҳамма «ҳамиша баҳор» устаси, деб атайди. У Улуғ Ватан урушининг учинчи группа инвалиди бўлишига қарамай тибиб-тичинмайди. Ҳў томорқасида сабзавот кўчатлари етиштиради, уларни эрта экиб, полиэтилен плёнчалари тағида устириб барвақт маҳсулот олади. Кўчатлари-

Одатда, қовақчилар асалариларга бот-бот ҳўжум қилиб турадилар. Бироқ асалари ҳўжалиги учун энг хавфлиси асалари бўриси (Филант)дир. Унинг ранги сариқ-қорамтил бўлиб, қорни қўзинчоқ. Эрқаги билан ургочиси ранги ҳамда узунлиги жиҳатидан бирмунча фарқ қилади. Бундай арилар СССРнинг ўрта ва жанубий қисмларида, айниқса, Ўзбекистон ҳамда Туркменистонда кенг тарқалган.

Асалари бўрисининг учиб юриши ёнғин ўрталарида, айни асаларилар оммавий равишда урчиган кезлари кўпроқ кузатилади. Асалари бўрилари кун энг қизиган пайтда фаол ҳаракат қиладилар. Салқинда, шамол ёки ёмғирини об-ҳовода улар ўз инларига беркиниб оладилар.

Асалари бўрисининг эрқаги ургочиси билан иноқ яшайди. Улар бир-икки ҳафта ўсимликлардаги боллар билан озиқланади, ундан кейин эса, эрқаги ургочисининг инидан 150—200 метр масофада икки-уч квадрат-метр жойни танабл олади. Улар ўз тасарруфидеги майдонга алоҳида қид тарқатувчи моддалардан белги қўядилар. Бу белгилар улар учун фақат ўзига хос маёқ вазифасинингана ўтаб қолмасдан, балки асалариларнинг бошқа эркакларини мазкур жой банд эканлигидан огоҳ этади. Улар чегарани бузганларни сира аямай жазолайди. Эркак ариларнинг майдонларига фақат ургочилари келишади.

Асалари бўрисининг ургочиси бол ташувчи асаларилар учун хавфли йиртқин ҳисобланади. Улар асалариларни тўплайган болариларни гулга қўйиб турганида, учиб бораётганида, баъзан уясида бўлса ҳам тўтиб олади. Асалари бўрисининг ургочиси болариларга нисбатан анча кучли, абжир бўлиб, ўз ўлжасини тишлаб олади ва нишини тиқиб, уни фалаж қилади, кейин эса асалини чиқариб олади. Ундан сўнгра асаларини ё ташлаб кетади, ё унинг тухумдан чиққан қуртини боқиш учун инга элтади.

Ургочи асалари бўриси 25—40 кун умр кўради. Бу давр ичиде у тўрттадан саккизтагача ин қуради. Одатда, асалари бўриси қумлоқ, созтупроқсимон жойларда ин қуради. Ин қазлаш учун ургочисининг олдинги оёқларида махсус қиллардан иборат «тароқча»си бор. Олдинги оёқлари билан ишга киришганда унинг жағи ҳам кўмак бериб туради. Асалари

коммуниста бу қақирқ қалб даъвати бўлиб туюлади. Халқимиз дастурхонини биз етиштираётган узум, мева ва бошқа маҳсулотлар мўл-кўл безатиб турса, дехқон, соҳибкор фарзандига бундан ортиқ қувонч, мукофот борми?

Район Совети ижроия комитети ҳўзуридаги колхозчилар социал-таъминоти бўлими биз кексалар меҳнатини рағбатлантириб келмоқда. Хо-зири пайтда қайси ҳўжалика бор-манг, хонадонида иккита-учталаб сир-новас, беш-оптиталаб қўй, кўп-лаб товуқ боқаятган, бу билан ўз хонадонида маъмуричилик яратиб, давлат ҳисобига ҳам маҳсулот топшираётган меҳнат, уруш ветеранлари жуда кўп.

Мен «Оқ олтин» колхозидан Абдували Нишоновни танийман. У ҳам меҳнатсиз туролмайдиганлардан. Бултур колхозга 435 килограмм гўшт, 430 килограмм сут топширди. Еки Куйбишев номи колхоздан пенсио-

ликларида чорва моллари боқиб, 3 минг 300 тонна гўшт, 3 минг 400 тонна сут ва бошқа маҳсулотни давлатга сотибдилар. Тома-тома кўл бўлур, шундай эмасми?

Шу қарорда тўқиланишича, бундан кейин ўз хонадонида боқаятган пенсионерлар учун ем-ҳашакдан, молхоналар қуришда қурилиш материалларидан кўмак бериб туриш зарурлиги алоҳида қайд қилинган. Бу тедбирлар бизнинг сидқидилдан қилаётган ишчимизни ривожлантиришга амалий ёрдам беради.

Меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари, қадрли дўстлар, келинлар, билганимизда куч-қувват бор экан, нуртиниз бойлигини ошириш йўлида ҳаракат қилаётган азаматлар сафида бўлайлик. Ҳиммат инсонга ҳўрмат келтирмай қолмайди.

Исмоилжон САРМАНОВ, Фарғона область, Тошлоқ районидаги «Коммуна» колхоз эъзаси, область миқёсидаги шахсий пенсионер

# ЭЛ СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАБ

Отаулла ОҚИЛОВ,

медицина фанлари доктори, профессор

Профессор бўлажак шифокорларга ўқибатган навабдаги лекциясини тугаллаш олдидан одатига кўра ўтилган мавзуга қисқа хотима қилди-да, ўзига берилган ёзма саволларга жавоб қайтара бошлади. Саволлар ичиде биттаси ўзгачароқ эди. Унинг мазмуну профессорни ҳаяжонга солди:

«Хурматли профессор! Мен кўпдан ушбу дил сўзларини Сизга баён этишни ўйлаб юрардим, бугун мавриди келгандек, кўплаб шогирдларингиз каби менинг ҳам жуда

Шогирдлари Саломатхоннинг бу сўзларини қарсақлар билан қаршиладилар.

Дарҳақиқат, ҳар бир кишининг етук инсон бўлиши учун бир йигит умри керак, дейдилар. Бинобарин бунда истак ва ҳоҳишнинг ўзи етарли бўлмайди. Шароит, мураббийлар ва муҳитнинг ҳам роли бор. Саломат Назаровна ҳам ўзгалар ҳавас қилаётган камолот босқинига осонлик билан эришмади, албатта.

1928—1930 йиллар эди. Саломат Тошкент шаҳар Медицина билим юртининг талабаси. Зуваласи пишиқ қиз ўқишга яхши натижаларга эришибгина қолмай, кўлидан келганча жамоат ишларида ҳам қатнашарди. У техникумда чиқадиган «Кучала» сатирик деворий газетасининг ҳайъат аъзоларидан эди. Газетада қолоқ талабача раҳина эмас, балки баъзан ўқитувчи ва хизматчилардаги баъзи камчиликлар ҳам ҳажв қилинар эди. Уша йиллар серкўёш республикамизда маданий революция янада ривожланмаётган бир давр бўлиб, комсомол аъзоси Саломат паранжи ташлаш, саводсизлигини тугатиш ишларида ҳам фаоллик кўрсатди. Айниқса, шаҳарнинг Кадават, Сандиқбоши маҳаллаларида унинг ўзи саводсиз ва чала-саводлардан 46 нафар қиз-жувонга ҳарф ўргатиб, уларни саводхон қилди.

Бўлажак шифокор ўқиш-изланиш, касбини эгаллаш борасида рус тилини пухта эгаллашга эътибор берди. Айниқса, у бу нарсга медицина институтига қадам қўйганида катта эҳтиёж сезди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тавсияси билан Саломат Назаровна бир гуруҳ тенгқурлари билан Москвага ўқишга юборилди. У 2-Москва медицина институтининг даволash факультетига тахсия кўра бошлади.

Саломат бўш вақтларини деярли кутубхоналарда ўтказарди. Факультет декани Герасим Максимович Гетцев унга оталарча ғамхўрлик қилди: ўз шахсий кутубхонасидан керакли адабиётларни келтириб берди. Саломат Назаровна ўша йилларни алоҳида шавқ билан эслар экан, унга азиям пойтахтимизда илм берган табаррук устозлари, профессорлар Н. Осиновский, С. Терновский ва А. Тур сингари билимдон кишилар кўлида таълим олганини хотирлайди.

Мана, орзиқиб кутган кунлар ҳам етиб келади. Ўқиб тугаб, врачлик дипломини олган Саломат дугоналари билан она шаҳри Тошкентга қайтди. Беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш иштиёқида бўлган ёш врач шаҳардан унча узоқ бўлмаган Қибрай қишлоғидаги участка касалхонасига ишга жойлашди...

Ҳикоямиз қаҳрамони назарий ва амалий медицина соҳасида узоқ йиллардан буён ҳалол ва самарали хизмат қилиб келмоқда. Бу йилларда кўплаб қувончли оиларни ва ташвишли кунларни бошидан кечирди.

...1939 йилнинг илк баҳор фасли. Бosh врач Саломат Йўлдошевга касалхонага ҳозиргина ҳомиладор аёлни оғир аҳволда олиб келишганини билдиришди. Ой-кунни тўлган бу жувон навабдаги тўққизинчи фарзандини кутар, ҳомила эса ҳийла йирик бўлгани ҳолда, дард шиддати анча суст кечар, зудлик билан чора кўриш лозим эди. Шифокорнинг муолижасидаги аниқлик ва ҳозиржавоблик аввало шу она ва бола учун, қолверса, уларни уйда кутаётган саккиз нафар бола учун қанчалик қимматли эканини врач яхши ҳис этарди. Иккилашга асос йўқ эди: ҳар иккаласининг ҳаёти ҳаф остида. Операция билан ҳомилини она қориндан олиш керак. Уша йилларда касалхонада телефон йўқ, транспорт эса фақат от қўшилган изовшдан иборат эди. Қишлоқ марказига чиқиб, Тошкентга хабар қилишди. Беморни бу ҳолатда шаҳарга етказиб бўлмайди, ёрдамга келаётган жарроҳни кутиш эса...

Ҳали бир каттароқ операцияларга қўл урмаган Саломат Назаровна икки кишининг ҳаёти қил устида турганини чуқур сезди-да ўзида қандайдир шиддат ҳис этди ва жасоратга азм этди.

Операция хонаси. Бир томонда жарроҳлик асбоблари, иккинчи томонда эса хирурглар учун муҳим қўлланма ҳисобланмиш «Топографик анатомия» китоби. Тажрибали медицина ҳамшираси Надежда Захаровна шу операция баёни ёзилган бобни ўқий бошлади, унинг кўзи китобда эдию, кўли билан зарур асбобларни узатиб турарди...

Шу дақиқда Саломатга кўзлари бир зум хиралашгандек туюлди. Ҳа, ногаҳонда кесилган қон томирларидан катта босим билан отилган қон жарроҳнинг юзига, хона шифтларига сачради. У терларини оҳиста ҳамшира елкасига суртди, зудлик билан кесилган томирни топиб боғлади. Шу дам операция хонасига узрли кечиккан жарроҳ — доцент М. Байданов кириб келди. Иккови операцияни давом эттиришди. Она ва гўдакнинг ҳаёти шу тариқа сақлаб қолинди.

Касбга садоқат, инсонларга бўлган меҳр Саломат Назаровнага ҳам катта обрў ва эътибор келтирмоқда. У Тошкент шаҳар Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлими mudирининг ўринбосари, сўнгра Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими mudирининг ўринбосари, серташвиш Улуғ Улуғ Ватан уруши йилларида эса Республика Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарининг ўринбосари, урушдан кейинги тикланиш йилларида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари вазифаларида ишлади. У ёвуз душман вақтинча босиб олган шаҳар ва қишлоқлардан Ўзбекистонга келтирилган ота-онасиз қолган болалар ва катталарга бошлан бериш, уларни соғайтириш ишлари бош-қош бўлди.

Уруш тугаб, тинчлик кунлари БЗР қарор топиши билан Саломат Назаровна ҳам медицина илмини янада чуқурроқ ўрганишга, ўз билимларини ёшларга сингдиришга бел боғлади. Бу эзгу ният уни Тошкент Давлат медицина институтига бошлади. Унинг хайрли режасига республикамизда педиатрия илмига асос солган машҳур олимлар Рафуль Гершенович ва Азиз Мақсудов ҳомилийк қилдилар сўнгра у ўқишни Москвада давом эттирди.

Кечагидек унинг хотирасида: 1942 йил Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Усмон Юсуповнинг кўрсатмаси билан Саломат Назаровна ва машҳур терapeвт, профессор Акбар Асқаров кўмир қазувчиларнинг саломатлигини муҳофаза этиш, улар орасида тарқалган безгак касаллигини даволашга сафарбар этилдилар. Худди шундай тадбир 1943 йили Бухоро областининг районларида ҳам олиб борилди. Бу гал машҳур паразитолог, Давлат мукофоти лауреати Леонид Исaев Саломат Йўлдошевга сингари шифокорларга етакчилик қилди.

Саломат Назаровна яна марказга — илмига интилди. Москвалик таниқли олимлар Д. Д. Лебедев ва А. В. Долгополова ҳузурда бўлиб, улардан илмий ишга йўлланма олди.

— Бод касаллигининг хафси шундаки,— деб уқтирди Александр Васильевна Долгополова,— дафтатан бўғимларни хасталантиради, лекин унинг асосий хафси юракка қаратилгандир, болалардаги деярли барча юрак хасталиқларининг замирида бод касаллиги ётади...

Кўп йиллик илмий изланишлар ўз самарасини берди. Серкўёш республикамизда бод касаллигини даволаш, ҳусусан, профилактика масалаларини чуқур илмий таҳлилдан ўтди. Қўплаб бемор болалар шифо топишди, юрак хасталигининг олди олинди. Илмий изланишлар муаллифи Саломат Назаровна Йўлдошева эса ўзбек педиатр аёллари орасида биринчи бўлиб медицина фанлари доктори деган юксак илмий даражага эришди.


Қувонч ва эзгуликларга бой, мазмунли ҳаёт саҳифаларини у фикран хотирлайди. Саломат икки бор Бунтнингитиоқ оқсоқоли М. И. Калининни кўриш, унинг доно гапларини эшитиш бахтига муяссар бўлганлардан.

1925 йил Тошкент шаҳрининг Эски Жува даҳасида бўлиб ўтган тарихий митингга ҳали бўйнига қизил галстук таққан тенгқур пионерлар қаторида у Михаил Ивановичга гўлда тақдим этган эди. 1943 йилга келиб эса республика Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Саломат Йўлдошева унинг табаррук қўлидан «Хурмат белгиси» орденини олди.

Ҳа, партия ва ҳукуратимиз ундан кейин ҳам жамоатчи шифокор олиманинг самарали хизматларини муносиб тақдирлади.

У бугун — республикада хизмат кўрсатган врач, СССР соғлиқни сақлаш аълочисини.

Мана, ярим асрки, тиббиёт деб аталмиш илмнинг заҳматкаш, республикамиз педиатрларининг муносиб саркори, опазонимиз, оналар бахтини муҳофаза қилиб келаяти.



Профессор Саломат Йўлдошева.

Сизга ҳавасим келади. Чунки Сиз билимдонсиз, қолаверса, ажойиб инсонсиз. Мен рус кизиман. Сизнинг бизларга рус тилида бунчалик раво, мазмундор қилиб ўқиган лекцияларингиздан ҳузур қиламан. Устоз, айтнинг-чи, қандай қилиб Сизга ўхшашим мумкин?»

Профессор мамнун жавоб қилди: — Азиз талабам, менинг шахсимга айтилган бу мақтовларни, аввало мен ажойиб, бахтиёр тузумимиз, совет медицинаси шаънига айтилган баҳо десам ўринли бўлади. Рус тилида раво сўзлашим масаласи ҳам шу ажойиб замонамиз, давримиз марҳаматидир. Мени шифокор қилган ҳам, рус тилига ўргатган ҳам жонажон пойтахтимиз Москвадирим, унинг ҳарорати ва саховатидан бир умр миннатдорман...

## Мозий садоси


Бухоро шаҳрининг ғарбида — Свердлов номли канал қурилаётган жойда шаҳардаги 22—23-мактабларнинг ўқитувчилари А. Миллер ва С. Ткачев «вақт кўзгусини» пайқаб қолдилар. Тўғон ётқизиш учун Таҳмачтепадан келтирилган тупроқда нималардир ялтираб

кетди. Мазкур ўлкашунослар ундан ичи тангалар билан тўлдирилган синиқ кўзачани топиб олдилар. Улар ўлжани Бухоро ўлкашунослик музейига келтириб топширдилар. 50 та йирик танга — тетредрахмининг ҳар бирининг оғирлиги 15—16 грамм бўлиб, диаметри 3—3,6 сантиметр эди. Юнон-Бақтрия подшолари номидан зарб этилган бу тангаларнинг кўпи эра-

миздан олдинги 230—200 йилларга тааллуқли. Тангалар эра-миздан илгари II аср ўрталарида кўйилган.

Бухоро ўлкашуносларининг бу ноёб топилмаси олимларимиз учун ўлкамизнинг узоқ ўтмишидаги тарихининг номғалум саҳифаларини аниқлашга имкон беради.

Суратда: Евтидема тетредрахмининг ўнги ва сирти.






Жавлон УМАРБЕКОВ. Комдив Миркомил МИРШАРОПОВ.



Меҳнат дарсида.



Олам гулистон бўлди.



Ғоят узоқ асрларнинг  
гувоҳи бу тоғ,  
Тўлқинланиб, ўйнаб оқар  
дарёдаги сув.  
Дарё ва тоғ — иккиси ҳам  
қиссаси узоқ,  
Сөҳрланиб сўзлашади  
бунда уч сулув...

Назира ЙҮЛДОШЕВА



Деди: «Қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст»,  
Деди: «Рух эрмас эрди таңга пайваст».


Алишер НАВОИЙ

Унутилмас кун.





Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Таваккал ҚОДИРОВ.



Қанду асал узумлар.

# ФУЧИК ЮРГАН ЙЎЛЛАРДАН

Александр Ф И Т Ц, Владимир ЖУРАВЛЕВ

**У**ОЛЛАР чойхонада янгиликлардан гаплашиб, нафис чинни пиелаларда хушбўй кук чойни майда-майда қўллаб ўтиришар эди.

Биз ҳам бир чойнак чой қақирдик. Утириб бир ҳордик чиқарайдик, ахир Шахрихонга озмунча йўл босиб келдикми? Самолётда учдик, машинада юрдик.

— Токшентданмисизлар!— қизикди оқсоқоллар.— Қандай шомол учирди?

Тушунтирдик... Улар хаёлларга берилиб, хотираларини титкилашга тушишди.

Юлиус Фучик Шахрихонга 1934 йилнинг 29 декабрида келган эди. Бу олис районга у ўзининг илтимосига қўра район партия комитети ажратган автомобилда етиб олганди. Йўқса, тупроқли йўл қишки ёғин-сочиндан ёпишқоқ балчиқча айланган, икки гилдиракли ғийқилдоқ арвалар ботиб қолар, юриб бўлмас эди. Автомобиль сирғалиб-сирғалиб елади. Йўлнинг ҳар кими томони бўйлаб сўнгисиз сап-карик сахрога бориб қадалган янги ҳайдалган жигарранг далалар «югуради».

— Утган йили бу майдонлар йўқ эди,— деди Фучикнинг нигоҳини илғаб камтаринлик билан шофёр.— Баҳорда бу ерга канал қазиб келтирдик, сув чиқардик, шудор қилдик, пахта экиб ҳосил олдик. Энди бу баҳорда иккинчи экиш бошланади. Ерни ҳам кўпроқ ўзлаштирамик.

«Мен Шахрихонга борялман,— деб ёзди Юлиус Фучик ўзининг «Фаргона водийси колхозлари бўйлаб» очеркида.— Бу революция давридан кейин бахти қаро, эзилган батракликдан яхши ва озод ер эгалари бўлиб етишган колхозчилар районининг, Фаргона водийсидаги охирик пахта районининг марказидир».

— Фучик? Фучик? Юлиус?— оппоқ соқолларини силаб, чоллар ҳамон хотираларини тиклар эдилар.

— Юнус!— оқсоқоллардан бири ногаҳон қувониб хитоб қилди.— Ҳа, албатта, биламиз... Нега энди... Юнус— бизда уни шундай аташар эди. У эски Кўкон йўлидаги карвонсаройда яшаганди. Менга қаранг, Шўро қишлоғида Усмон ака Гулматов деган одам бор. У бизга ўша чех ҳақида кўп гапириб берарди. Усмон аканинг олдига боришлар.

— Мен Фучикни эслаймайми?— Усмон ака қайта сўради.— Албатта, ёдимда. Худди ҳозирғидай гаплашиб ўтирганимиз. Бир марта эмас. У менга Чехословакиянинг географияси тўғрисида сўзлаб берганди. Бундай юрт борлигини мен ундан эшитганман. Хат-саводсиз эдим у пайтларда, революциягача батраклик қилар эдим. 1934 йил 30 декабрда қандайдир бир иш билан Бухорога бориш учун тайёргарлик қўраётгандим. Жўнамоқчи бўлиб тургандим, бехосдан кўчмаизга бурилган автомобилга кўзим тушди, ортдан мен тўда болалар қиқирган кўйи эргашиб келарди. «Қандайдир каттароқ бошлиқлардан бири келганга ўхшайди, кўриш керак», деган ўйда мен ҳам кўчага чиқдим. Автомобиль тўпа-тўғри уйимизнинг олдида тўхтади. Эшиги очилиб, баланд бўйли бир одам менга қараб юрди, ўша кездеги райком партия секретаримиз Темир Юсупов ҳам машинадан тушди.

Мен русчага мутлақо тушунмасдим, меҳмоннинг ҳамма гапларини ва саволларини менга Юсупов таржима қилиб турди. Фучик ҳамма нарса ҳақида, энг майда нарсаларгача сўради. Сўхбатнинг қизиб кетганидан Бухорога боришни ҳам унутиб юборибман. Ҳа, даровқо... Кейин яна бир марта у билан учрашиб, дала бўйлаб кезиб менга насиб этган. Ер ҳақида, аждодларимиз тўғрисида унга гапириб берганман. У нимаки гапирсанг, жон қулогли билан тинглар, юрагига яқин олиб сўхбатлашар эди. Қисқаси, қизик одам эди, катта-кичик демай, ҳамма билан бирдай гаплашиб, кетаверарди. Шундай одамни унутиб бўладимки! Мен уни болаларимга, невараларимга, чевараларимга ҳаммаша намуна қилиб кўрсатман.

«Ҳозир Шахрихон районинда 137 колхоз бор, фақат пахта экиш учун 1 минг 400 гектар ер ҳайдалиб тайёрланади— деб таъкидлайди Юлиус Фучик.— Ваҳоланки, 1924 йил билан ҳозирнинг ўртасида ўн йиллик қизгин меҳнат ва босмачилар билан қаттиқ жанглар ётди».

Рақамлар. Улар Фучикнинг Урта Осие ҳақидаги ҳар бир очеркида— албатта келтирилади. Биз учун улар— солиштириб кўришимиз учун бой диллий

материаллардир. Масалан, у эслаган ўша 137 колхотив ҳўжалиқдан ҳозир ўн тўртта кудратли колхоз ташкил топган. Бугунги кунда Москва райони 14 минг 750 гектар ерга пахта экади. Биргина «Октябрь» 60 йиллиги» колхозининг ўзида 28 пахта териш машинаси, 110 та трактор, каттагина юк автомобиль парки мавжуд. Қўлбуки, Фучик келган пайтда жами Андижон области бўйича шунча техника йўқ эди. Шахрихоннинг ўзи ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган, кўчалари кенг, замонавий йўлар, истироҳат боғлари, стадионлар қурилган шайхга айланган. Шахрихон пахта тозалаш заводининг шухрати бутун республикага маълум. Пахтазор далаларни эса кўз билан илғаш қийин: кўзда оқишайи пайкалар уфқ ортига ошиб ўтиб, Теркей-Олатов тизмаси томон қўзилди кетади.

Помирга ақл бовар қилмайди... Унинг мана шу ҳайрон қоларли буюклиги ва оқариб қўринган юксак чўққисини, асрлар бўйи инсон қадами тегмаган оқ қасрини, унга кийдирилган бағоят улкан тожик кўрган киши ёқа ушлайди. Жумбоқли ва қадимий «жаҳон томи». Бу томонга йўл йўқ. Мангу музлик ҳамда қор билан қопланган, осмон билан учрашган Ер шу жойда тугайди. Инсон унинг сирларини биллиши, кутилмаган дахшатлар билан яккама-якка олишувда ўзини синаб кўришга жазаси этди, Помирнинг жозибаси кучи ҳам мана шунда...

Балки Фучикни ҳам шу жозибаси кучи тортгандир. Бўлмаса, у Помир тракти бўйлаб Ушдан Хоротгача бемалол бориши мумкин эди, бироқ Фучик анча мушкул йўлни тандади. Унга йўл кўрсатиб борган Ғариб Нажимов шундай хотирлайди:

«...Уч кун узлуқсиз ёлғир ёғди. Чўққиларни қора булут урди олганди. Тинимсиз кучли шомол эсарди. Мен ойна олдида ўлтирган кўйи журобамни (қалин пайпоқ) энди қўлга олгандим, бирдан эшик қаттиқ тақиллаб қолди. Тўғрисики айтсам, хотиним иккала-миз кўриб кетдик. Ахир ҳали ҳам аҳён-аҳёнда қочоқ босмачилар қолдири тўсатдан пайдо бўлиб тўрарди-да. Мен хотинимга ўзимиздан бўлак ҳеч ким билмайдиган ертўлага сездирамай аширинишни буюриб, сўнгра кўнглини ваҳима босган ҳолда эшик-очкичи йўналдим.

— Узимизники! Узимизники!— йўғон овоз эшитилди. Эшикни итариб, таниш чегарачини кўрдим. У тоғ сўқмоқларининг энг билимдонни сифатида мени бошлиқ қақирәтганини айтди.

— Қандай ёрдамим керак?— сўрадим капитан-дан қоровулхонага кирар эканман.

— Мана бу кишини,— у менга стулда ўлтирган одамни кўрсатди,— Н-бўлимасигача кузатиб кўйиш лозим.

Стулда ўлтирган одам муллага ўхшаб кийиниб олганди: бошида салпа, тўни устидан кўк белбоғ бөлгачан, янги махси-қалиш... ва журбола. Бундай пайтда савол берилмайди, мен дарҳол соқилар бўлимаси бошлигининг илтимосини бажаришга розилик бердим. Қоровулхонада менга таниш Зайдулло Ҳакимов деган яна бир киши бор эди. У ҳам тоғ йўлларини яхши биларди. Бизнинг уйга келгач, таниш дўстим у «мулла»ни бизнинг қишлоққа Қалъан Хумбидан бошлаб келәтганигини айтди.

Кечки овқатни еб, йўлга тушдик. Бахтимизга ёлғир тиниб, шомол ётди, осмон ярақлаб очилиб кетди.

Биз жимгина қадам ташлаб борардик. Бу сўқмоқни менадан босма ҳеч ким билмасди. Сўқмоқдан юриш жуда мушкул эди, бироқ бехатар эди— биронта ҳам қароқчи ундан ўтломасди. Бу гапнинг ҳеч ёлғони йўқ. Узингизни тик чўққилар ўртасидаги тубсиз жарлик бўйида ҳис этиб кўринг, сўқмоқнинг бор-йўқ эни уч қафт— салгина бежо ҳаракат бўлса, тубсизлик қаьрига иргитади. Жарликнинг у томони-га ўтиш учун тоғ қобиги ва новдалари билан боғланган фўла ташлаб қўйилган, унинг устига ялпоқ тошлар териб чиқилган. Бу кўприклар қачон ва ким томонидан қурилганини билмайман. Бундан ташқари, у бизни кўзга оладими ё йўқми, буни ҳам билмасдим. Биз Зайдулло иккаламиз эхтиёт чорасини кўриб, салпаларимизни улаб, у билан «мулла»ни боғлаб олдик.

Шундай қилиб, минг бир азобда не-не хавфли жойлардан ўтдик. Албатта, шеригимизнинг жуда қийнаётганигини, тинка-мадори қуриганлигини, зўрга қадам ташлаётганигини сезиб турардик. Лекин бирон марта ҳам унинг йўл азобидан шикоят қилганлигини эшитмадик. Бир марта у сирғалиб

кетди, бир овғи осилиб, Панж қоясидан тушиб кетишига озгина қолди. Унинг қандай қилиб тирмашиб қолганига ҳақиқатча ақлим бовар қилмайди. Ҳаммасидан ҳам мени ҳайратга солган нарса: унинг кўзлариде кўрқинч йўқ эди. Э, қойил! Ҳайратланганимнинг босиси, бундай хавфли чоғда ўз-ўзини бошқаролмай ўлиб кетганларни кўп кўрганман. Шунда Зайдулло иккаламиз биз билан иродаси букилмас инсон борәтганлигини фаҳмладик.

Тонг пайти Яхчисор қишлоғига етиб келдик. Менга таниш муллоим — Жабборниқига кўндик. У бизни нонуштага тақлиф қилди, бироқ биз ҳали дастурхон атрофига жойлашиб бўлмасимиздан бир тўда одамлар уй олдига келиб, бизнинг кимлигимизни ва қаёққа йўл олганлигимизни сурштиришди. Билмайман, қаёқдан бу фикр келди: «Биз билан бирга юрган одам машхур буюрокли мулла, у муқаддас жойга зиярат қилгани борәтир», дедим. Улар ишониди, «мулла»га тазим қилиб, тарқаб кетишди. Қодан кейин тунги чароқни ёзиш мақсадига ётиб дам олишга қарор қилдик. Аммо бир соат ҳам ўтмасдан, Жабборнинг уйини қуролланган оломон ўраб олди ва «мулла»ни уларга топширишимизни талаб қилди. Мен: «Хўрматли меҳмонимиз йўлда қаттиқ чарчаганидан касал бўлиб қолди, иккинчи кундирки, бир оғиз ҳам гапиролмайди», дедим. Улар ўжарлик қилиб, уйга бостириб киришди ва кўрдиларки, «мулла» кўлини кўксига қўйганича хотиржам ухляпти... Бу вақт ичида Зайдулло билан Жаббор қишлоқ бўйлаб муллаи босқинчилар ўлдирмоқчи деган хабар тарқатишди. Одамлар қўлга нимаки тўғри келса олиб, ёрдамга етиб келдилар ва босқинчиларни ҳайдаб солдилар.

Шундай қилиб, бир йўлмдан омон қолдик. Кейин кун бўйи ухлаб, кечаси яна йўлга тушдик. Яқчимёна қишлоғига боргач, Маҳмуд Иброҳим деган бир дўстимизниқига кўноқ бўлдик. Ҳамроҳимиз у ерда помирликлар нонининг қандай тайёрланишини синч-ковлик билан обдон кузатди, уй эгасининг рубоб чалиб айтган ашуласини жон қулогли билан тингладим. Назаримизда у саволлар бергиси келар, аммо иложини топмас эди. Уй эгаси Умар Хайём шерьи эканлигини айтганда, меҳмон бу улуг шойрини билан дегандай бош иргаб жилмайди. Уйогит қишлоғига борганимизда эса ҳамроҳимиз маҳаллий усталарнинг қулоқлилик хўнарига, лоидан идишлар тайёрлашарига жуда ҳам қизикиб қолди. У бундай баланд тоғда арпа ва бугдой етиштирилишини кўриб ҳайратга тушди: ахир, бир парча ерга экин экинча қанчадан-қанча меҳнат машаққатини чекмоқ керак— баланд-пастиқларни текислаб, тошлардан тозаллаб, тоғу тош орасидан ер «тортиб олиш» осмонми!!

Сафаримизнинг ўрталарида «мулла» хавфли жойликлардан ўзи ўтадиган, қадамларини бошқара оладиган бўлиб қолди.

Қалъан Хумбида биз мачитда тунадик. Бу ерда ҳам хатарли вазият туғилди: биз мачитга кирганимизда, номоз ўқийётганларнинг ҳаммаси «мулла»нинг таширғи этишини тазим ила қутиб олдилар. Лекин уларга муллаининг аънаваний қироат билан жавоб бермаганлиги ҳамда номозда иштирок этмаганлиги ғалати туюлиб, ҳаммамни таажублантирди. Биз Зайдулло иккаламиз бирон қор-қол ўз бермаса эди деб, юрагимизни ҳовуллаб турдик. Мулла қаттиқ ҳолдан тойган, бетоб деб одамларга яна ёлғондан тушунтиришга тўғри келди. Хайрият, ҳеч нарса бўлмади.

Биз эрта азонда яна йўлга чиқдик. Тушда чегара бўлимасига етиб бордик. Бизни соқилар тўхтатишди. Мен бошлиқларини қақириб келишларини илтимос қилдим. Бошлиқ келгандан сўнг мулла салпасини ечиб, ундан қозоғ олиб, бўлимиза бошлиғига узатди. Бошлиқ қозонни ўқиб кўргач, дарҳол уни идорига тақлиф қилди. Ҳамроҳимиз улар билан русча гаплашди. У йўл таассуротларини ҳикоя қилиб берар эди шекилли, қулиб, ҳоҳоллаб, умуман, қувноқлик билан сўзлар эди.

Биз билан хайрлаша туриб у хар бириимизни маккам қучоқлади ва қайта-қайта миннатдорчилик билдирди. Чегара бўлимаси бошлиғи тақдим қилган икки буханка нонни олиб, орқага қайтдик.

Бизга мулла жуда ҳам ёқиб қолганди. Бироқ ўша вақтда унинг исми шарфини билмасдик. Анча йил ўтгандан кейин Помир бўйлаб мен бошлаб борган киши Юлиус Фучик эканлигини, у Чехословакиянинг миллий қаҳрамони бўлганлигини айтишди. Шу-шу, ўша сафаримизни эсласам, гурураниб қўяман. Уни ҳеч қачон унутолмайман, бир умр юрагимда сақлаяман.

Дорвоз... Юлиус Фучикни Ғариб Нажимов бошлаб борган бу жой жарлик ва тик қоялардан иборат тоғнинг энг дахшатли райони эди. Ҳозир Дорвозда аввалги кўрқинчли сўқмоқлар йўқ. Унинг ўрнига автомобиль йўллари қурилган. Фучик қадами тексан қишлоқлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган.

Қадимий Дорвоз ерида Қалайқум районидеги энг илгор колхозлардан бири ҳисобланмиш Юлиус Фучик номи колхоз бор. У ерга чехословакиялик азиз меҳмонлар тез-тез келиб туридилар.

Теркей-Олатов тизмасидеги бир чўққи ҳам Юлиус Фучик номи билан аталади. Чўққига Фучикнинг ўлмас сўзалари ёзилган битикнома ўрнатилган: «Одамлар, мен сизларни севардим, хўшёр бўлинглар».



Тошкент шаҳрининг Чимбой кўчасидаги обод хонадонлардан бирида истиқомат қилаётган 120 ёшли Рўқия она Гафурова энг кекса ва пийрибадавлат онахонларимиздандир. У ўтмишда кўп ташвишли кунларни ҳам бошидан кечирган. Совет даврида эса Рўқия она ўз бахтини топди, фарзандлари ували-жували бўлиб камолга етди. Суратда: Рўқия она эвараси Бахтиёр билан.

В. Лешченко фотоси

ходимлари қадимги улкан жонивор суякларини текшираётгани акс эттирилган.

## Целлофан — тошбақалар емиши

Улкан тошбақалар нима сабабдан тобора камайиб кетяпти? Америка олимларининг фикрларига кўра, бунинг сабабларидан бири океан сувининг ҳар хил ташландиқлар билан ифлосланишидандир. Чунки бу баҳайбат жониворлар гоҳо целлофан халтачаларни ўзларининг сеvimли озиқлари — медузалар деб гумон қилиб, ютиб юборадилар. Ҳалок бўлган жониворлар қориндан целлофан халтачалари солинган ҳар хил тугунчалар, қовурилган картошка ва бошқа нарселарнинг топилиши юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Битта тошбақанинг қориндан ҳатто 15 та целлофан халтача топилган.

## Палеолит санъати

Белград шаҳридаги миллий музейда Лепенски Вир қишлоғида ўтказилган археологик

қазилмалар кўргазмаси ташкил этилди. Бу нодир топилмалар орасида ҳайкаллар ва тобуллар, қимматбаҳо ҳассалар, кўз-мунчоқлар, суякдан ясалган сурнайлар, маржонлар ва бош-



қа нарсалар бор. «Югославские новости» газетасининг хабарига кўра, олимлар мазкур топилмаларни эрамиздан олдинги VI—VII асрларга оид деб белгиламоқдалар. «Мутахассисларнинг фикрларига кўра,— деб таъкидлади газета,— Лепенски Вир қишлоғи қадимда палеолит санъатининг ўзига хос асарлари тўпланган манзил бўлган».

## Жажжи станция

Ўзбекистон ва Ҳиндистон олимлари ҳамкорликда 0,5 киловатт қувватга эга бўлган ки-

чик электр станцияси яратишга киришдилар. Аҳоли яшайдиган пунктлардан узоқда ишлаётганларга мўлжалланган бу жажжи иншоот сафарда юрганлар учун ҳам жуда қулайдир. Бир жойдан иккинчи жойга кўчириш осон бўлган бундай электрстанциялар билан қоналарни ёритиш, қудуқлардан сув чиқариш, электр асбобларини, радио аппаратура-ларини энергия билан тўйдирish мумкин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси С. В. Стародубцев номидаги Физика-техника институтида ишланган двигател — қуёш стирлинги бундай электр станцияларни тузишга асос бўлди. Бу иншоот учун водород ёки гелий асосий қувват берувчи кучдир. Қуёш нурлари таъсирида газ кенгайиб, цилиндрга тушади ва поршени ҳаракатга келтиради, шундан кейин газ қайтадан истиқис камерасига ўтади.

Ўзбекистон физикларининг иши ҳинд олимларини қизиқтириб қолди. Улар тажриба сифатида ясалган бу қурилмани ҳамкорликда чорвадорлар, геологлар, археологлар ва саёҳатчилар учун энергия берадиган ишончли ва иқтисодий жиҳатдан қулай манбага айлантиришни тақлиф этдилар. Бхавнагар шаҳридаги йнғма геостат —11 квадрат метрлик кўзгу ҳиндистонлик мутахассисларининг бу борадаги ҳиссасидир.

## Олимларнинг тахмини

«Известия» газетаси ўзининг шу йил август ойи бошларида чиққан сонларида [214—215-сонларида] Буюк Британияда ҳозиргача номаълум турга оид динозавр суякларни топилганлигини маълум қилган эди. Яқинда «Интернэшнл геральд трибюн» газетаси бу ҳақда айрим қўшимча маълумотлар билан бирга улкан жониворнинг тахмин қилинган ташқи кўриниши суратини ҳам босиб чиқарди. Британия палеонтологлари: динозаврнинг вазин икки тонна бўлиб, соатига 30 километр югураолган, деб тахмин қилмоқдалар.



## Асрлар қаъридан

Мехико шаҳрининг метро қурувчилари туннел қазитган пайтларида ер остида мамонт суякларига дуч келдилар. «Дейли уорлд» газетасида босилган мана бу суратда Мексикадаги антропология музейи



Асрлар мубайнида офтобдан ҳимоя воситаларининг турли услублари ва хиллари ишлаб чиқилди, буларнинг айримлари ҳозирги кунда ҳам кенг қўлланилган. Бинобарин, Урта Осиёнинг шаҳарсозлик тарихига назар ташласак, фақат панжаҳа, соябон ва бошқалар жазирама офтобдан ҳимоя воситалари бўлибгина қолмай, балки иншоотларнинг тарҳини тузиш жараёнидаёқ муаммони ҳал этишга катта аҳамият берилганини кўрамиз. Чунки, Самарқанднинг Регистон майдонидagi мадрасалар комплексини куриш жараёнида қуруқ иссиқ иқлим ҳисобга олинган ҳамда мўтадил ва қулай микроиқлимни вужудга келтириш учун ҳовли баланд бинолар билан қурилган.

Тарихан ташкил топиб кенг қўлланилган бундай берк композициядан фойдаланиш ҳозирги замон шаҳарсозлиги учун ҳам аҳамиятлидир. Бироқ ҳозирги замон мейморчилигининг ўзига хос хусусиятлари бўлиши кенг майдонни эгаллаш, кўп қаватлик, конструкцияларнинг ангиллиги, ойналардан кенг фойдаланиш ва бошқа бир қанча хусусиятлар борки, улар мейморлардан иншоот ичкарида мўтадил микроиқлим яратишни, иссиқ офтоб нурларидан саклайдиган янги воситалар ўйлаб топишни талаб қилади. Чунки иссиқ иқлимнинг факторлари (ҳаддан ташқари жазирама қуёш тафти, кум бўронлари, чанг-тўзон ва бошқалар) инсон организмга маълум даражада салбий таъсир кўрсатади.

Маҳаллий иқлим ва табиатнинг ўзига хослиги билан боғлиқ шароитларга эътиборни қаратиш, шаҳарлар ва бинолар қуришда қай таллашга алоҳида аҳамият бериш зарурлиги тўғрисида мийл йил муқаддам Буюк ҳаким ва олим Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонуни» рисоласида бундай деган эди: «Узи учун турар-жой таллаётган ҳар бир киши, у ернинг тўпроқ қатлами таркиби қандайлигига, ернинг баланд-пастлигига, унинг атроф-тевариги очиқ сайхонлик ёки берклигига, у ердаги сув таркиби ва миқдорига, унинг қай даражада очиклиги ёки ташқарига чиққанлиги, ер юзасидан баландда ёки пастда жойлашганлигига эътибор бериши ҳамда уни билиши керак...» Бундан ташқари, Ибн Сино бироқ қуришда ойна-зишқиларнинг шарқ ва шимол тарафга қаратилиши кераклигини, шарқдан эсувчи шамолнинг бироқ ичига кира олиши лозимлигини ҳамда эшик ва ойналар орқали тушадиган қуёш нури хонанинг ҳар бир бурчагига етиб бориши зарурлигини уқтиради. Чунки айнан шу қуёш нури уй ҳавосини соғломлаштиради.

Шу ўринда сервиз республикамиз пойтахти Тошкент шаҳри (СССР)да IV-қурилиш-иқлим зонасига кирадиганнинг асосий иқлимий кўрсаткичларини эслатиб ўтайлик. Тошкент шаҳри денгизи сатҳидан 479 метр баландликда жойлашган бўлиб, куннинг энг исingan даврида ҳарорат плюс 42 (бу йилги ёз шароитида 45—46), энг совуқ ойда эса минус 30 даражага етади. Ҳавонинг нисбий намлиги йилнинг энг иссиқ ойда 27—51 процент, энг совуқ ойда эса 59—76 процент бўлади, шамолнинг ўртача тезлиги секундига 1,3 метрни, қуёшнинг кунлар миқдори 7 кунни ташкил этади. Кўриниб турибдики, Тошкент шаҳрида иссиқ кунларнинг йиллик миқдори кўп. Бу эса ўз навбатида бунёд этилаётган бинолар қурилишида офтобдан ҳимоя воситаларининг кўпроқ қўлланиши тақозо этади. Шунингдек, офтобдан ҳимоя воситаларининг эстетик талабга жавоб бериши ҳам жуда муҳимдир.

Пойтахтимиз мейморлари томонидан ана шу муаммоларни ҳал қилиш йўлида анчагина бой тажриба ўйлади. Хусусан, кейинги 10—15 йил ичида шаҳримизда бунёд этилган тураржой ва жамоат бинолари офтобдан ҳимоя қиладиган турли хил воситалар билан безатилди. Офтобдан осма ҳимоя воситалари, турли хил тарҳларнинг ишлаб чиқилиши миллий мейморчилик аъёналарининг янги

# АНЪАНА ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

## Тошкент шаҳар қурилишида офтобдан ҳимоя қилиш воситалари хусусида

замонавий кўринишига эга бўлиб бораётганлиги шулар жумласидандир. Тошкентни дойиқлаш ва куриш тажрибаси жараёнида ранг-баранг кўринишдаги қуёшқўриқ панжаралар, бошқариладиган осма воситалар кенг қўлланила бошланди. Бино қўтларига нисбатан тўғри жойлаштирилса (ориентация қилинса), офтобдан ҳимоя воситалари қўйишига қайноқ ҳароратини маълум миқдорда тўсди ва хона ичидаги микроиқлимни сезиларли даражада мўтадиллаштиради. Бино асосий ўқининг йўналиши бўйича у ёки бу тарафга 15 даража огдирилса, кўпгина иссиқ иқлимли мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон шароитида қуёш нурининг тўғри тушиши учун қулай жойлаштириш ҳисобланади.

Пойтахтимизнинг В. И. Ленин номидаги майдонида бунёд этилган маъмурий биноларда қўлланилган офтобдан ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш жараёнида худди ана шу принцип асос қилиб олинган. Майдондаги етти қаватли корпуснинг жануб томонга қараган фасадига темир-бетондан ишланган мосламалар мавжуд бўлиб, улар узун горизонтал соябонлар билан даврий суратда кесилмаган вертикал элементларнинг умумлашмасидан иборат. Горизонтал соябонлар қаватлараро ёпиладиган панеллар сатҳи билан мос келиб, иншоотнинг умумий қўзилиб давом этган ҳажмини яққол таъкидлайди. Вертикал соябонлар эса бинонинг кабинетларга бўлиганини ифода этиб, яхлит аниқ ва ягона услубни вужудга келтиради. Бу элементлар гарчи сервикор кўрғани ҳам, нозик нисбатларга эга бўлиши учун ниҳоятда энгиллик ва жозибдорлик кашф этади ҳамда ердан қўтарилган айрисмон устунлар устида аstantи ётган улкан иншоот ҳажмини нафис қилиб кўрсатади.

Йигирма қаватли иккинчи корпуснинг офтобдан ҳимоя воситасида эса горизонтал ва вертикал бўлиналар ўзаро ахши уйғунлаштирилган. Майдон композициясини ташкил этувчи бошқа бинолар ҳамини турли-туман бўлиб, уларнинг офтобдан ҳимоя воситалари ҳам ҳар хил, бирида ястанган давомийлик таъкидланса, ана бирида бинонинг ихчамлиги ва яхлитлиги бурттириб кўрсатилди. «Ўзбек-бирлашув» биносининг осма офтобдан ҳимоя воситалари ўзининг материаллари ва услуби жиҳатидан ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Булар фақат бироқ хоналарининг жойлашишига боғлиқ бўлмай, балки турли мақсадларни мўлжаллаб қурилган

бюклардан иборат комплекснинг кўп функционалигидандир.

Томошахоналар, маданий-маиший корхоналар, рестороан ва кафелардаги офтобдан ҳимоя воситалари агарият эркин шаклдаги кўринишига эга бўлади. Бинобарин, Тошкент Давлат цирки биносиде қўлланган офтобдан ҳимоя воситалари эстетикаси хусусида яхши фикр билдириш мумкин. Цирк томошаларига доимо ҳамроҳ бўлувчи байрамона кайфият бинога яқинлаштириш ўзиде томошабин руҳига кўнади.

Кейинги йилларда шу нарса яққол кўзга ташлана бошладики, офтобдан ҳимоя воситаларининг замонавий нақшкор услубини яратишда архитекторларимиз миллий мейморчилик аъёналарига кўпроқ мурожаат этаётдилар. Бунга мисол тариқасида номи юқорида зикр этилган «Ўзбек-бирлашув» биноси, цирк ва «Ўзбекистон» меҳмонхонаси биноларини келтириш мумкин.

Афсуски, бинолар қурилишида қуруқ, жозибасиз, юзаки турли-туман «ўйноқи» жимжимдор панжаралар билан безаш сингари масалага саёб ва бир ёқлама ёндашиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. Бундай панжараларнинг шакли сохта бўлиб, бинога мажбуран ёпиштирилади. Худди шу таркибда юзани «бўшагга Ленин майдонидеги маъмурий бинони дойиқлаш жараёнида ҳам йўл қўйилган. Бу ерда металлдан ишланган панжаралар дераза рахларига зўрма-зўрма қўндирилган ва улар умуман бинога бегона кўринади.

Яқиндагина Энгельс кўчасида қад кўтарган 2-Давлат Иттифоқ лойиқхалаш институти биносидеги офтобдан ҳимоя воситалари ҳам ўта кўрimsиздир. Бу воситаларнинг қўпол ибтидоий шакли (гарчи унинг асосида аъёнавий миллий нақш элементлари ётса ҳам) бироқ безагига футур етказиши билан бирга иншоотнинг сода кўринишига ҳам зиддир. Бинонинг бош — гарбий юзасига ўрнатилган бу воситалар офтобдан ҳимоя ҳам қила олмайди. Чунки нозик пластинкалардан ташкил топган бу мосламалар қўйишига иссиқ ҳароратини тўсишга қурби етмайди. Натижанда сунъий равишда дарпардалар орқали ҳимояланишга тўғри келади.

Безаида офтобдан ҳимоя воситаларини ўта зич жойлаштириш ҳоллари ҳам учраб туради. Бунда хоналар кераклик нурдан маҳрум бўлиб, табиий ёруғлик етишмай қолади. Тураржой бинолари қурилишида эса бир хилликке йўл қўйилаётган ва уларнинг безаги ҳамда қуёштўсгич-

лари эстетикасига кам эътибор берилмаётган.

Тўғри, иссиқ ҳароратдан ҳимояланиш ва ҳавони мўтадиллаштириш мақсадида техник воситалардан кўпроқ фойдаланилмоқда. Яқиндагина кашф этилган иссиқлик изоляцияси ростланадиган дераза ҳам шулар жумласидан. Яъни уйни ёзда жазирама иссиқдан ҳимоя қилиш ва қишда дераза орқали иссиқликнинг чиқиб кетишини қамайтириш учун дераза ойнасига ички томонидан иссиқликни тўсувчи шаффоф пластмасса варақлари ёпиштирилади. Хоналардаги ҳароратни ростлаш учун ойналардан бундай варақларни осонгина кўчириб олиш мумкин. Уйлаимизки, маъмур техник янгилик тез орада кенг қўлланилади ва улкан саноат қурилиш даврида унинг келажиги порлоқ. Бироқ бари бир улар фақат қўшимча воситалар бўлиб, масалани тўлиқ ҳал эта олмайди. Ҳаттоки, сунъий равишда ҳавоси салқинлаштириладиган биноларда ҳам офтобдан ҳимоя воситалари керак, чунки улар хона ичининг кучли ёритилишининг олдин олади ва қондиционерга тушадиган оғирликни мумкин қадар қамайтиради.

Кейинги йилларда Тошкентдаги қурилишларда офтобдан ҳимоя воситаларининг бошқа турларини қўллаш, хусусан, конструктив-планаштириш усуллари кўпроқ қўлланилмоқда. Асрлар давомида миллий мейморчиликмизда аъёна бўлиб келган услуб — паст қаватли жамоат биноларининг ўртасида ёзги ҳовли мавжудлиги яна қайта «уйғонётди». Қуёштўсқичларнинг аъёнавий услублардан бири бўлган пешайвонлардан ҳам тобора умумий фойдаланилди. Шу йўсинда галерейли тураржойлар, жамоат бинолари оммавийлашди. Бинобарин, ЎзССР Рассомлар союзини кўргазмалар зали пешайвонли биноларнинг яққол намунасида. Навоий ва Ленин проспекти кесишмадан чорраҳада жойлашган Саёдо палатаси биносиде ҳам галерей мавжуд. Бироқ бу ердаги пешайвоннинг композицион тузилиши пухта ҳал этилмаган. Айниқса, устунларнинг қўйишини анча кўпол. Шу хилдаги пешайвонлар кўча юзига яқин қўрилган биноларда кўпроқ қўлланилса, иссиқ иқлимимизга жуда зарур бўлган усти ёпиқ йўлка ҳосил қилиб, миллий мейморчиликмизда аъёнавий ҳисобланган долон сифатида ҳам улардан фойдаланиш мумкин эди. Чунки, Бухоро ва Газалининг бош планида ҳозирнинг ўзиде усти берк қўчалар ва ҳатто майдончалар қурилиши кўзда тутилган. Тошкент шаҳарсозлигиде ҳам шу хил услубларни қўллаш навбатдаги вазифалардан биридир.

Тошкент шаҳри йилдан-йилга ободонлашиб, кундан-кунга чирой очаётган. Қад кўтарётган янги-янги тураржой массивлари шаҳарни тобора кенгайтираётган бўлса, замонавий ва қўркам маъмурий бинолар эса пойтахтимиз кўрмага кўрк қўшмоқда. Лекин жонажон пойтахтимизда қурилётган тураржой, жамоат, маъмурий ва маданий-маиший бинолар, умуман жанубий шаҳарларнинг барча иншоотларидаги жазирама офтобдан ҳимоя воситалари сингари ҳозирги замон мейморчилигидеги асосий муаммолардан биридир.

Архитектураси жиҳатидан турли-туман ишланган, офтобдан ҳимоя воситаларини иншоот композицияси, шаҳарсозлик услублари ва кўналар-зорлаштириш билан уйғун ҳолда қўллаш гўзал Тошкентимиз истиқболиде муҳим ўрин эгаллаши лозим. Қадимий ва ҳақиқат навқирон Тошкентимиз жамолани очиш учун кураш ҳар бир меймор ва бинокорнинг қолаверса, ҳар бир шаҳарликнинг гравданлик, виждоний бурчидир.

Ҳамза УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон ССРда хизмат  
кўрсатган архитектор, архи-  
тектурa кандидати  
Самдурхон АСҚАРХУҲАЕВ,  
меймор

УЛУФ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодиятининг айрим муҳим масалаларини монография йўсинда тадқиқ этилган бир қанча асарлар яратилди. Адабиётшунос Людмила Серикованинг рус тилида босилиб чиққан «Алишер Навоий лирикасида кичик жанрлар (қитъа, рубоий, фард)» рисолида ҳам шулар жумласидандир. Мазкур рисола ўзбек классик адабиёти, хусусан, Алишер Навоий ижодиятининг билимдон, Навоий асарларининг рус тилига таржима қилиниши ҳамда кенг китобхонлар оmmasига етказилишида катта хизматлар кўрсатиб келаятган Л. Н. Серикованинг улуғ шoir лирикаси устида олиб борган кўп йиллик илмий кузатишлари натижасидир.

Рисола икки қисмдан иборат. «Навоий қитъаларининг гоёвий-тематик асослари» деб номланган биринчи қисмда муаллиф ўз эътиборини шoir қитъаларининг ўзига хос жанрий хусусиятлари ва уларнинг Навоий дунёқарашини ўрганишидаги ахамияти каби масалаларни ёритишга қаратади. Тадқиқотчи Алишер Навоий дунёқарашининг баъзи бир энг муҳим томонлари қитъаларда ўзини аниқ ва ихчам бадий ифодасини топганлигини ишонarli далиллар асосида очиб беради. Навоий ижодиятида кенг қўлланилувчи айрим сўфиёна истилоҳлар, шунингдек, «таваққул», «қаноат», «ишқ» каби фалсафий тушунчаларнинг талқини жиддий таҳлил этилади, шoirнинг тасаввуфга нисбатан муайян ахлоқий-эстетик нуқтаи назардан янгича ёндашганлиги қайд қилинади. Навоий қитъаларида ўша даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий муаммолари кўтариб чиқилганлиги ҳамда таъсирчан бадий шаклда ифодаланганлиги ёрқин мисоллар орқали кўрсатилади. Умуман, Навоий қитъалари адабиётшуносликда анча кенг ва атрофли ўрганилган бўлишига қарамай, маз-

кур тадқиқотда масаланинг янги қирраларини очишга ҳаракат қилинган ва бу соҳада маълум муваффақиятларга эришилган. Аммо тадқиқотчи Навоий қитъаларини фалсафий жиҳатдан ўрганишга берилиб кетиб, улар мавзусининг ранг-баранглиги, мазкур асарларда ифода этилган ҳаётий манзаралар, таржимаи ҳолига онд ўринлар ва турмуш тажрибаси асосида юзага келган ҳикматлари, жуда катта амалий ҳамда тарбиявий аҳамиятга моллик кузатишларига эътиборини етарли даражада қаратмайди. Бошқача айтганда, Навоий қитъаларининг гоёвий-тематик жиҳатдан ранг-баранглиги ва кўп қирраллиги масаласи рисолада етарли даражада чуқур ёритилмаган. Шунингдек, тадқиқотчи Навоий қитъаларини Шарқнинг айрим машҳур шoirлари ижодиятида кенг қўлланилган мазкур жанр намуналари, хусусан, арабий ва форсий адабиётда

ўзи каби боблари янги ҳулосаларнинг оригиналлиги билан диққатни жалб этади. Тадқиқотчи «Хазойинул-маоний» ва «Девони Фоний»даги қитъа ва рубоийлар мисолида Навоийнинг бадий усулдан, турли воситалар, стилистик қўрилишлар ва семантик усуллардан фойдаланишидаги маҳоратини таҳлил этади. Навоий фардларига онд боб ҳам илмий жиҳатдан мароқлидир. Муаллиф улуғ шoir фардларининг жанрий белгиларини умуман тўри белгилайди, уларнинг муस्ताқил хусусиятга эгалиги ва ҳикматли фикрлар ифодаси сифатида Навоий лирикасида муҳим ўрин тутишлиги ҳақида диққатга сазовор фикрларни илгари суради. Бироқ, бизнинг фикримизча, тадқиқотчи Навоий фардларининг яна бир энг муҳим хусусиятини назардан четда қолдиради. Яъни, Навоий фардлари ва умуман, Шарқ адабиётидаги фард жанри у ёки бу ижодкорнинг



да ниҳоясига етказилган. Улар шoirнинг «Хазойинул-маоний» лирик куллиёти таркибига кирувчи «Бадойи-мўл-васат» девонидаги 263- ва 623-ғазалларнинг матлавлари бўлиб хизмат қилган. Шуниси диққатга сазоворки, Навоий мазкур фардларни ғазал сифатида давом эттирганда, улар айрим тахрирлар ҳам киритган. Жумладан, иккинчи фардадаги «тутқай» сўзи ғазал вариантда «ўпгай» сўзи билан алмаштирилганки, натижада мазкур байт поэтик мантик жиҳатидан янада мукамаллаштирилган. Бинобарин, муаллифнинг «Навоий фардлари одатда бошқа жанрлар орасига парчалар тарзида киритилмайдиган мустақил миннаторлар (яъни бир байтга мўъжаз шеърый асарлар)дир», деган фикрига қўшилиб бўлмайди.

Тадқиқотнинг айрим ўринларида, айниқса Навоий шеърларидадан келтирилган мисолларда баъзи орфографик нуқсонлар учрайди. Сўзларнинг янглиш ёзилиши (масалан, хуш-хуш (16-бет), пир-бир (17-бет), чоҳ-чоҳ (23-бет), нафас-нафас (31-бет) ва б.) байтлар мазмунининг ўзгаришига олиб келган.

Лекин, умуман олганда, Алишер Навоий даҳосига катта ҳурмат билан ёзилган бу рисола навоийшунослик хазинасидан ўзига муносиб ўрин эгаллайди ҳамда муаллифнинг бу соҳадаги илмий-тадқиқотларини янада кенг қўллада давом эттиришига умидворлик туғдиради.

Шарафиддин ШАРИПОВ,  
филология фанлари кандидати

## НАВОЙИ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Навоийга қадар яратилган қитъалар билан қиёсий-типологик асосда ўрганилганда, ишнинг илмий салмоғи янада ортган бўлур эди.

Тадқиқотнинг иккинчи қисми Навоий лирикасидаги кичик лирик жанрларнинг бадий хусусиятларини таҳлил этишга бағишланади. Масаланинг қўйлиши ва ёритилиши нуқтаи назардан мазкур қисм навоийшуносликда янгилик ҳисобланади. Чунки шу вақтга қадар Навоий лирикаси поэтикасига онд тадқиқотларда шoirнинг бадий маҳорати асосан классик поэтика талаблари асосида тадқиқ этилиб келинар эди. Айниқса китобнинг «Навоий қитъаларида поэтик нуқта», «Навоий рубоийлари тузилиш типларининг айрим хусусиятла-

муайян бир илҳомий ҳолат билан боғлиқ ҳолда шеърый шаклда юзага чиққан шoirнона тафаккури маҳсули эканлигинида. Шoir оний бир лаҳзада кўнглидан кечган муайян шoirнона фикрини фард шаклида қозоғат туширади, у кейинчалик давом эттирилиши ёки эътирилмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳолат Навоий фардлари мисолида ҳам кўринади. Улардан кўпчилиги, тадқиқотчи қайд қилганидек, ўзларининг нисбий мустақиллигини сақлаб қолган бўлса, айримлари кейинчалик бошқа лирик жанрлар шаклида давом эттирилган. Чунончи, Навоийнинг биринчи девони ҳисобланмиши «Бадойи-мўл-бидо» қўлвзмаларида учрайдиган иккита фарди кейинчалик ғазал шакли-

## Нодир қўлёмалар

# САККИЗ ЮЗ ЙИЛЛИК МАНБА

УЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёмалар фондунинг хазиналар денгизи, деб таърифлаш мумкин. Дарҳақиқат, бу ерда тарихимизнинг турли даврларига онд 50 мингдан ортик нодир қўлёмалар тўпланган. Улар орасида Шарқ, шу жумладан, Урта Осиё фан ва маданиятга дахлдор ажойиб китоблар кўп. XII асрда яшаб ижод этган қомусий олим Заҳир ад-дин Абу-л-Ҳасан Зайд ал-Байҳақий (1106—1169)нинг «Татиммат сивон ал-ҳикма» («Ҳикматлар жавоғига қўшимча») асари ана шундай нодир қўлёмалардандир.

Манбаларда «Ибн Фундуқ» номи билан машҳур бўлган Заҳир ад-дин Абу-л-Ҳасан Зайд ал-Байҳақий 1106 йилда Нишопурдаги Байҳақ вилоятининг Сабзавор шаҳрида дунёга келган. Абу-л-Аббос ал-Миклоий (973 йилда вафот этган), Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Майдоний (1127 йилда вафот этган) ва бошқа ўтмишдошларининг тилга доир асарларини ўрган-

ган. 1123 йилда Марва бориб ўз билимларини оширишда давом этган, 1127 йилда она юртига қайтган. Лекин Сабзаворда узоқ турмаган, бир неча ойдан сўнг Рай вилоятларидан бирига сафар қилган ва у ерда арифметика, алгебра ва фалсафа фанлари билан шугулланган. 1135 йили ўз билимларини мустаҳкамлаш мақсадида Сараҳса — Қутб ад-дин Муҳаммад ал-Марвазий (1144 йилда вафот этган) ҳузурига йўл олган. Марвазий билан машгулотларини тугатган, яна Нишопурга қайтган ва умрининг охиригача шу ерда яшаган. 1169 йилда вафот этган.

У 1154 йилга қадар 70 дан ортик асар ёзган. Ушбу асарлар рўйхати шахсан муаллиф томонидан тузилган бўлиб, XII аср биографи Екут ал-Ҳамавийнинг «Муъжам ал-удаб» асари орқали бизгача етиб келган. Кейинроқ, 1167—1168 йилларда у Байҳақ вилоятининг тарихий-биографик тавсифига доир «Байҳақ тарихи» асарини форс тилида ёзди.

«Татиммат сивон ал-ҳикма» Абу Сулаймон ибн Тоҳир ибн Баҳром ас-Сижазийнинг 980 йиллар атрофида

ёзилган «Татиммат сивон ал-ҳикма» асарига қўшимча сифатида ёзилган. Байҳақийнинг мазкур асари 1935 йилда Лаҳорда профессор Муҳаммад Шофи томонидан унинг Берлин ва Истамбулда сақланаётган нусхалари асосида нашр этилган. Ушбу нашрнинг Тошкент қўлёмаси билан солиштириш, Берлин ва Истамбул нусхаларининг тўлиқроқлигини кўрсатиши, яъни асарда баён этилган биографияларнинг сони босма нусхада 111 та бўлган ҳолда, бизнинг қўлёмлада уларнинг сони — 99 та. Лекин Тошкент қўлёмаси ўзининг қадимийлиги билан қимматлидир.

«Татиммат сивон ал-ҳикма» бутун Шарқ олимларининг ҳаёти, ижоди ва уларнинг асарлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Урта Осиёда яшаб, табобат, фалақийет, математика, фалсафа ва филология соҳаларида ижод этган олимлар ҳақидаги маълумотларга асардан алоҳида ўрин ажратилган. Бундан ташқари, Байҳақий олимларнинг устозлари ва шoirдрлари номи ва айрим ҳолларда асарлари рўйхатини ҳам келтирган.

«Татиммат сивон ал-ҳикма»да берилган таржимаи ҳолларнинг батафсиллиги бир хил эмас — айримлари мукамалла, айримлари эса бир-икки сатрдангина берилган. Кўпчича бу тавсифланаётган олимнинг қай даражада машҳурлиги ва аҳамиятлилигига боғлиқдир.

Табийки, Байҳақийнинг мазкур асари қатор нуқсонлардан ҳам холи эмас. Унда ишончли маълумотлар билан бир қаторда, ҳақиқийлиги исбот талаб қиладиган афсонавий материаллар ҳам учрайди. Шунга қарамадан, кўпчича Байҳақий маълумотлари бизгача етиб келмаган манбаларга асосланганлиги билан

Урта Осиё маданияти тарихини ўрганишда муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

«Татиммат сивон ал-ҳикма» Урта Осиёда яшаб ижод этган ёки бошқа мамлакатлардан бу ерга келиб қолган ўттизга яқин адабиётчи, файласуф, табиб, математик ва мунажжимларнинг таржимаи ҳолларини ўз ичига олган. Қуйида уларнинг айримлари ҳақида фикр юритамиз.

IX аср йирик олимларидан марвалик — Али ибн Раббон ат-Табарийдир (6—7-бет). Байҳақий ёзишича, у 808 йилда туғилган. Унинг отаси ҳам марвалик бўлиб, табиб, мунажжим, математик ва файласуф эди. Дарвоқе, бу маълумот Урта Осиёда, жумладан, Марвада VIII асрда табобат фанининг мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Ибн Раббон ҳинд табобати анъаналари билан яхши таниш эди. Унинг асарларидан Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарини ёзишда фойдаланганлиги бунинг тасдиғидир. Ибн Раббоннинг тўққизта асари номи машҳур бўлиб, «Ҳикматлар жаннатини», «Соғлиқни сақлашга доир», «Овқатланиш тартибига доир» асарлари шулар жумласидан. Ибн Раббоннинг асосий асари унинг «Ҳикматлар жаннатидир». Ҳозир ушбу асарнинг иккита қўлёмаса нусхаси мавжуд бўлиб, бири Британия музейида, иккинчиси Берлиндадир.

X—XI асрларга мансуб Урта Осиё табарларидан Абу-л-Ҳайр ал-Ҳасан ибн Бобо ибн Беҳном ҳақидаги маълумотлар ҳам жуда қимматли (8—

Бу ерда ва бундан кейин қавс ичида «Татиммат сивон ал-ҳикма» асарининг Тошкент қўлёмаси саҳифаларига илова берилди.



Узум.

Е. Ботиров фотозюди



Тошкент район «УзССР 50 йиллиги» колхозининг бригадаси бошлиги Эътиборхон Ирсибекова.

Н. Мухаммаджонов фотоси

10-бет). У «Ибн ал-Хаммор» номи билан машхур бўлиб, 942 йилда туғилган. Ибн ал-Хаммор — табиб, табиатшунос, филолог, юнон ва сурия тилларининг моҳир билимдони, Берунийнинг Хоразмдаги замондоши ва касбдоши эди. Берунийнинг айтишича, Ибн ал-Хаммор суриялик олим Атоюс ал-Амидийнинг асарини араб тилига таржима қилган.

Байҳақийнинг хабар беришича, Ибн Сино Ибн ал-Хаммор ижодини юқори баҳолаган. Ибн ал-Хаммор Бағдодда туғилган. Кейинчалик Хоразмшоҳ Маъмуни ибн Муҳаммад уни Хоразмга олиб келган. Олимнинг «Табибларни синаш» асари шу Хоразмшоҳга бағишланган. Ибн ал-Хамморнинг ўн бетга яқин табобат, фалакиёт ва фалсафага оид асарларининг номи маълум бўлиб, «Инсоннинг яратилиши ва унинг аъзоларининг тuzилиши», «Кексаларнинг овқатланиш тартиби», «Материя ҳақида» шулар жумласидандир.

Урта Осиё табобати тарихини ўрганишда Байҳақийнинг Абу Сахл Исо ибн Йахйо ал-Масихий (28—29-бет) ҳақидаги маълумоти катта аҳамиятга эгадир. Ал-Масихий Ибн Синонинг устози, Берунийнинг дўсти эди. У тахминан 970 йилда Гурганджада туғилган бўлиб, Бағдодда тахсил кўрган. Кейинчалик у Хоразмга келиб, бир қанча вақт Хоразмшоҳ Маъмуни ибн Маъмуни саройида хизматда бўлган. Унинг қатор асарлари шу Хоразмшоҳга бағишланган. Масихийнинг асосий асарларидан — «Умумий тиббиёт», «Тиббиёт санъатининг 100 та масаласи», «Тиббиёт ҳақидаги фан», «Тиббиёт асослари», «Чечак ҳақида мақола» ва бошқалардир. Масихий математика, фалакиёт ва фиология соҳаларида ҳам унумли

ишлаган, бу фанларга оид қатор асарлар ёзган.

Байҳақийнинг «Татиммат сивон ал-ҳикма» асари Ибн Сино биографиясини ўрганишда энг яхши ва энг қадимги манбалардан биридир. Мазкур асар маълумотлари ҳақиқатга яқинлиги билан бошқа манбалардан ажралиб туради. Байҳақий Ибн Сино онаси ва укасининг номини, устозларидан бирининг номини, унинг шогирдлари номларини келтиради. Мазкур кўлэзма Ибн Сино асарлари рўйхати энг тўлиқ бўлган манбалардан саналади: унда 104 та асар рўйхати берилган. Шуниси аҳамиятга сазоворки, Байҳақий рўйхатда келтирилган ҳар бир асар номига қисқача тушунтириш бериб, у ёки бу китобнинг қаерда, кимда ва қачон кўрганлиги ҳақида маълумот келтиради. Ниҳоят, Байҳақий Ибн Синонинг туғилган ва вафот этган йили ҳақида аниқ хронологик кўрсатма беради.

Байҳақийнинг Абу Наср ал-Форобий (7—9-бет) ва Абу Райҳон Беруний (21—22-бет) ҳақида келтирган маълумотлари афсонавий характерга эгадир. Лекин Байҳақий уларнинг бизгача етиб келмаган манбалардан олинган айрим ҳикматли ибораларини келтиради. Беруний ҳақидаги яна бир қимматли маълумот шуки, Байҳақий ўз вақтида олимнинг дастхатларини кўрганлигини айтиб ўтади.

XI аср Урта Осиё табобати тарихини ўрганишда хуросонлик Абд ар-Раҳмон ибн Али Абу Содик ал-Мута-таббӣ (36—37-бет) ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. У тиббиёт ва фалсафа фанлари билан кенг шугулланиб, Ибн Сино билан яқин муносабатда бўлган ва унда тахсил кўрган. Байҳақий унинг тиббиётга оид икки асари: «Хунайн саволларининг шарҳи», «Ибн Раббон-

нинг «Ҳикматлар жаннати» асарининг шарҳини зикр этади. Бундан ташқари, Байҳақий унинг ҳикматли сўзларидан намуналар келтирган: «Ҳақиқий табиб ўзининг юксак қобилияти ила доволайди ва ёмон одатларни ўзига эп кўрмаган ҳолда инсонларни доволашга отланади. Уз виждонини пок этмасдан инсонларни доволашга отланган табиб — бу энг қабиҳ табибдир».

Фикримизча, фақат Байҳақийнинг мазкур асари орқалигина йirik маралик мунажжим Баҳо ад-дин Абу Муҳаммад Абд ал-Жаббор ал-Ҳарақий (1138 йилда вафот этган) ҳаётининг сўнгги йилларида Хоразмда яшаганлиги ҳақида маълумот оламини (42-бет). Ал-Ҳарақийнинг куйидаги тўрт асари бизга маълум: «Фалакларни тақсимлашда идрокнинг чегараси», «Фалак илмига доир назария», «Кун ботиш ҳақида рисола» ва «Ҳисоб ҳақида тўлиқ рисола».

Байҳақийнинг шахсан ўзи учратган замондошлари тўғрисида, келтирган маълумотлари ҳам диққатга сазовор. Бу маълумотларнинг деярли ҳаммаси ноёб бўлиб, XII аср илм ва маданиятини ўрганишда катта аҳамиятга эга. XII асрда Урта Осиё ўлкаларида яшаб, ижод этган олимлар борасидаги маълумотлар фақатгина Байҳақийнинг мазкур асарида сақланиб қолган, дейиш мумкин.

Урта Осиёда Али ибн Муҳаммад ал-Коини (51—52-бет) исмли олим ўтгани ҳақидаги маълумот ҳам худди шу асрда мавжуд. Бу олим бир

неча йил Байҳақиде яшаган. У ўз асарларидан бирини Хоразмшоҳ Оғсиз ибн Муҳаммадга бағишлаган — эҳтимол, кейинчалик Хоразмда яшагандир. Ал-Коини 90 йил умр кўрган ва 1151 йилда вафот этган. Байҳақийнинг айтишича, ал-Коини Умар Хайёмнинг шогирди эди. Бу факт ҳам Коинининг Урта Осиёга тааллуқли бўлганлигининг яна бир исботидир. Байҳақий таъкидлашчи, ал-Коини таниқли табиб бўлган ва бу соҳада қатор асарлар яратган.

Байҳақий машхур қомусий олим Маҳмуд ал-Хоразмийнинг (44-бет) таржимаи ҳолини ҳам баён этади. Байҳақий у билан 1125 йилда Марвада учрашганлигини эслаб ўтади. Афсуски, Байҳақий унинг асарлари номларини келтирмаган.

XII асрда яшаган олимлардан яна иккитаси — Абд ар-Раҳмон ал-Хозин (44-бет) ва Исмоил ал-Ҳасан ал-Журжоний (59—60-бет) ҳақидаги Байҳақий маълумотлари қисқа бўлса ҳам маълум даражада аҳамиятга молик. Улардан ал-Хозин етук мунажжим, математик, физик ва «Ҳикматлар мезони» китобининг муаллифидир. Ал-Журжоний эса, Байҳақий сўзича, табиб бўлиб, табобатга оид бир қанча асарлар ёзган. Журжоний асарларини кўпчилиги Хоразмда ёзилган. Байҳақий унинг Хоразмшоҳ Оғсиз ибн Муҳаммад саройига яқин бўлганлигини ёзади. Байҳақий Журжоний асарларининг тўлиқ рўйхатини келтирган. Бунда бошқа манбаларда учрамайдиган тўрт асари номи мавжуд: «Шоҳона табобат», «Кун ва тун режими» шулар жумласидандир.

**Бориа ВАҲОБОВА,**

филология фанлари кандидати,  
УзССР ФА Шарқшунослик  
институтини ўлий ходими

<sup>1</sup> Бу асарнинг форс тилига таржимаси Шарқшунослик институти Кўлэзма фондиде сақланмоқда, мазкур кўлэзма ҳақида қаранг: «Улистон» журнали, 1983 йил, 1-сон.

## МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Буюк олим, машҳур математик ва астроном Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмиёнинг табиий-илмий фаолияти, у яратган нихоятда қимматли асарлар жаҳон фанининг ривожланишига, ўрта асрлар ва ундан сўнгги даврларда яшаган кўплаб олимлар ижодида самарали таъсир кўрсатди. Бизгача етиб келган ва фан тарихида алоҳида ўрин тутган бешта асарининг ўзбек ал-Хоразмиё номи фан оламида мангуликка қолдирди, илгор ижтимоий-фалсафий тафаккурга кенг йўл очди. Унинг алгебра, арифметика, астрономия ва географияга доир бу асарлари асрлар мобайнида шу соҳалар билан шуғулланган заҳматқаш олимлар учун асосий қўлланма бўлиб келди. Олимнинг «Ал-жабр вал-муқобала» («Тиклаш ва қиёслаш») асари Шарқда алгебра бўйича яратилган биринчи китоб ва шу фанининг илк асосидир. Унинг математикага доир «Ҳисоб ал-ҳинд» («Ҳинд арифметикаси ҳақидаги китоби») асари ҳам жуда қимматли бўлиб, у Европада арифметиканинг ривожланишига туртки бўлди. Олим ўз кузатишлари асосида ва ҳиндларнинг астрономия жадвалларини танқидий таҳлил қилиш асосида ёзган ва «Зижи Хоразмиё» ёки «Қисқарган Синдхинд» («Янги астрономик жадваллар») деб аталган ҳамда тригонометрик функциялар ифодаланган асари ҳам асрлар давомида олимларнинг эътиборини тортиб келмоқда. Хоразмиёнинг кўп йиллик тегиришлари ва кузатиш ишларининг натижаси бўлиши «Китобу сурат ал-арз» («Ернинг сурати») рисолиси Шарқда география бўйича яратилган махсус асардир. Бу асар Шарқ ва Ғарб мамлакатларида география фани тараққиётига катта таъсир кўрсатди, шу соҳанинг тадқиқотчилари учун дастуриламал бўлди. Алломанинг «Ал-жабр вал-муқобала» асари эса Шарқ мамлакатларида, кейинчалик Урта аср Европасида алгебра фанининг ривожланишига бошланғич асос бўлиб хизмат қилди.

Абу Комил Қаражи, Абу Райҳон Беруний, Умар Ҳайём, Жамшид Коший ва Урта аср Шарқнинг бошқа машҳур олимлари Хоразмиёнинг ана

шу асарини ўрганиб унга суюнган ҳолда унинг, тўрттинчи ва ундан ортиқ даржалли тенгламаларини ечиш усулларини ишлаб чиқдилар.

«Ал-жабр вал-муқобала» асари назарий ва амалий қисмдан иборат. Амалий қисмда турли турмуш-ҳўжалик, савдо ва ҳуқуқий масалаларда алгебра методларини қўллаш тартиблари ва янги алгебрлик усул баён қилинади.

Амалий арифметика бўйича Урта асрларда яратилган асарларда хронологик нуқтани назардан ҳам, фанинг янада ривожланишига таъсир кўрсатиши жиҳатидан ҳам Хоразмиёнинг «Ҳисоб ал-ҳинд» рисолисининг аҳамияти алоҳида таъкидланади. Ри-сола ноль қўлланидиган ўн позициялик санок системасининг оммалашти-лувида муҳим аҳамият касб этди. Бу система номерланиши бошқа системаларидан афзаллиги билан математикларнинг эътиборини ўзига тортиди. Таниқли хоразмиёшунос оlima Галина Павловна Матвиевскаянинг таъкидлашича, алломанинг мазкур асари фақат Шарқдагина эмас, балки Европада ҳам ўн позициялик санок системасининг қўлланишини таъминлаган, «Ҳисоб ал-ҳинд» асари XII асрда лотин тилига таржима қилиниб, ундан Европа олимлари фойдаланганлар.

Берунийшуносларнинг таъкидлаш-ларича, Беруний Шарқ астрономлари ва математикларининг асарларидан фойдаланишда энг аввал Хоразмиё меросини обдан ўрганган. У ўз асар-ларида буюк олим номини қайта-қайта эсга олади. Сирдан қараганда, Беруний Хоразмиёнинг алгебрага доир рисолисига алоҳида эътибор бермагандек туюлади, лекин «Гео-дезия» асари муаллифининг мазкур рисолини жуда яхши билгани ва чуқур ўрганганини яққол кўрсатиб туради. Асарининг шаҳарлар коорди-натларидан масофаларини айирish ҳақидаги қисмида Беруний ҳиндлар-нинг шу масалага доир қондаларини тушунтирар экан, бу тўғрисида Хораз-миё «Зижи Синдхиндий» ҳамда «Ал-жабр вал-муқобала» номли китобла-рида жуда яхши фикрлар билдирган-ини уқтиради. (Абу Райҳон Беруний т. III, Ҷан, 1966, 222-бет).

Беруний асарларида Хоразмиё-нинг арифметикага доир рисолиси ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Лекин ҳурматли олимимиз П. Булгаков кўрсатиб ўтганидек, номерланиши ўн позициялик системасини оммалашти-ришда Хоразмиёнинг дастлабки из-дошларидан бўлганини тасдиқловчи фактлар Беруний мазкур рисолини чуқур ўзлаштирганини яққол кўрсат-тади.

Беруний фаолиятининг асосий со-ҳаси астрономия ва у билан боғлиқ геометрия ҳамда тригонометриядан иборат бўлган. У ўз асарларида Хо-размиёнинг астрономияга оид илмий меросини, хусусан, «Қисқарган Син-дхинд» асарини кўп марта эслайди. «Хиндистон» китобида эса ҳинд олимларининг Ер ва ёритқиларнинг катталиги ҳамда улар орасидаги ма-софалар тўғрисидаги тасаввурларини тушунтирар экан, шундай деб ёзади: «Уларнинг усули «Қҳандақҳаджа» ва «Қаранасора» асарларида бор. Бу хил ҳисоблашлар ал-Хоразмиё зижда-да ҳам бор. «Қҳандақҳаджа»даги соя диаметрини ҳисоблаш ҳам ал-Хоразмиё зижидигидедекдир».

Хоразмиёнинг «Китобу сурат ал-арз» асари ҳам илмий ва амалий жиҳатдан алоҳида диққатга лойиқ-дир. Урта асрларда яшаб иқсод эт-ган жуда кўп олимлар бу китоб орқали фақат тасвирий география бўйича эмас, балки картография ва

бу фанининг бошқа қисмлари бўйича ҳам анча бой материалларга эга бўлганлар. Олим мазкур асарни яра-тишдаги машаққатли меҳнати билан иқлимларни кенглик даражаларига бўлишда ва асарга илова қилинган хариталарни тузишда ажойиб ориги-налликка эришган. Хоразмиёнинг му-ҳим хизматларидан яна бири Поле-мей томонидан йўл қўйилган хатони, яъни Урта дөнгиз сатҳининг нотўғри белгиланганини ва шу сабабли гео-график узунликларнинг номувоиди-лигини аниқлашдан иборат бўлди. Беруний ҳам Птолемейга ҳеқисз ҳур-мат-эҳтиром билдирган ҳолда Хо-размиёнинг асаридаги материаллар-ни тўғри деб ҳисоблади. Бу асар, академик С. Сироқиддинов ва оlima Г. Матвиевская таъкидлаганларидек, Урта асрлардаги ва Яқин Шарқ мамлакатларининг географлариға го-яат кучли ижобий таъсир кўрсатди.

Хоразмиё ўша даврда мусулмон олимларининг маркази бўлган Бағдодда яшаган пайтда халифа Маъмуи са-роийда ташкил этилган «Байт ал-ҳик-ма» («Донишмандлар уйи»)да олим-лар, таржимонлар ва котибларға раҳ-барлик қилганидек, Беруний ҳам ўз даврда Маъмуи академиясини бош-қарган. Демак, бу борада ҳам Хо-размиё аъёнларининг давом эттир-ган. Атоқли олим С. П. Толстов таъ-кидлаганидек: «Оралари қарийб икки асрли бир давр билан ақратилган икки буюк хоразмиёлик олим — Бе-руний ва Муҳаммад ибн Мусо Хораз-миё ўз илмий образларининг ўхша-лиги билан кишини ҳайратда қолди-ради. Ҳар икки олим ҳам астроном ва математикдирлар. Уларнинг ҳар иккови ҳам математика ва тасвирий географияни ўрганишга катта аҳа-мият берадилар. Хоразмиё ва Бе-руний араб фанининг эмас, балки Хо-разм фанининг ривожланиш тарихи-даги буюк сиймодирлар» («Вестник АН СССР», 1949 йил, 2-сон).

Хоразмиёнинг асарларини ўз да-врида машҳур олимлардан Форобий, Ибн Сино, Умар Ҳайём ва бошқалар чуқур ўрганганлар. Масалан, Форобий Урта аср математикасининг гео-метрия, оптика ва бошқа қисмларини қисқача таърифлар экан, сонлар билан ишланшини Хоразмиё кашф эт-ган усулларига алоҳида эътибор бе-ради ва уларни тўлдиришга ҳаракат қилади.

Хоразмиёнинг қимматли асарлари ва уларда олға сурилган илгор го-ялар кўплар қатори Улуғбек мадраса-сининг энг йirik олимларидан Жам-шид Коший ижодиға ҳам катта ижо-бий таъсир кўрсатган. Унинг ана шу таъсир остида яратган «Мифтоҳ ал-ҳисоб» («Арифметика калити») деган оригинал асари ўзига ҳос хусусия-тларга эга бўлиб, у Урта асрда ёзил-ган математикага доир асарлардан фарқ қилган ҳолда арифметика, ал-гебра, геометрия, тригонометрия ва олий математика элементларини ўз ичига олади. Асарнинг муҳимлиги яна шундаки, унда Хоразмиёнинг арифметикага доир рисолисида ифо-даланган ҳисоблашнинг ўн позиция-лик системаси асосида вужудға келган ўнли каср ҳақидаги таълимот батаф-сил баён қилинган. Математика тарихи бўйича ихтисослашган совет олимлари А. П. Ушкович ва Б. А. Розенфельднинг таъкидлашларича ҳам Кошийнинг «Мифтоҳ ал-ҳисоб» асари ўз даврининг элементар мате-матика қомусидир.

Хоразмиё фақат математика ва астрономия соҳасидаги эмас, балки география, тарих ҳамда фанининг бошқа соҳаларидаги улкан хизматла-ри билан маданият тарихига муносиб ҳисса қўшди.

Буюк ватандошимиз таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан унинг бой ва серқирра илмий мероси олимларимиз томонидан янада чу-қурроқ таҳлил қилинди, ижодий ме-роси ҳаққоний баҳоланди. Унинг ўл-мас меросини ўқиб-ўрганиб илм со-ҳиб бўлган авлодлар камол топди-лар.

**Зумрад НУРИДДИНОВА,**  
педагогика фанлари кандидати



## НОНВОЙ

Чори ҲАМРО

Эсон ака ўғлининг интилишидан хурсанд бўлса ҳам бирдангина: «Роз-ман, ўғлим, боравер! демади. Икки ҳиссиётини яшириб, ўғли Усмоннинг гапларини совуқлик билан тинг-лаб турди-да, кейин:

— Нонвойлик мўтабар касблги-ни мен ҳам тушунман, ўғлим! — де-ди. Гапнинг очиги, у ўғлининг нон-войликни удалаб кета олмиш, иш масъулиятини тушунишга тўлиқ ишонмасди. Шу боисдан тушунти-риш, нон деган мўтабар ризқни эъзозлашни уқтиришқон эди. Эсон аканинг ўзи узоқ йиллар Қарши ша-ҳар алоқа бўлими идорасида ишла-ди, сўнгра қариллик пенсиясига чиқ-ди. Ҳозир эса эл ичида эътибор топган меҳнат ветеранларидан. У — ҳаётининг аччиқ-чучугини кўп тотган, тажрибали отахон.

— Нонвой бўладиган одам пок-за, лафзи ҳалол, номининг увоғини ҳам қадрлайдиган бўлиши керак, ўғлим! — дея сўзини давом эттирди Эсон ака. — Майли, ўғлим, иштиёқинг бўлса, ҳаракат қилиб кўр...

Усмон ўша кундан эътиборан нон пишириш ҳеҳида ишлаб бошлади. Мана, нонвойлар қўли-қўлига тегмас-дан ишлашяпти. Усмон дастлабки соатларда бир чекада уларнинг ишини зийдан кузатарди. Улар ха-мир қорар, уни қопилларға жоилар, зувала узиб, печкаларға битталаб те-риб чиқар эдилар. Бора-бора Усмон ҳам ишға киришиб кетди. У тажри-бали нонвойлардан сўраб ўрганиб, уларға шогирд тушиб, бу ишда кўзи пиши. Нонвойликка ҳаваси, иштиёқ баландлигидан қисқа вақтда бу мў-табар касбни пухта эгаллаб олди. Бу орада кечки ёшлар мактабини ҳамда қисқа кунлиқ яна курсини ҳам таъом-лади. Кейин эса икки йиллик ҳарбий хизматда бўлиб келди. У Армиядан қайтиб, яна Қарши шаҳар нон комби-натига ишлаб бошлади. Тиришқоқли-ги туйғайли цех мастери даражасига етди, номи мўтабар йиғинларда айтиладиган бўлди.

Бир кун шаҳардаги ўрта мактаб-ларнинг ўқувчилари ўқитувчилар бошчилигида нон комбинатига экс-курсияға келдилар. Усмоннинг сме-наси эди ўшанда. Ўқувчиларни ҳеҳа бошлаб кириб, болаларни у ерда бажариладиган ишлар, номини тақри-лаш жараёнлари билан таништирди. У ўқувчиларни атайин синаб ҳам қўрди:


— Элеваторни кўрганмисизлар!

— Ҳа, кўрганмиз, — дейишди ўқу-вчилар.

— Мана энди, ўша кўрганларинг — бугўдйнинг ундан қандай қилиб нон тайёрлангани билан танишасизлар... Маълумки, мамлакатимизнинг ҳамма жойида Озик-овқат қораммасини бажариш учун кўзгин ҳаракат кетаб-тир. Сизлар ҳам ўз кўли билан бунга ҳисса қўшишларингиз му-лки, — дея ваъзин гапирарди цех мастери. — Қогоз, темир-терасак йиқ-қандек нон ушқларини, ошхона чи-қитларини ва бошқа озик-овқат қол-диқларини йиғиб, ердამчи ҳўжалик-ларға топширишда ҳам ташаббус кўрсатсаларингиз, айни мудоао бў-ларди...

Қарши шаҳар Нон комбинатининг ердამчи ҳўжалиги учун Усмон Эсо-нов сингари ватанпарвар ишчилар жоңқуярлик қилмоқдалар. Улар ўрта-чи ёшларни номини қадрлашға ўрга-тишда, уларда меҳнатни улуглаш қайфиятини ўйотишда алоҳида та-шкilotчилик кўрсатмоқдалар.

Қарши



Ал-Хоразмиё ҳайкали (архитек-торлар С. Одилов ва Р. Немировский).

# Шеъриният шайғоси

ҲИКОЯ

Сабихбейларнинг уйда эрта билан кутилмаганда қий-чув кўтарилди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса. Негаки буларнинг тотув турмушига ҳамманинг ҳаваси келарди...

Сабихбей бир кўли билан пижамасининг шимини чангаллаганича кўчага отилиб чиқди. Орқасидан ҳавода аёлларнинг бир пой шиппаги кўринди. Сабихбей жон ҳолатда атрофга аланглаб олгач, уйимиз томонга юрди. Эшик очик бўлса керак, останада ғойиб бўлди. Ҳаммасини

партияга ўтовсангиз борми, пичоғингиз мой устида бўлади.

— Э, гап ундамас, биродар,— деди у хомуш тортиб.— Хотин олишни менга ким қўювди. Узим мулла миркуруқ бўлсам... Кўнгилининг кўчаси экан-да. Лекин, сирасини айтганда, жудааям, миркуруқ эмасман. Худо берган зўр ҳунарим бор— шеър ўқишни қотирвораман. Энг кўҳна шоирлардан тортиб то ҳозиргиларигача— баридан биламан. Шеърхонликда олдинга тушадигани йўқ.

Жон фидолиғ қилсам айб бўлурми, шакар сўзлимиз?

«Нимага айб бўларкан?!» деб чинқирганича ўзини кучоғимга отса бўладими. Оғушдан аранг қутулганман ўшанда.

Шундан кейин ўзим ўйланиб қолдим: шеърга ишқивоз, нозик таъб киз экан, бундан дурустроғини тополмасам ҳам керак. Мабодо топилсам, менга тегмаслиги мумкин. Хуллас, афандим, ўша кизга ўйландим. Бунақа аёлни ҳали учратмаган эдим! Шеър ўқисам, симобдай эриб кетади-я. На қорни очлиғиу на чанқагани эсига келади. Менга ўхшаган ночор эр учун атайлаб яратиб қўйилгандай. Шеърхонлик оқшомдан тонггача давом этади. «Уни олиб беринг, бун олиб беринг», деган гапни билмайди боққиб. Нон-туз билан шеър бўлса бас унга. Минг қатла шуқр, бунисига қурбимиз этади.

— Уйда ёлғиз зерикиб кетдим, меҳмон чақирсакимин,— деб қолди бир куни. Дарҳол қироатга тушдим:

— Ёлвориб сендан сўрарман,  
дилда гусса беҳисоб,  
Бир ошиёнга симагай икки  
меҳмон, моҳитоб...

— Ҳа, тўғри, уйимиз тор,— деган жавобни олдим.


Бир пайт сабҳатдан оғиз очувди, икки мисра шеър билан мот қилиб ташладим. Хотин киши эмасми, яна бир куни кўнгли атр-упани тусаб қолди. Бунгаям бошлаб жавобини берган эдим, буюрган нарсаси муҳайё бўлгандай миннатдорчилик билдириб ҳам қўйди... Ҳаво совуқ. Осмондан паға-паға қор ёғади. Икковимиз уйда дағ-дағ титрашиб ўтирибмиз. Уни шеър билан овутаман... Яна бир куни кечқурун, уйимизда сиқонлар ҳасса таъниб қолган экан, Фикратни ёрдамга чақирдим:

— Оч қолдик, илож қанча,  
фарзандлар, бу кун,  
Сиз инонинг сўзима, эртамиз  
гулгун...

Бир пайт уст-бошимни пуллаб қарзамини тўладим. Хуноб бўлиб ўтирган эдим, хотин пайпоқча пул сўраб қолди. Қаердасан, Урхон Вали!

— Пулим бўлса сотармидам,  
Қаҳваранг либосимини.  
Кўчаларга чиқмасидим,  
Янгротиб шўх созимини.

Турмушимиз ширин эди, ҳа. Бора-бора қироат қила бошлашим билан бечора кўзини сузиб, кап-кап оғиз очадиган, ўзини билмай қоладиган ҳолатга тушиб қолди. Сирасини айтганда, бейафандим, бизга ўхшаган ночор эркакларга муносиб аёл эди-да. Лекин нима бўлдию, хонимга кўз тегди— унга шеър таъсир қилмай қўйди. Мингир-мингир гаплар бошланди. «Бас қил», десам, қилмайди. Бора-бора қўл кўтарадиган одат ҳам чиқариб олди. Инсофга келтирай, деб бирор шеърдан бошласам, қўлига илинган нарсани менга қараб отадиган бўлиб қолди. Оташқурак су-



пурги, шиппак... Бугун ҳам шундай бўлди. Энди оғиз жуфтлаганимни биламан, бошлади тўполонни. Бир амаллаб кўчага қочиб чиқдим. Қимматчилик бошга битган бало бўлди, афандим. Унга ҳеч қандай шеър бас келолмас экан.

— Гапигиз тўғри,— дедим.— Лекин, биласизми, шеъриният қандайдир романтик руҳ бор. Шунга кўра ҳозир у анча эскириб қолди. Одамларни чалғитиш учун турли ваъзалардан фойдаланадиган бўлиб қолишди. Сиз ҳам бир синаб кўринг-а, зора хонимингиз инсофга келиб қолса...

— Эҳ, қанийди. Аммо-лекин бирортаям ваъз билмайман-да.

— Газеталарни ўқинг, бейафандим. Ҳаммаси сиёсий ваъзаларга тўла. Сабихбей миннатдорчилик билдириб, уйига югуриб кетди.

Мана энди ҳар куни эрта билан кўшимнинг уйдан сиёсий ваъзалар билан гулдурос қарсақ овозлари эшитиладиган бўлиб қолди.

Туркчадан  
Миад ҲАҚИМОВ  
таржимаси

1 2 Турк шоирлари.

— Отам етиштирган тарвузлар.

Н. Муҳаммадқонов  
фотоэюди



Расмини Н. ИБРОҲИМОВ чизган

деразадан кузатиб турибман. Дадамнинг эса булардан хабари йўқ. Қарийб ўн йилчадан бери девор-дармиён кўшимизу, лекин Сабихбей уйимизга бирор марта қадам босганини билмайман. Ҳатто кўча-куйдаям сўрашмайди. Шу важданим, дадамнинг унга сираям хуши йўқ.

Каллаи саҳарда сериямоқ аделга ўралиб, овғида бир пой шиппак билан гезариб турган Сабихбейни кўрибқоқ дадамники тутди:

— Нечук, хўш, хизмат!  
Хотинининг чангалидан бир амаллаб кутулиб қолгани шундоққина кўриниб турибди. Дадамнинг саволи Улганнинг устига чиқиб тепгандай бўлди. Боққинининг тили айланмай қолди.

— Марҳамат қилинг, Сабихбей,— деб бир стакан муздай сув узатдим. Сувни сипқориб, ташаккур айтди-да, шалооп этиб ўзини курсига ташлади.

— Сираям косам оқармаслигини билардим ўзим,— деди у алам билан.

— Мухолиф партияга аъзосиз-да, шунинг учун,— эътироз билдирдим унга.— Агар ҳоқимият тепасидаги

— Назар теккан экан-да...  
— Лаббай?  
— Яъни шеър ўқишга уста экансиз-да?

— Мен сизга айтсам, бундаям бир сеҳр бор. Мана, жониворларни олиб кўринг, эрқаги бир нимаси билан қарши жинсда рағбат қўзғатади. Хўрознинг ялтироқ патларию чўгдай ловуллаб турган тожини кўрганда товуқ оромини йўқотади. Буқадаги бақуват шохлар сигирни йўлга солиб туради. Одамзотнинг эрқагида эса ё мол-дунё, ё мартаба, ё илм бўлиши керак. Аёллар шулардан бирига учади. Тўғрими гапим?

— Муллақо тўғри, бейафандим.  
— Ухшатмасдан учратмас, деганлари рост экан. Шеър бошласам, завқи тошиб кетадиган бир нозанинга дуч келдим. Ҳозирги жуфти ҳалолим ўша бўлади. Эҳ-ҳа, ўша готли дамлар қани энди... Бир жуфт газал билан кўзи илинардди. Биласизми, илк бор учрашган кунимиз бир байт ўқиганим ҳали-ҳали эсимда:

Бир қарашда банди этдинг, ёраб,  
моҳи юзлимиз,

Чоққина ҳовли. Эшик ёнида тўн устидан белини боғлаб олган кишилар гапнинг қиёфада турибдилар. Бир четда марҳумнинг ўғли Турсунбой дастурмоли билан кўз ёшларини артиб хаёп сўради. Худди шу пайт унинг ёнига маҳалла активларидан Бегмат келади.

Бегмат. Менга қара, Турсунбой, таъзияга одам тўпланапти, ҳаракатинг қил. Дўхтур билан ЗАГС справкасини ким тўрилайпти?

Турсунбой. Поччам тўғриламакчи эдилар...

Бегмат. Қабристонга хабар берилганими?

Турсунбой. Солижон кетган. Бегмат. Хўш, бу ишлар битибди. Ҳасолни айтиб келдим. Унга эллик сўм тайёрлаб қўй. Дарвоқе, дастурмолга неча сўмдан тугмақчисан?

Турсунбой. Жаноза ўқийдиган кишига бериладиган пулни айтмасми?

Бегмат. Уларники алоҳида бўлади, мен бошқа нарсани айтаялман. Сен бу таомилни билмаслигинг мумкин. Қулоқ сол: таъзияга келган ҳар бир кишига дастурмолга битта нон билан пул тугиб берилган. Марҳумнинг ҳурмати бу.

Турсунбой. Келганларнинг ҳаммасига бериладими?

Бегмат. Бировага бериб, бировга бермасанг, қуруқ қолганлар хафа бўлади. Ундан кейин, пул таъзияга келганларнинг ёшига, обрў-эътиборига қараб тугилади. Баъзи жойларда ўн сўмдан туғишади, сен беш сўмдан оширмасанг ҳам бўлади.

Турсунбой. Икки юз сўм пулим бор, холос.

Бегмат. Ана холос! Таъзияга кам деганда икки юз одам келади. Урта ҳисоб билан уч сўмдан ҳисоблаганимизда ҳам олти юз сўм бўлади. Буларнинг ҳаммаси марҳум даданнинг ҳурмати учун қилинади. Обрў кетмасин, ука, поччанга айт, дарров минг сўм топиб берсин.

[Турсунбой маънос қичиб кетади.]

### ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Турсунбойнинг поччаси Болтабойнинг уйи. Болтабой хонтахта ёнида чўрт ўтирибди, унинг ёнига хотини Ойниса қўйишгади.

Ойниса. Дадан раҳматлининг ҳурматино роса жойига қўйдик... Дадаси... Яхши ҳам боқиб қўйган танани сўйганимиз. Бироқ шунча оватлар қилиб кетди-да. Қозон тепасига бориб қарасам, шўрваннинг учдан бири ҳам кетмабди, ариққа тўкдик. Хирмондай уюлиб ётган нон бурдаларини кўриб, хўрлигим келди.

Болтабой. Ҳа, жуда исрофгар-

# УЙ СОТИЛАДИГАН БЎЛДИ

ИНТЕРМЕДИЯ

Элбек МУСАЕВ

чилик бўлди. Бу ёқда бўлса, менинг ишим хуржун.

Ойниса. Нима, укам топиб берсинми уша пулни?

Болтабой. Узингни бос, мен маслаҳат солаялман.

Ойниса. Бошимизга қандай кун тушганини билишади-ку, ахир.

Болтабой. Билганда, билмаганда—давлатнинг пули. Хўп, бунисини ошна-оғайни қилиб бир амаллармиз. Ҳали олданда маъракалари кўп.

Ойниса. Бўлди, бир тийинингиз ҳам керак эмас... Бор бисотиамни сотсам ҳам дадамнинг маъракаларини ўзим ўтказаман... [йиғлайди].

Болтабой. Ёмон одатинг борда. Сен уша кун қаттиқ турганинга тана сўйилмас эди. Қаерда бор бу одат, қабристондан қайтганларга таъзиянага оват егани келадими?! Уша кетган ғулларга отанга ёлгорлик ўрнатасан хотирасини ҳурмат қилган бўламиз. Тананга бундай ўйлаб бўлмай, биз ҳам жўжабурдек жон бўлсак, дўкон давлатники, менинг шахсий мўлкам эмас.

Ойниса. Бўпти, билганингизни қилинг.

### УЧИНЧИ КҮРИНИШ

Турсунбойнинг уйи. Хонтахта атрофида Сувои, Бегмат ва бошқалар ўтирибди.

Биринчи киши. Барака топсин Турсунбой, асл ота ўғил экан, дафн маросимини жуда яхши ўтказди, ҳаммаёқ мўл-қўл...

Иккинчи киши. Бир оз ошириб юбордингиз. Дастурмолга уч сўмдан тугди. Холдорни қаранг, қарияларга ўн сўмдан, ҳатто йигирма беш сўмдан тугди, деб айтишди. Ҳиммат деб мана бунга айтилади!

Сувои. Ҳар ким қилса, ўзи учун қилади. Холдорбекнинг бели бакуват, Турсунбой армиядан келди. Шундай бўлса ҳам...

Бегмат. Армиядан ақинда қайтган бўлса, опаси бор, поччаси бор. Поччаси жуда ичидан пишган одам, томса лаяйман дейдиганлардан. Қани, мана бундай ўтир-чи, Турсунбой, амалларинг шу ердалида маслаҳатлашиб олайлик. Йигирми қайси кунга мўлжаллаялсан?

Иккинчи киши. Аввал кейинги пайшанбакини гаплашиб олаймизми, Бегмат ака?

Сувои. Ҳа, ҳали ўртада яна бит-

та пайшанба бор. Менимча, пайшанбани ўтказиб, йигирми ақшанбага белгилавириш керак. Дам олмиш кунни яхши, кўпчилик бўш бўлади.

Турсунбой. Кейинги ҳафтада ҳам пайшанбаки қилиш керакми?

Биринчи киши. Ие, ундан олдин келадиган ақшанба-чи! Унда ҳам озгина ис-пис чиқарилмаса яхши бўлмайди. Ота-боболардан қолган таомил бу, қилмасанг, эл-юртдан гап-сўзга қолсан.

Турсунбой. Пайшанба билан ақшанбакини ораси яқин бўлгани учун, икковини қўшиб юбора қолсак, қандай бўларкин?

Бегмат. Шунча одам ишдан қилиб сенга маслаҳат берамиз, деб ўтирибмиз-да. Даданнинг уч-тўрт маъракаси қолди, холос. Қиладиганингни шу пайтда қилиб қол. Даданг иккинчи марта дунёга қайтиб келмайди.

Бегмат. Хўш, энди, бўлмасан, йигирмини гаплашиб олайлик. Ҳама нарсани тайёрлаб қўйганимсан? Ниманг бор, ниманг йўқ?

Турсунбой. Ҳаммасини тайёрлаб қўйганман. Магазиндан 8—10 кило гўшт олсак бўлди.

Сувои. Сен у оламан, бу оламан демасдан, йигирмага нималар керак, қайси нарсадан қанча олай, деб сўрагин биздан. 50 кило гурuch дамланса, камлик қилмасмикин, мулла Бегмат?

Бегмат. 15—20 кило гуручининг фаркига бормаслик керак, етмай қолгани ёмон. 70 кило дамланса, ёмон бўлмайди. Шунда ҳам эл қатори, ўртамайна бўлиб ўтади.

Сувои. Хўш, демак, гуруч етмиш кило, қолган масалликлар ҳам шунга қараб бўлади. Битта қўй етармикан?

Бегмат. Қўй яхшию, лекин жониворнинг гўшти беварака бўлади, ошда титилиб кетади. Яхшиси тана олган маъқул. Уттиз кило пахта мойи оласан. Ҳозир пишқиқилик пайти, дастурхонни мева-чева билан тўлатиб ташлайсан.

Иккинчи киши. Беш-ўн кило думба ёғ бўлмаса бўлмайди.

Бегмат. Жуда тўғри. Нима дейсан бу маслаҳатга, Турсунбой?

Турсунбой. Маслаҳат... яхши... Бегмат ака, йигирми кичикроқ ки-

либ ўтказасан бўлмасмикин?!. Йилликларини катароқ қилиб ўтказармиз...

Бегмат. Менга қолса, қилмасанг ҳам майли! Яна қайтариб айтаман, ниманки қилсанг, ҳаммасини отанг учун, отангнинг хотираси-ҳурмати учун қилсан. Пулинг бўлмаса, ошна-оғайнидан минг, икки минг қарз ол.

Сувои. Эшитган қулоққа яхши эмас, укам, одамлар нима дейди!

Турсунбой. Маслаҳатларинг учун раҳмат. Лекин мен дадамга тўй бераётганим йўқ... Аҳволимни бошқалардан кўра сизлар яхши биласизлар... унча-муна бори ҳам кетди.

Сувои. Менга қара, Турсунбой, поччандан, ошна-оғайнидан сўрагинг келмаётган экан, ҳоқлининг ярмини сотиб қўқолсанг нима қилади!

Турсунбой. Бу гапни ҳозирга қўйиб турайлик. Бир иложини топарман.

Биринчи киши. Бегмат ака, йигирма ўтиши билан уч кундан кейин рўза бошланади, ифторлик маласини ҳам гаплашиб олинса, ёмон бўлмасди.

Бегмат. Аввал бунисини ўтказиб олайлик, ифторликни рўзада гаплашамиз.

Шу пайт Турсунбойнинг опаси йиғлаб қириб кетади.

Ойниса. Вой укажон, расво бўлди, дадамнинг ўлими етмагандай, бу кўргилик ҳам бор экан.

Турсунбой. Нима гап ўзи?

Ойниса. Расво бўлди, укажон, расво бўлди. Поччангнинг ревизия Босди, уч минг сўм камомат чиқипти, қамаб қўйса нима қиламан энди, укажон... бешта жиянинг бор, ахир...

Турсунбой. Поччам қаердалар?

Ойниса. Уйдадар, эртага соат учгача муҳлат берипти, топиб жойига қўймасалар, олиб кетишар экан. Маъракаларни бунчалик катта қилиб нима қилардинг, укажон?

Турсунбой. Бўлди, опажон, йигир-сиги билан иш битмайди ҳозир. Мен шу бугунроқ уч минг сўмин етказаман поччамга.

Ойниса. Вой! Қаердан олсанг? Пулинг бўлса, ишлатмасидинг ўзини?

Турсунбой. Бунисини кейин айтман, опа, сиз ўнча бороверинг, ҳозир поччамга далга беринг.

Ойниса. Укам шўрлик, кимга саргайиб борасан энди?

Турсунбой. Ҳеч кимга саргаймайман. Кейин айтман дедим-ку сизга. Бўпти, борақолинг.

Ойниса йиғлаб қириб кетади.

Турсунбой деворда осилган даданинг расмига қараб кияди.

Турсунбой. Кечиринг, дадажон, ҳаммасига мен айбдорман. Ёшлик қилдим. Бу қийин аҳволдан бизни ҳали ҳам ўзингиз қутқарасиз, сиз солиб кетган уй қутқаради.

Омон, Саттор, Дўстбойлар мактабдан қайтишгаётганди. Мактаб дарвозасига яқинлашганда Омоннинг кўзи йўл чекасига ётган нон бурдасига тушиб ва бир зум тўхтаб қолди.

—Нега имиллайсан, тезроқ юрсанг-чи, стадионда бугун зўр ўйин бўлади,—деди Саттор.—Колхозизмининг командаси ҳам ёмон эмаску-я, лекин «Мингбулоқ» совхозининг командаси роса ўйнайди-да. Эртарақ бориб, олдинроқдан жой олмасан, футболни кўриб бўладими! Мана кўрасан, стадион ҳам тўлиб бўлганлар.

Омон унинг гапига эътибор бермади-да, энгашиб нон бурдасини ердан олди. У нонни пуфлаб-пуфлаб, чангдан тозалади. Бундоқ қараса, тупроқ орасида яна нон ушоқлари ётибди. Уларни ҳам олиш ниятида қаддини янаям буккан эди кўзойнаги ерга тушиб, бир кўзи ойнаси «чирс» этиб синди. Омон шошилиб кўзойнагини олди. Кўзойнақнинг чап кўзи ўртасидан синган эди.

—Узингни ўтга-чўққа ураверма деб сенга минг мартаба айтман. Энди кўзойнақсиз шапкўр бўлиб юрасанми?—деб ачтди Дўстбой. Омон унга тазна билан тикилди-да,

## Нон ушоғи

Ҳамид БАДАЛОВ

кафтидаги нон ушоқларини қорозга, кўзойнақни эса қўлурмоқчасига ўраб чўнтагига қўйди. У уйига хафа қайтиб келди.

—Ичкарига кириб, чойингни ичиб ола қол, узум ҳам юшиб қўйганман,—деди онаси.

Омон дастурхон ёнига ўтираркан, кўзойнаги ва нон ушоқлари ёнига тушиб, чўнтагини ушлаб қўйди. Она қалби сезгир бўлади.

—Болажоним, хафа кўринсан, ё бирон жойинг оғрияптими!—дея меҳрибонлик билан сўради онаси. Омон индамади.

—Айта қол, болам, нима бўлди? —Кўзойнагимни... синдириб қўйдим.

—А!.. Нимага синдириб, ё болалар билан уришингми?

—Йўқ... уриганим йўқ. Нон ушоғи йўлда ётган экан, териб оламан деб энгашган эдим, ерга тушиб кетди.

Онаси бир зум жим қолди. Кейин фарзандининг қилган ишидан хурсанд бўлди.

—Ерда ётган нон ушоғини териб олиб, жуда яхши иш қилибсан. Хафа бўлма, болам, кўзойнақ топилади, даданг бошқасини олиб беради.

Эртасига Омон мактабга кўзойнақсиз борди. Уқиш ва ёзишда анча қийналди, лекин чидаш берди.

Дарсдан кейин мактабда пионер линейкаси бўлди. Линейка давом этаётган пайтда мактаб қоровули Бобоқул ака келиб, бош пионервожатий Муяссар опанинг қулоғига бир нималарни пичирлади. Бир оздан кейин Бобоқул акага сўз берилди. У бир зум болаларга разм солиб турди-да:

—Болаларим,—деб сўз бошлади,—кеча сизлар мактабдан ўйланингизга кетаётган пайтларингизда мен дарвоза ёнида ўтиргандим. Ораларингизда турган ўртоқларингиздан

## Болаларга ўқиб беринг

биттаси ерда ётган нон бурдасини, ушоғини оламан деб кўзойнақини синдириб қўйди. Кўзойнағи синиб қолгани учун ўша бола ҳозир жуда қийнаётган бўлса керак. Бироқ оёқ остида хор бўлиб ётган нон ушоқларини териб олиб, яхши иш қилди. Уша бола—яхши тарбия кўрган одобли ўғлон экан...

Шу пайт Дўстбой ер остидан Омонга қараб қўйди. Омон эса хижолат чеккандек, уялиққираб турарди.

—Болажонларим, парталарингнинг тағига, деразалар олдига нон бурдаларини ташлаб кетманлар,—дея бобо сўзида давом этди.—Нонни эъзозлаш керак. Ноннинг ушоғи ҳам нон. Шунинг учун айтманки, кеча ўша бола жуда улуғ иш қилди. Нонни ардоқлаган одамнинг ўзи ҳам ардоқли бўлади...

Бобо сўзлар экан, Дўстбой негадир тобора ўнғайсиланар, ора-сира ҳавас қилгандек, Омонга қараб-қараб кўр эди.

Денов

## ДОСТОНДАН ПАРЧА

Қизилқум кишиларин ўтли, чўғли сўзидан  
Қалбим тошқин дарёдай тўлқинланиб кетганда,  
Нигоҳимга қадалган меҳр тўла кўзидан  
Умиримга татиғулик туйғуни ҳис этганда,  
Юрагим тўлиб сени куйлай дедим, ҳарорат,  
Одамларга шу ҳақда сўйлай дедим, ҳарорат.

Кўрдим, эритар улар ҳар қандай қаттиқ тошни,  
Озгина назаридан эрийди муз юрак ҳам.  
Табиат қалбларига беркитганми қуёшни,  
Улар-ла ўз-ўзидан яшнаб кетади олам.  
Юлдуз бўлиб ёрқин нур сочадилар оламга,  
Қийин дамда сўзлари мадад бўлар одамга.

Офтоб янглиғ ҳар қачон эзулиқни ўйлайди,  
Нигоҳинга жаҳонни этмоқчи бўлади кенг.  
Сенинг учун сарф этган қалб кучига куймайди,  
Бир қарин гўдакни ҳам санайди ўзига тенг.  
Обёққа турғунингча аямайди қўрини,  
Иккиланмай беради юрагининг тўрини.

Шу қадар сеҳрлики улар қўлининг қафти,  
Қўйсас бўрон кулатган бир кўчани кўтариб,  
Жонига малҳам бўлиб қўлининг иссиқ тафти,  
Оддий чўп ҳам ҳеч сўзсиз дарҳол кетар кўкариб.  
Бу қудрат қаршисидан тилим керахт, дилим лол,  
Дилимда неки орзу, тўкиб оғим бемалол.

Қўлим етмаса ҳамки, нуқул оғим ўйлайман,  
Само юлдузларини кўрмоқ бўламан ерда.  
Одамлар дилидаги ҳароратни куйлайман,  
Ҳарорат, суратингни чизмоқ бўламан шеърда.



## ҚОШ БИЛАН КЎЗДЕК...

Сўрадинг сен мендан бир анжуманда:  
«Сўзлай оласанми русча суханда?»

Ўзбеги рус тили қош билан кўздек,  
Рус тилини билмас, ҳўш, қайси ўзбек?

Унга муҳаббатим оламча қалбада,  
У мени олам-ла боғлаган ҳалқа.

Шундай мўъжизакор сирли чашма ул,  
Унинг билан барча муродим ҳосил.

Жаҳон тиллари-ку турфа-турфа, лек  
Барчаси у билан ака-укадек.

Қўллаб-қувватлашар доим бир-бирин,  
Билсанг, бунда ажиб бир сир яширин.

Юлдуздай чарақларкан қалбларида зиё,  
Борлиқни кузатаман ич-ичдан қилиб ҳузур.

Меҳрингизни ҳис этиб, юртдошларим —  
Сизларнинг,

Жонимга югуради Қизилқум жазираси.  
Маликчўлни тандирдай қиздираётган сингари,  
Қизғиш тортиб борадир дафтарим саҳифаси.  
Юрагимда бир достон — ҳарорат эрур номи,  
Кўзимга кўча бошлар Қизилқум чўғдай ёниб.

О, Маликчўл, Маликчўл, боболарим ўтган юрт,  
Сени кўнглимдагидай менга куйлай олур ким?



Сенинг қиссаларинг-ку ўзинг каби беҳудуд,  
Сув дея ҳансирайсан кун тигида ёниб жим.  
Бир кун сув ичмасам мен лабларим тамом  
қакрар,

Сен-чи, қанча ою-кун яшайсан сувсиз қатнаб.

Шу ўт оғушда юрган олоқалб онажоним,  
Бу оташни меҳрга йўйганингни эслайман.  
Юрагимга энг яқин офтобқалб жонажоним,  
Бу ўтга ўта ихлоос қўйганингни эслайман.  
Эслайман, сен шафақдан учқун терган чоқларни,  
Сезаман юрагимда сен ёққан чироқларни.

### II

Хусусан, Қизилқумнинг бу йилги саратони,  
Қизғиш ер қиздирилган дошқозонга ўхшайди.  
Саҳронинг қоқ куксидан кесиб ўтган дарёнинг  
Бўйларига қўй-қўзи кезиб чимдир ўтларни.  
Хуллас, Қизилқумнинг ҳам ўз буюк ҳаёти бор,  
Қизилқум чўпонларини телидан тушмас алёр.

Аллома Навоийнинг икки сатрига ўхшаб,  
Лоладай ёлқинланар менинг онажон шахрим.  
Чўлнинг ўт пурқабётган саратонини ҳўплаб,  
Сингдираётган сингари юрагимга қалб тафтин,  
Устознинг газалидай тугён солар ҳарорат,  
Қалбимни шахрим бўлиб қамраб олар ҳарорат.

Ҳар бирин бир олам жозибаси бор,  
Ҳар бири шарқона сўлим бир ашёр.

Тиллар гарчи лойиқ ташаккуримга,  
Ўз тилим қалитдир тавақкуримга.

Кўҳна Шарқ тарихи ёдимга тушгай,  
Навоий таърифи ёдимга тушгай.

Толиқмас, журъатли бир қушга ўхшаб,  
Севгида Раъною Кумушга ўхшаб.

Тинглаб юракларим нурга тўлади,  
Ва дунё китобин битсам бўлади.

Гурур билан дейман: ўзбек — ўз тилим,  
Уруш, разолатнинг йўлини тўс, тилим!

Онажоним менга алла айтган тил,  
Жони-дилим билан сўйганим кўнгли.

Сени ажнабийча бузиб айтса ким,  
Ушангадир менинг нафратим, қаҳрим.

### II

Беш қитъа тўпланган бу анжуманда  
Сўзлайман ўзбекча, русча суханда.

Айтман қай боғдан чечак тераман,  
Нечун икки тилда сўзлаб келаман!

Сенинг жасоратингни қай ранг билан тасвирлай,  
Ҳарорат йиғувчи эй, менинг Бободоҳжоним.  
Олис-олис элларга нур улашмоқ тақдирдай,  
Саҳардан то шомгача қуёш тигида ёниб,  
Ишлайсан обдон қатнаб, офтоб ҳам  
келолмас биз,  
Саратоннинг олови сенга ҳеч писанд эмас.

### III

Журъатингиз севаман, сизнинг, теримчи қизлар,  
Қуёшнинг бир парчаси бўлиб чекасиз заҳмат.  
Менинг юлдузли дунём, жоним-жаҳоним, сизлар,  
Инсонга меҳр-ку бу сизлардаги билмас ҳад.  
Юрагимни қиздирар қалбингиздаги машъал,  
Жон ўтга туташадир сизни куйлаган маҳал.

Қалбингизнинг бир кичик парчаси ахир Газли,  
Парчаки, оловида исинар бутун жаҳон.  
Кичкина жуссангизга бу ўт кўплик қилмасми,  
Шафақ бўлиб ёнасиз, омон-омон, ал-омон!  
Юрагимга кўчган бир кичиккина учқундан  
Бор вужудим нур бўлиб юлдузга учаяпман.

### IV

Илк муҳаббат, бу сенинг сирли кашфингмикан ё,  
Сен кирдингу қалбимга ўтда беомон ендим.  
Ушбу жайронқўз бола менинг бахтиммикан, о,  
Илохий қудрат асли ишқ, десалар ишондим,  
Жонимни олов бўлиб ендирдинг-ку, муҳаббат,  
Учмас ёнгин ичинда қолдирдинг-ку, муҳаббат!

### V

Дунё, сени шуларсиз қила олман тасаввур,  
Дунё, сенинг юрагинг абадий совумасин.  
Ҳар дилбандинг меҳрли бўлмоқликка қорлаб тур,  
Ҳар дилбандинг қалбидан ҳарорат ловулласин.  
Ота дунё, оташ юрт, бир дилбандинг бўламан,  
Юрагим ҳароратин, олгин, сенга бераман!



Тинглаб туриб барча шод бўлиб кетсин,  
Ўзбеги рус тилим ёд бўлиб кетсин.

Тиллар шу хил аҳил давом этса гар  
Коммунизм бўлишлиги муқаррар!

\* \* \*

Ишқинг офтоб бўлиб қуйлатар мени,  
Сирли китоб бўлиб ўйлатар мени.  
Сеҳрли тонг бўлиб ўйготар мени,  
Юрак нидонг бўлиб сўйлатар мени.

Қалбимга киргансан ўчмас ўт бўлиб,  
Кўринадан ёруғ бир юлдуз бўлиб,  
Дунё ташвишлари ҳам унут бўлиб,  
Даврасига юлдуз, ой тортар мени.

Сенга-ку қалбимни ёра билмасман,  
Лекин ортиндан ҳам қола билмасман.  
Эй севгим, мен сендан тона билмасман,  
Севарман жонимга шафқат қилмасдан,  
Қонимда муҳаббат, ишқ оқар менинг.

Жунун саҳросида қолгайман абад,  
Қўйингда ўйларга толгайман абад.  
Бағринга ҳаяжон солгайман абад,  
Кўзинг қаросида ёнгайман абад,  
Жонимда муҳаббат ўт ёнар менинг!

Темур Норбекнинг «Ой тўлишганда» тўпلامидан шоирнинг кейинги йилларда ёзилган бир қанча шеърлари ва инқилоб фидойилари ҳаётига бағишланган балладаси ўрин олган. Автор ўз лирик шеърларида ҳаёт, гўзаллик, ёшлик, баҳор, муҳаббат, меҳнат, Ватан, давримиз шарофати ҳақида кўйлашга ҳаракат қилади. «Манзара» шеърда муаллифнинг мавзуну янгилаш талқини этишга, фикрини янги воситалар ёрдамида пўнда, ихчам шаклда ва ўзига хос йўсинда баён этишга интилганлиги кўринади.

Халқ кўшиқлари йўлида ёзилган «Қишлоқ йўли чангида» шеъри ҳам «Манзара» сингари тўпلامнинг гоёвий-бадий салоҳиятини оширган. Романтик ҳисларга бой бу шеърдан қалбимизга бардамлик эпкинни эсгандай бўлади, хотирамизда туғилиб ўсган сеvimли жойларимизнинг ажойиб манзараларини тиклайди ва унга бўлган муҳаббатимизни янада оширади. Бундай ҳаётли манзаралар, ёрқин, нафис образлар, бадий бўёқлар асосида яратилган асарлар сирасига «Дарахлар — она Ер панжалари», «Келаётган келин — баҳор», «Далаларни куйлатмоқда олов — саратон», «Оқшомада жиринглаб қолса телефон» мисралари билан бошланган лирик миниатюраларини ва «Кўёш», «Китоб — чашма» каби

шеърларини ҳам киритиш мумкин. «Дарахлар» деб бошланувчи шеърда шоир ёзади: Дарахлар — она-Ер панжалари, Панжаларда олмуруд, оли... Биз она-Ер ҳаёлидамиз, Бизда эрур ўнинг хабли, Бахт, толемиз — она-Еримиз, Биз ҳам унга гурур ва толе. Кафтларидеа ризку рўзимиз, Кафтимизда унинг иқболи.

Тўпلامда фалсафий руҳдаги шеърлар ҳам мавжуд. Бундай шеърларда муаллиф ҳаёт, инсон, ўтмиш, бугун, келажак, шеърят, гўзаллик ҳақидаги ўз қарашларини ифода этишга уринади. Айрим шеърларида ўзи мақсадига эришади ҳам. Шу жиҳатдан олиб қараганда, унинг «Имтиҳон», «Сўқмоқлар», «Акс садо», «Момо Киш» каби шеърлари диққатга лойиқ. Масалан, унинг «Имтиҳон» ва «Сўқмоқлар» шеърларида ҳаётнинг инсон олдига қўйган талаблари ва бунинг учун курашиш лозимлиги публицистик тарзда баён этилса, «Шаршара», «Акс-садо», «Қайғим», «Денгиз» каби шеърларда эса муаллиф мазкур фикрини рамзий образлар ва воситалар ёрдамида ифода қилишга интилади.

Дидактик характердаги «Бобо Кейфий дейдиларки...», «Тут ва тол» шеърлари, «Булбул ва Майна» масали, «Рўбарў» радибли газали, «Инқилоб қалдирғочи» балладаси ва тўртликлари кун сайин шоирнинг турли шеърйи шакллардан фойдаланиши учун изланаётганлигидан гувоҳлик беради.



Шунингдек, тўпلامдан ўрин олган «Бухоро сатрлари» туркуми орасида ҳам умид уйғотувчи шеърлар бор. Шоир Бухоро мавзунини ифодалашда ўтмиш билан бугунни қиёслайди ва ҳар бир масалага ўз муносабатини билдиради. Бу усул шеърятда янгилик бўлмаса-да, мақсадни очинишга хизмат қилади. «Мирараб мадраса», «Табобат шоҳи», «Минора» каби шеърлар фикримиз тасдиғидир. Шоирнинг ютуғи шундаки, у мазкур шеърларида Минора, мадраса, Арк, Абу Али ибн Синони таърифлаш билан чегараланиб қолмасдан, балки шулар баҳонасида ҳаёт, Ватан, умр, бунёдкорлик, илму ҳунар, бугун ва келажак ҳақида фикр юритади.

«Ой тўлишганда» тўплами борасида айтиб ўтилган фазилатлар Темур Норбекнинг ўз устида ишлаётганлигидан далолатдир. Бироқ бундан китоб камчиликлардан холи экан, деган бир ёқлама хулосага келмаслик керак. Ёш шоирнинг қадамба-қадам бартараф этиб бориши лозим бўлган камчилик-

лар тўпلامдан анчагина топилади. Биз уларнинг айримлари хусусида мулоҳаза юритамиз. Тўпلامдаги шеърлар мавзунинг торлиги, айрим мавзуларни ишлашда автор маҳоратининг етишмаслиги, таҳрирга муҳтож шеърларнинг учраб туриши, бир неча шеърда бир мавзу ва гошинг такрорланиши, тил ва услуб жиҳатидан оқшас каби ҳоллар шундай нуқсонлардандир.

Чунончи, «Ой тўлишганда» тўплами ўқиган киши мамлакатимизда юз бераётган улғувор зафарлар ва жаҳонга арзигулик воқеалар тўғрисида етарли тасаввур пайдо қила олмайди. Аксинча, унда инсон яшаш учун курашиши лозим, деган бир фикрини такрорлайдиган учта «Имтиҳон», «Сўқмоқлар», «Қайғим» шеърларига дуч келинади. Булар тўпلامдан мавзу доираси торлигини кўрсатади. «Бир кун Арк узра кездим сарсари» мисраси билан бошланган шеърда мантиқий тафаккур, тарихий ҳақиқат бузилганлиги сабабли у китобхонни ишонтирмайди ва эстетик завқ бахш эта олмайди. Ҳатто юқоридеа дуруст шеърлар қаторида санаб ўтилган «Рўбарў» радибли газалда, «Ипқакдайн эшилар ҳаёли», «Мирараб мадраса», «Табобат шоҳи» каби шеърларда ҳам ўринсиз ишлатилган сўзлар ва иборалар, гализ мисралар мавжуд.

Келтирилган мисоллар «Ой тўлишганда» тўплами муаллифининг келгусида граждонлик нафасини кучайтириш, замонавий гоёвий-бадий талаб даражасида бўлиш, сўз санъатини чуқур эггаллаш, услубий раволикка эришиш учун тинмай изланиши лозимлигини тақозо этади.

Тожи ҚОРАЕВ,

филология фанлари кандидати

1 Темур Норбек. «Ой тўлишганда». «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент. 1982 йил.

## Китоблар оламида

# ТАРЖИМОН ҲАМ СЎЗ ЗАРГАРИ



Кейинги йилларда республикамизда таржимашуносликнинг умумий масалаларига бағишланган рисола ва дарсликлар билан бир қаторда таржиманинг хусусий муаммоларини тадқиқот объекти қилиб олган кўпгина илмий ва илмий-оммабоп асарлар ҳам яратилаётганлиги қувончлидир. Филология фанлари кандидати Комилжон Жураевнинг «Таржима санъати» рисоласи шу жиҳатдан диққатга сазовор. Рисолада таржима жараёни ва унинг маҳсули бўлиши таржима адабиётининг эстетика ва поэтикага муносабати, бирор тилда асар яратиш билан уни бошқа тилга таржима қилиш ўртасидаги узвийлик каби таржимашуносликнинг умумий масалалари қамраб олинган.

Узбек халқ оғзаки ижодининг буюк намунаси «Алпомиш» ҳақида улғу шоиримиз Алишер Навоий «Фарҳод

ва Ширин» достонининг рус тилига қилинган таржималари мазкур илмий ишининг асосий материаллари сифатида танланади.

Китобнинг кирриш қисмида таъкидланганидек, бадий асарнинг таржимаси ҳам мустакил бадий асар аҳамиятига эга бўлимоғи керак. Муаллиф муҳир таржимон Лев Пеньковский томонидан «Фарҳод ва Ширин» достонининг турли даврларда қилинган таржималарини сиңчилаб ўрганиб чиқиб, ана шундай фикрга келади. Чунки таржима асари, айниқса классик асар таржимаси, — тадқиқотчи уқтирганидек, — «давр каби ўзгарувчан ва эскирувчандир».

Маълумки, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони 1940 йилда рус тилида биринчи марта нашр қилинди. Кейинчалик бу достон 1946, 1956, 1968 йилларда қайталан чоп этилди. Ҳар бир нашрда Лев Пеньковский ўз таржимасини асл нусха асосида тағин ҳам мукамаллаштирди, сўз ва иборалар маъносини аслига монандроқ жарағлаштира эришди, таржимасига оҳанг ва услуб жиҳатидан янада сайқал берди. Бошқа тилда бадий асарни айнан асл нусханинг ўзидеаги ўғини осон эмас. Таржимашунос олими Ф. Саломов таъкидлаганидек, «Таржима — тилин билувчи ҳар кимса шугулланаверадиган машгулот эмас, балки машаққатли фан ва мураккаб санъатдир».

Тадқиқотчининг эришган муваффақиятларидан бири шундаки, у узоқ изланишлардан кейин Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони таржималарининг энг мукамал варианты — бу Л. Пеньковский томонидан 1968 йилда таҳрир қилинган нусхаси эканлигини исботлайди. Дар-

ҳақиқат, бу нусха таржимон ижодининг энг юксак намунаси эканлигини ўз вақтида атоқли совет адабиётшуноси Корней Чуковский ҳам айтиб ўтган эди. Автор таржиманинг аввалги нусхаларида йўл қўйилган нуқсонларни атофликка ўрганиб чиққач, уларни икки гуруҳга ажратади: 1. Лексик-грамматик нуқсонлар; 2. Мантиқий-семантик нуқсонлар.

Бир қарашда, илгари таржима қилинган бадий асарни қайта таржима этишининг зарурати йўқдек туюлади. Авваламбор зарурати шундаки, бир давр ўқувчиси бошқа давр китобхонидан фарқ қилади. Маълумки, бундай ҳолатни аҳоли умуммаданий савиясининг ўсиши каби омиллар юзага келтиради. Иккинчидан, таржима асари ҳам, худди оригинал бадий асар каби, ўз даврининг маҳсулидир. Таржима амалга оширилган тил эса тақомиллашиб боради, унинг луғатида, давр тақозоси билан сезиларли силжимлар рўй беради. Совет воқелигиниш шароитида мамлакатимиздаги миллий тилларда содир бўлган фонологик, лексик, семантик ўзгаришлар бунинг тасдиғидир. Таржимоннинг муваффақиятли ижод қила олиши учун эса, — юқоридеа қайд этилганидек, — ёлғиз тил биллиларининг ўзи озлик қилади. Бадий асар таржимасининг мукамаллигига эришиш учун ҳаётини чуқур ўрганиш, реал иқтимолий борликда рўй бераётган ҳодисалардан боҳабар бўлиш сув ва ҳаводек зарур.

Рисолада баён этилган мазкур фикрлар ирри таржимон ва таржимашунослар асарларидан, улар ҳаётиндан келтирилган ёрқин лавҳалар воситасида ишонарли тарзда кўрсатилади. Айниқса тадқиқотчининг «Турғун сўз бирикмалари» бонбида билдирилган фикрлар ва уларнинг асос-

лаб берилиши диққатга сазовор. Табиийки, ҳар бир миллий тилда минглаб турғун сўз бирикмаси, яъни фразеологизмлар мавжуд. Фразеологизмлар бирор тилда сўзлашувчи халқнинг фикр юритишдаги, урф-одатларидаги ўзига хослигини ифодалайдиган тил ҳодисаларидир. Автор асар тилининг оддий ва тушунарли бўлишида муҳим воситалардан бири ҳисобланган ана шу сўз бирикмаларини тўғри таржима қилиш таржимондан қанчалик кўп ижодий меҳнат талаб этишини ҳаётий мисоллар орқали таҳлил қилади.

Рисола муаллифи таржима асарни таҳлил қилиш давомида умумий илмий хулосалар чиқариш билан чекланиб қолмайди, балки таржима амалиётида қўл келиши мумкин бўлган базми тавсиялар ҳам беради. Шунингдек, муаллифининг фразеологик бирикманн оддий сўз билан, оддий сўзин фразеологик бирикма билан ағдариш лозим, иккони бор жойда эса фразеологизмларни мавжуд эквивалентлари орқали таржима қилиш керак, деб ўқтиради. Бизнингча, бу тўғри фикрлар, зеро, таржима жараёнида асар матнининг асл мазмунига, гоёвий-тарбиявий таъсирига калам етмайди. Уқувчи асар қаҳрамони нисбатан ўзида ҳамдарлик сезади. Бунга эса ҳарфма-ҳарф таржима воситасида эмас, балки сўз маъносини чақши образлиликлар оҳорини тўқнаш, маъносига пугур етказмади таржима этиш тўфайли эришилади. Бизнингча, рисола таржимашуносликка доир терминлар рўйхати ёки изоҳлар билан таъминланганда, маъқул бўлар эди.


И. ЖАББОРОВ,

Андижон Тиллар педагогика институти катта ўқитувчиси

1 К. Жураев. Таржима санъати. Тошкент. «Фан» нашриёти, 1982 йил.

СССР халқларининг VIII спартакиадада мусобақалари кескин курашлар билан ўтди. Шунинг учун ҳам чемпионлик шарафига сазовор бўлганларнинг галабаси ҳар қанча маънавийга лойиқдир. Ютуқлар ифодаси бўлган рақамларга бир назар ташланг. Спартакиада ғолиблиги учун 8 минг 685 спортчи кураш олиб борди. Шунингдек, мусобақаларда 700 га яқин чет эллик спортчилар ҳам иштирок этдилар. Мусобақалар давомида 17 та жаҳон рекорди, 17 та Европа рекорди, 22 та Совет Иттифоқи рекорди, 205 та Спартакиада рекорди, Иттифоқдош республикалар бўйича белгиланган 300 дан ортиқ рекорд янгиланди.

Бугун биз гурур ва ифтихор билан ана шу улкан спорт фестивалида 8 та олтин, 11 та кумуш, 19 та бронза медалини кўлга киритиб, спартакиада мусобақалари якуналари бўйича олтинчи ўринни эгаллаган республикамиз ғолиб спортчиларининг улкан муваффақиятларини таҳлил назаридан ўтказишимиз табиийдир.



Владимир Шин.

Венера Зарипова... Учқудуқлик қизни бадий гимнастикага бўлган муҳаббати Тошкентга етаклаб келди. Иқтидорли тренер Ирина Винер унга устозлик қилди. Тез орада Венеранинг имкониятлари намоён бўлди: аввал ёшлар ўртасида, сўнг қатталар ўртасида республика чемпиони бўлди. Вильнюсда ўтказилган мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ спартакиадада эса бир йўла бешта олтин медални кўлга киритди, мамлакатимиз ёшлари ўйинларида, қатор халқаро турнирларда мутахассислар назарига тушди.

СССР халқларининг спартакиадада қатнашиш, мамлакатнинг етакчи гимнастикачилари вильнюслик Дая Куткайте, РСФСР вакили Ирина Девина, москвалик Галина Белоглазова, тбилислик Ирина Габашвилилар билан баҳслашиш истаги шу йил бошида олинган оғир жароҳатдан устун келди. Венера ҳар бир машқни ўта йигинчоқлик, ҳис-ҳаяжон билан бажариб, томошабинлар, қаттиққўл ҳакамлар олқишига сазовор бўлди. У узок кутган орзусига эришди — спартакиада чемпиони бўлди!

Владимир Шин... Тошкентлик бу боксчи мутахассислар тили билан айтганда, эришиш қийин бўлган галабани кўлга киритди. Гап шундаки, Владимир аввалги спартакиадада финалгача чиқиб, кумуш медал билан тақдирланган эди. Айни кунга тўлган бир пайтда галаба қозона олмаган спортчи бундан кейинги муваффақиятларга ишончсизлик билан қараб, катта ринг билан хайралишишга қарор қилди: тўрт йил давомида бирин марта ҳам мусобақада иштирок этмади.


Бокс бўйича республика терма командаси хилла-наётган бир пайтдагина тренерлар Владимир Шиннинг ўрни билинаётганини сезишди. Устозлари ва дўстлари ишончидан руҳланган Владимир рингга қайтди. У галаба йўлида кўпгина спортчиларни, шу жумладан, 1983 йилги Европа чемпиони А. Качановскийни ҳам мағлубиятга учратди. Спартакиада ҳамда СССР биринчилигининг чемпионлик олтин медални билан тақдирланди.

Владимир Сабодирев... Самбочиларнинг жаҳон миқёсидаги ҳар қандай мусобақаларида — жаҳон чемпионатидан тортиб жаҳон кубоги мусобақаларигача ҳамма-ҳаммасида елкаси ерга тегмаган андижонлик бу паҳлавон СССР чемпионатида доимо москвалик Виталий Кузнецов билан юзма-юз келар, аммо ҳар гал гиламдан бош эгиб чиқиб кетарди. Бу йилги спартакиадада унинг ҳампаларига Кузнецов дош бера олмади.

Комил Фатхуллин... Классик курашда ғолиблар номи тез-тез ўзгариб туради. Бундан ташқари, тўрт йил аввал забт этилган довонга яна бир бор кўтариллиш ундан ҳам қийин. Аммо 26 ёшли тошкентлик бу полвон кўплаб чемпионлар урдасидан чиқа олмаган ишни қойил қилиб бажарди. Айни кунга тўлган ёш рақиблари москвалик А. Пивоваров, армянонлик М. Саградян, С. Карапетян, украинлик И. Кукушкинларни орта қолдириб, яна бир бор фахрий шоҳсўпага кўтарилди. Спартакиада чемпиони бўлди.

Александр Харлов Ўзбекистон жамғармасига биринчи олтин медални келтирди. У 400 метрга тўсиқлар оша югуришда Спартакиада рекордини янгилади. Навбатдаги олтин медал андижонлик заҳматкаш спортчи Замира Зайцевага насиб этди. Замира 1500 метр масофадаги ғолиблик баҳсида мамлакатимизнинг довуқлик югурувчилари — Татьяна Казанкина, Татьяна Сорокина, Раиса Аглетдинова, Ольга Двирналарни орта қолдирди.

Замонавий бешқураш спортнинг энг қийин ва мураккаб турларидан ҳисобланади. Ўзбекистонлик офицер Сергей Степин жуда кучли ядро соҳиб эканлигини намоён этиб, нафақат томошабинларни, ҳатто мутахассисларни ҳам ҳайратда қолдирди. У ҳар бир турда аниқ ҳаракат қилиб, Спартакиаданинг кумуш медали совриндори бўлди. Шу қадар катта турнирда иккинчи ўринни олиш — бешқурашда рес-



Венера Зарипова.

публикамиз вакиллари эришган энг юқори натижадир.

Худди шундай ядро намунасини сув усталари ҳам намоён этдилар. СССР чемпионатида муваффақиятли қатнаша олган «Меҳнат» командасидан иборат коллектив Спартакиадада астойдил жон кўйдириб ўйнади: Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпиони Эркин Шагаев етакчи бўлган Ўзбекистон терма командаси шоҳсўпаннинг учинчи погонасига кўтариллишга муваффақ бўлди.

Спартакиадада республикамиз энгил атлетикачилари, эркин курашчилари, мерганлари, чим хоккейчилари, дзюдочилари яхши натижаларга эришдилар.

СССР халқларининг VIII спартакиадада спортчиларимиз учун 1984 йилги ёзги Олимпиада ўйинлари олтидан ўзига хос кўрик бўлди. Унинг паҳлавон ғолибларидан кўплари Олимпиада терма командасига номзод бўлишларига, Ватанимиз спорт шарафини келгуси йили Лос-Анжелосда ўтайдиган навбатдаги Олимпиадада муносиб ҳимоя қилишларига ишончимиз комил.

Тожибой УРИНБОЕВ



«Андижанка» чим хоккейи қизлар командаси ҳам Спартакиадада яхши натижаларга эришди.

[ЎЗАТГ фотохроникаси]

# СИОНИЗМ — ИМПЕРИАЛИЗМ МАЛАЙИ

Сўнги йилларда жаҳондаги халқроқ вазият ниҳоятда кескинлашиб кетди. Америка империализмининг Совет Иттифоқи устидан ҳарбий устунликка эришиш ва зўравонлик сибатини ўтказишга қаратилган ҳаракатлари юзга келган бу кескинликнинг манбаидир. АҚШ империализми бундай сибат ўтказишга дунёдаги реакция қора кучлар, Лотин Америкасидаги диктаторлик тузумлари, Жанубий Африка ирқчилари, халқроқ сионизм ва унинг бир қисми бўлган Исроилдаги сионистик тузумга таяниб ҳаракат қилмоқда. Айниқса халқроқ сионизм империализмнинг энг катта таянчидир.

Сионизм ўз олдига капитал дунёсининг ҳукмронлигига эришиш, социализмни батамом тугатиш мақсадларини кўйган аҳудий буржуазиясининг идеология ва сибатидир. Бу реакция буржуа-миллатчилик оқими XIX асрнинг охирида вужудга келган. Жаҳон сионистик ташкилоти 1897 йилда Швейцариянинг Базель шаҳрида таъсис этилди. У барча аҳудийларни Фаластинга кўчириб келириш ва у ерда аҳудийлар давлати тузиш масаласини кўтариб чиқди. Бу режани амалга ошириш учун ҳар қандай қоратдбирлар — босқинчилик ва бошқа жиноий ишлар амалга оширилиши мумкинлиги сионистик ташкилот раҳбарлари томонидан «асослаб» берилди.

Сионизм араб халқларига қарши кўпдан-кўп қонли жиноятларга оқиндан-оқин қатво берди.

Сионистлар инглиз мустамлақачилари билан биргаликда 1936—1939 йилларда Фаластинда маҳаллий араб халқининг миллий-озодлик курашини ваҳидиёна бостирди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг эса сионистларнинг террорчи отрядлари фаластинликларни ўз территорияларидан ҳайдаб чиқара бошладилар. Улар Деир Ясин қишлоғида яшайдиган араблардан бир кечада 254 кишини ўлдирдилар. Ёш болалар, қариялар, ҳомиладор аёлларга ҳам шафқат қилинмади. Бу қонли операцияни ўшанда Бегин бошчилигидаги террористик группа амалга оширган. Ана шу қонхўр шахс кейинча Исроил бош министри лавозимини эгаллаб турди ва фаластинликларни бутунлай қириб ташлаш сибатини олиб борди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Фаластин территориясида Исроил ва Фаластин давлатларини ташкил этиш ҳақида расмий қарор қабул қилмасидан анча аввалроқ, сионистлар Фаластин арабларини ўз она ерларидан зўрлик бошидаёқ ҳайдаб чиқара бошладилар. 1948 йилнинг бошидаёқ 400 мингдан ортиқ фаластинлик ўз она еридан бадарга қилинди. Биринчи Араб-Исроил урушидан сўнг ўз ватанини ташлаб, қўшни араб ерларидан паноҳ излашга мажбур бўлган фаластинлик арабларнинг сони яна 340 минг кишига кўпайди.

Сионистларнинг зўравонлик ва террорга асосланган сибати оқибатида бундан 35 йил аввал Араб-Исроил можароси, фаластин қочоқлари, Қуддус шаҳри масалалари, территориял даъволар ҳамда Яқин Шарқ районидаги сибсий вазиятни ҳамон эҳтарлаб келаётган қатор проблемалар вужудга келди.

1948, 1956, 1967, 1973, 1982 йилларда бу районда уруш оловлари қайта-қайта ёнди. Ҳар гал Исроил қўшни араб давлатлари ерларини босиб олиши ҳисобига территориясини кеңайтириб борди. Ҳозирги пайтда унинг территорияси ҳажми БМТ қароридан кўрсатилганидан беш-олти мартабга кўпдир.

1967 йилда Исроил Иордан дарёсининг Гўрбий қирғоғи, Газа секторини босиб олганидан сўнг фаластинлик қочоқлар сони яна ҳам ошди. Ҳозирги вақтда 4 миллионлик фаластин араб халқининг 2 миллиондан ортиги қувғинда яшамоқда. Исроил босқинчилари бундай йўл билан «фаластин халқи йўқ, фақат фаластин қочоқлари бор, холос», деган ақидани исботламоқчи бўлмоқдалар.

Мана, бир неча ўн йиллардан бери Исроил ҳукумати босиб олинган араб территориялари босиб олинган эмас, балки улар бизнинг назоратида остидаги территориялар, деб халқроқ жамоатчиликни чағитмоқчи бўлаётди.

Маълумки, халқроқ ҳуқуққа кўра урушайтган томонлар ўртасида тинчлик ҳақида ўзаро битим имзоланмагунга қадар босиб олинган ерларни ўзлаштириб, у ерда қароргоҳлар қуриш мумкин эмас. «Назорат остидаги территориялар» тўғрисидаги қонда эса ҳеч қандай битим ёки шартномага киритилмаган. Сионистлар шундан фойдаланиб, араб ерларида ҳозирга қадар 130 дан ортиқ қароргоҳлар қурдилар ва улар сонини тобора кўпайтириб бормоқдалар. Шу тариқа «буюк Исроил» давлатини барпо қилиш сибати куч билан, зўравонлик билан олиб борилмоқда.

Араблар манфаатига зид бу ғояни четдан қўллаб-қувватлайдиган кучлар бўлмаганида ҳамда улар моддий ва ҳарбий ёрдам кўрсатиб турмаганида Исроил сионистлари бундай ишга қўл ура олармиди? Йўқ, албатта! Исроил сионистларини янги жиноятларга ундаган Вашингтон ана шу жиноятларни

амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни ҳам ўз зиммасига олди. Ҳозирга қадар Исроилга АҚШ томонидан кўрсатилган ёрдам ҳажми жуда катта маблағи — 26 миллиард долларни ташкил этди. Америкадаги сионист ташкилотларнинг Исроил ҳукуматига йиғиб берган маблағлари бу ҳисобга кирмайди.

Утган 1982 йилнинг ўзида Қўшма Штатлар Исроилга 1 миллиард 400 миллион доллар ҳажмида ҳарбий, 785 миллион доллар ҳажмида иқтисодий ёрдам кўрсатган. 1983—1984 молия йилида эса, бу ёрдамни 300—400 миллион долларга кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Империализм ва сионизм фақат ана шу йўналишдагина ўзаро ҳамкорлик қилиб келаётгани йўқ. Империализмнинг халқроқ вазиятни кескинлаштириш, социалистик давлатларга қарши, биринчи навбатда Совет Иттифоқиға қарши олиб бораётган ғоявий қўпорувилик ишларида ҳам сионизм унга кўмаклашиб келмоқда. Империалистик давлатлар ва Исроил пропагандаси сионизмнинг асл моҳиятини ниқоблаб, уни «аҳудий миллий-озодлик ҳаракати» деб кўрсатишга интилаётди. Аслида сионизм социалистик ҳақиқатликка ҳам, халқроқ ишчилар ҳаракати ва миллий-озодлик ҳаракатиға ҳам душман бўлган оқимдир. Чунки сионистлар аҳудий меҳнатқашларининг аҳудий буржуазияси билан синфий ҳамкорлик қилишини тарғиб қилади ва уларни ўзлари яшаб турган мамлакатларнинг меҳнатқашлари билан биргаликда олиб борадиган синфий курашдан чағитмоқчи бўлади. Сионизм шу тариқа ирқчилик ва шовинизмнинг ифодаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаётди. Ана шу асосда БМТ Бош Ассамблеясининг 1975 йили бўлиб ўтган XXX сессияси сионизмни ирқчилик ва ирқий қамситишнинг бир формаси сифатида эътироф этди, уни қоралади.

Сионистлар халқроқ ишчилар ҳаракати ва миллий-озодлик ҳаракатиға бутунлай зид бўлган сибат олиб боришда Исроилдаги давлат тузумига, АҚШ ва бошқа капиталистик мамлакатлардаги йирик капитал эгалари бўлган аҳудий гуруҳларига таянмоқда. Уларнинг бутун фаолияти сафлариде бир ярим миллиондан ортиқ азёси бўлган жаҳон сионистик ташкилоти томонидан бошқариб турилади. Аҳудий буржуазияси бу ташкилотни зарур бўлган маблағ билан таъминлайди. Масалан, сионистик агентликнинг бюджети 500 миллион долларни ташкил этади. Бундан ташқари, капиталистик мамлакатларнинг етакчи оммавий ахборот органлари билан боғлиқ бўлган

пропаганда воситалари ҳам сионист ташкилотларнинг ихтиёридадир.


Сионистлар Исроилнинг иқтисодий аҳолини кўкларга кўтариб мақтаб, социалистик мамлакатлардаги аҳудий ёшларини бу мамлакатда домий ашашга келишга ташвиқот қилмоқдалар. Бу ташвиқотнинг бевосита ёшларга қаратилиши бежиз эмас. Сионистларга «буюк Исроил» давлатини барпо этиш учун ҳали яна қанча ер майдонлари керак, дедик, янгидан-янги уруш режалари тузилмоқда, уларни амалга ошириш учун эса, солдатлар зарур. Сионистлар пропагандаси асл мақсадини ниқоблаб, ёшларни бор-йўғи ота-боболар ерига кўчириб келишга уринаётгандай иш тутмоқда. Лекин бу ниқоб тобора ситилиб бормоқда.

Сўнги йилларда Совет Иттифоқидан Исроилга бориб ашашга хоҳиш билдираётган аҳудийлар сонининг қамайиб кетишини ҳам улар совет органлари «таъкидлаш сибатининг натижаси» деб аёнқанос солмоқдалар. Ҳақиқатда эса сионистларнинг ривоятларига хоштама бўлувчилар тобора кам топилоқда. Ўз вақтида сионистларнинг ташвиқотиға учиб Совет Иттифоқидан Исроилга кетган баъзилар эса СССРға қайтиб келишга руҳсат сўраб, таъйин ташкилотларга илтимосномалар йўлламоқда.

Шу йил апрель ойида мамлакатимизда «Совет жамоатчилигининг сионизмға қарши комитети» деб аталган кўнглили ташкилот тузилди. Бу ташкилотнинг олдига кўйган мақсади сионизмнинг моҳиятини, унинг босқинчилик характерини фош этиш, қўпорувилик пропагандаси ва сибати халқ манфаатларига бутунлай зид эканлигини кўрсатиб беришдан, унинг турли хил кўрinishларига қарши фаол кураш олиб боришдан иборатдир.

Тинчлик учун кураш «Ғарбда социализмга синфий нафрати реаллик тўғрисида, даврон эса ҳатто оддий соғлом ақл-идрокдан устун бўлиб чиқаётган энг урушқоқ гуруҳлар активлашайтган ҳозирги пайтда айниқса кескинлашди»,— деди уртоқ Юрий Владимирович Андропов СССРнинг 60 йилги ҳақида қилган докладыда. Ҳа, ана шундай энг ёвуз гуруҳлардан бири — сионизмнинг инсоният манфаатларига зид моҳиятини аёвсиз фош қилиш халқроқ вазиятни кескинлаштираётган, тинчлик ишиға раҳна солаётган, империализмға хизмат қилаётган кучларға қарши кураш демакдир.

Турсун ҚОРАТОВЕ,  
сиёсий шарҳловчи



Вьетнам Сонгмиёнда тажриба орттирган АҚШ инструктори:—Юрағини мўлжалға ол!..

Н. ФОМИЧЕВ расми

# ЗАҲАРЛИ ИЛОН ЧАҚСА...

Мамлакатимизда заҳарли илонларнинг ўн хили учрайди. Улар орасида Урта Осиё кўзойнакли илонининг, қора илон — гюрзанинг ва чипор илон — эфанинг заҳари айниқса, хавфлидир. Бошқа хил илонлар, жумладан, гадюка, шунингдек, қалқонтумшук (шитомордник) илонлар бир қадар хавфсизроқдир, чунки уларнинг заҳари туфайли фожиявий ҳолатлар камроқ юз беради. Лекин баъзан шу илонларнинг заҳари ҳам оғир асоратлар қолдиради.

Одатда, илонлар иссиқ иқлимли областларда кечкурунлари озикланишига чиқадилар, кундузи эса, қуёш нуридан яшириниб тошлар орасида, ҳар хил жониворларнинг эски уяларида, ташландик деворларнинг ёриқларида ётадилар.

Урта минтақада ва шимолий областларда учрайдиган оддий гадюка асосан кундуз кунлари фаол ҳаёт кечирилади. Бу хил илон бўлиқ ўтлар ўсиб ётган ўрмонларда, чакалакзорларда юришни айниқса хуш кўради.

Илонлар кўпинча мева-чева, қўзиқорин териш пайтларида, шох-шабба йғиш, ем-хашак ўриш маҳалларида заҳари Мамлакатимизнинг жануби ва жануби-шарқий районларида илонлар туристлар учун, шунингдек, қояларнинг ёриқларини, қадимги иморатларни қазиб очиб жараёнида тошларнинг оралигини текшириб юрган геологлар ва археологлар учун бот-бот хавф тугдириб туради. Аслида илонлар кундузги иссиқдан қочиб, худди шунақа жойларга яшириниб олади. Баъзан кечалари гулхан атрофида ўтирилганда ҳам илон чақиши мумкин. Илонлар бунақа жойларга олов ёруғи ва иссиқ туфайли келадилар.

Илонлар билан юзма-юз келиб қолинган маҳалларда ҳар бир киши эҳтиёткорлик чораларини кўриши лозим. Шунинг учун, ўрмонга борадиган бўлсангиз, резина этик, одатдагидан кенгроқ (почаси обғингизни қисиб турмасин) шим кийиб олинг. Бордию, обғингизга ботинка кийган бўлсангиз, шимингизнинг почасини унинг устидан ташлаб қўйинг. Қўлингизга узунгина таёқ олинг-да, ўша билан ўтлар ва чангалзорлар орасини очиб боринг.

Геологларга, археологларга ва заҳарли илонлар учрайдиган районларда ишлайдиган бошқа мутахассисларга, шунингдек, ҳар нарсга қизиқувчи туристларга маслаҳатимиз шуки, улар қояларнинг оралиқларига қўл суқшидан олдин таёқ билан ўша жойларни текшириб кўришлари лозим. Ана шу усул билан илонларнинг бор-йўқлигини билиб, сўнгра ишга тушинлар.

Илонларнинг айрим хатти-ҳаракат-

ларини билиб олиш ҳам зарур. Масалан, кўзойнакли илон ҳужум қилган пайтида ўз узунлигининг учдан бир қисмига тенг бўлган узокликка сакрай олади. Унинг ҳужум олдидки вақоҳати ҳам галати: ўз танасининг учдан бир олд қисмини тик кўтариб, тумшугидан пастдаги «ёқасини кенг очиб юборади-да, у ёқ-бу ёққа тебранганича вишиллайди.

Қора илон — гадюка ҳамда ундан йирик ва узун бўлган гюрза ҳужум олдидан танасини айқаш-уйқаш қилиб эгиб, йғиб олади.

Чипор илон — эфа эса, ўз танасини антиқа тахлитда йғидади, унинг ҳужум олдидки кўриниши ерда ётган атиргул тўпбаргини эслатади. (Унинг боши устидки кичик сурат учиб бораётган қушга ҳам ўхшаб кетади).

Қалқонтумшук илони ҳужум олдидан думини оҳистагина қимирлатиб туради.



Кўзойнакли илон — кобра.

Ана шу заҳарли илонларни юқоридан тасвирланган ҳолатларда кўрган кишининг, яхшиси, улардан чекингани маъқул. Шунинг эсдан чиқармангки,



Қора илон — гадюка.

илонлар фақат ўзларини ҳимоя қилиш зарурати юзасидангина чақадилар.

Мабодо илон чақса, нималар қилиш зарур?

Энг аввало, иложи борича ҳеч кечиктирмасдан, илон чаққан жойдаги заҳарни тамомила сўриб, туфлаб ташлашга ҳаракат қилинг. Бу ёрдам

қилаётган киши учун (ҳатто оғиз бўшлиғида биронта тилинган жой бўлса ҳам) ҳеч қандай хавф-хатар-сиздир. Заҳарни ахшироқ чиқариб ташлаш мақсадида тўқимани кесиб тавсия этилмайди. Чунки бу нарсаси, биринчидан, юқумли касалликлар тарқатуви инфекцияларга йўл очиб берса, иккинчидан, гоҳо пайлар заҳарланиб, заҳарланган киши бутун умрга мажруҳ бўлиб қолиши мумкин.



Чипор илон — эфа.

Илон чаққан жойнинг заҳарини сўриб ташлаганингиздан кейин жароҳатланган кишини ҳаракатланторманг, тинч ётқизинг. Агар илон оёқдан чаққан бўлса, озор кўрган оёқни хйёл баланд кўтариб, иккинчи оёққа боғлаб қўйинг. Шунингдек, илон чаққан кишининг кўллариини йғиб қўймоқ зарур. Беморга хоҳлаганча ичимлик ичиринг, токи заҳар унинг танасидан тезроқ чиқиб кетсин. Энг муҳими, уни тезлик билан шифокорлик муассасасига етказинг.

Илон чаққан жойни боғлаб қўйишга ҳеч қачон йўл қўймастик керак. Биринчидан, боғлаб қўйиш илон заҳарини бошқа юқори тўқималарга



Қалқонтумшук илон — шитомордник.

ўтишини тўхтатиб қўяолмайди. Иккинчидан эса, айниқса гюрза, гадюка чаққанда боғлаб қўйиш қон томирларини қисиб, торайтириб қўяди ва бу билан зарарланган тўқималарда модда алмасувини бузади. Бунинг оқибатида зарарланган жойдаги тўқималар жонсизланиб, қарахланиб қолади ва иришгача бориб етади. Бу эса,

гоят оғир асоратларга сабаб бўлади.

Илон чаққан жойни қизитилган нарсалар билан куйдириш фойдасиздир. Чунки заҳарли илонларнинг тиши кўп ҳолларда бир сантиметрдан узун бўлади ва ўз-ўзидан маълумки, заҳар мушакларнинг пастки қисмига ўтиб кетади, бу заҳарни куйдириш билан йўқотиб бўлмайди. Куйдирилган жой эса, қақа бўлиб қолади ва баъзи ҳолларда маддалаб-йиринглаб кетади.

Илон чаққан кишига спиртли ичкиликлар ичиш мутлақо мумкин эмас. Алкоголь, баъзи одамлар ўйлаганидек, заҳарга қарши кураша олмайди, аксинча, заҳарнинг танадан чиқиб кетишини қийинлаштиради, бу билан заҳарнинг кучини оширади.

Заҳарли илонлар чаққан пайтда энг фойдали дори-дармон заҳарга қарши зардоб (противоядная сыворотка)дир. Бу зардоб тез фурсатда, иложи борича, илон чаққандан кейинги ярим соат ичидан мушаклар орасига уқол қилиниши лозим. Шу боисдан заҳарли илонлар учрайдиган жойларга жўнаётган мутахассислар (геологлар, археологлар) ўларининг йўлга олиб чиқадиган дори-дармонлари орасига «антигюрза» деб номланган заҳарга қарши зардоб ампуласини ва уни уқол қилишга керакли нарсаларни олиб юришлари лозим. Имконияти борича, бемор олиб бориладиган шифохонага чаққан заҳарли илоннинг ўзини ҳам юборилса, яхши бўлади. Бу нарсаси врачларнинг махсус даволаш усуларини белгилашларига ёрдам берган бўлур эди.



Кўлбар илон — гюрза.

Аллергия касаллигига мижози яқин кишилар эҳтиётдан заҳарга қарши зардоб билан бирга картиностероид дориларини ҳам олиб юриши керак. Акс ҳолда, улар, — илондан заҳарланиш устига, яна шикастланиб қолишлари ҳам мумкин.

Таъкидлаш лозимки, заҳарга қарши зардобни асосан гюрза, кўзойнакли илон ҳамда чипор илон — эфа чаққанда қўллаш лозим. Заҳари кучсизроқ илонлардан озор кўрганларга, юқоридан айтиб ўтганимиздек, оддий усулларда ҳам биринчи ёрдам кўрсатиш мумкин.

**И. А. ВАЛЬЦЕВА,**  
биология фанлари доктори

## Саҳродаги олишув

Бўрибосар итлар тинимсиз ҳўрар, қўйлар ҳадиксираб, бошларини бир-бирларининг пинжига чаптастик билан тикишарди. Бир неча марта милтиқ овозлари эшитилди, машалалар тун қоронғулигини ёритди. Итлар бир неча бор бўрига ташланишди, аммо очкўз йиртқич сурувни айланар ва дуч келган молни бўғизларди...

Бу воқеа тунда содир бўлди. Бу кунига эрталаб чўпонлар овулга — таникли мерганнинг уйига чопар йўладилар. У уч сутка деганда кўкел йиртқични ер тишлатди.

Бўри билан юзма-юз келиб қолган ҳар қандай одам бу воқеани умр бўйи унутмайди. Бироқ Қорақумнинг жануби-шарқий томонида бундай йиртқич билан кўп марта ўз хоҳи-

ши билан юзма-юз бўлган одам бор. У ҳар галги олишувда йиртқичдан устун келади. Ражабқилич Миятғелдиев Қорақум саҳросида йигирма беш йилдан бери ов билан шуғулланади. Шу атрофдаги чўпонлар унинг ноини яхши билдилар. Довворак мерганнинг узоқ йўлга отланиши учун чўпонларнинг хабари кифоя қилади. У ўша заҳоти бобосидан мерос қолган пўлат қопқонни қўлга олиб, қўшотар милтиқни елкасига осиб йўлга тушади.

## Медуза-гигант

Энг улкан медуза футбол майдони узунлигидан унинг учдан бирича калтароқ холос. Шундай бўлишига қарамай, медуза танасининг 5 фоизини органик моддалардан иборат. Агар мазкур медуза қуруқликка олиб чиқилса, у ўлмайди, балки бўғланиб кетади.





# НУРОТАЛИК ҚУРБОН ШОИР

Кейинги йилларда ўзбек дostonчилик мактаблари тўғрисида жуда кўп маълумотлар жамланди ва эълон қилинди. Жумладан, Қўтир қишлоқ дostonчилик мактабига мансуб халқ шоирлари ижоди ва ҳаёти ҳам атрофлича ўрганила бошлангани қувончлидир.

Қўтир қишлоқ мактаби вакиллари ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, тоjik даврасида дoston куйлар эдилар. Шу мактабнинг истеъдодли намоёндаларидан бири Қурбон шоир Йўлдош ўғлидир. У эл орасида Қурбон жирчи номи билан машҳур эди. Унинг истеъдодидан Нурута ва унинг аτροφларида яшайдиган ўзбеклар ҳам, қорақалпоқлар ҳам бирдек баҳраманд бўлдилар. Кўгина қобилиятли ёшлар Қурбон шоир таълимини олиб, дostonчи бўлиб етишдилар. Шунинг учун фольклоршуносликада Қурбон шоир номини алоҳида ҳурмат билан тилга оладилар. Лекин, Қурбон шоир ҳақида чалқаш фикрлар ҳам учраб туради. Масалан, «Амударё» журнаlining 1960 йил 6-сонига Чанқут жиrow шоғирди Қурбон жирчига ҳам ўргатди, оқибада у «чала шоир» бўлиб қолди, дейилмади, бу нотўғридир. Ваҳоланки, Қурбон шоирнинг шоғирди, ўзбек дostonчилари тарихида ўзига хос ёркин из қолдирган Бекмурод жиrow Жўрабой ўғли бундай дейди:

Чанқутнинг шоғирди Қурбон шоирнинг —  
Овозаси кўп жойларга ёйилди,  
Ўзбек, қорақалпоқ, туркману  
қозоқ,  
Яна тоjikлар ҳам унга қойилди.

Дарвоқе, Қурбон шоир дostonчи сифатида элга азиз бўлмаса, унинг номи ҳануз кишилар кўнглида яшамас эди.

Қурбон Йўлдош ўғли дилларни тўқилантирадиган, эл тилидан тушмайдиган қўшиқлар ярата олган шоир:

Бу дostonлар неча айтиб  
ўтилган,  
Кўп айтиб улар машқида етилган.  
Тинглаганман Қурбон шоир сўзини  
Айтган сўзлари кўнглима  
битилган,—

деб гувоҳлик беради Бекмурод жиrow.

Қурбон Йўлдош ўғли халқ орасидан чиққан, инқилобдан аввалги оғир турмушнинг ҳамма азоб-қубатларини бошдан кечирган эди.

Қурбон шоир Йўлдош ўғли 1859 йили Нурута яқинидаги Мозор (ҳозирги Коминтерн) қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Ота вафотидан сўнг ўзи қашшоқ оиланинг тирикчилик ўтказиши янада мушкуллашиб кетди.

Рўзгор тебратиб машаққати Қурбон бўйнида эди. У ота касбини давом эттира бошлади. Зўр қудуққов, моҳир ўроқчи, эпчил жуң қирқувчи, шибилярмон деҳқон бўлиб етишди. Қурбон қанчалик кучини, идрокини бойлар эшигига сарф этмасин, аммо йўғи бор, усти буг бўлмасди.

Лекин халқ дили, ақли, кўзи офтоб нуридек мусалфа. Офтоб нури оламни яшнатганидек, халқ улуг мўъжизаларини яратишга доимо қо-

дир. Кўзаларга ёш, юракларга ҳасрат тулган онларда ҳам одамлар яратдилар, мислсиз мўъжиза — инсоний даҳо хазиналарини бойитдилар, гўзал дostonлар, афсоналар, эртақлар, ўткир ҳажвалар, серзавқ латифалар тўқидилар.

Қурбон тўғилиб ўсган Мозор ва унинг атроф қишлоқларига дostonчи-шоирлар тез-тез келиб турар эдилар. Улар орасида Чанқут жиrow алоҳида ҳурмат қозонган эди. Ёш Қурбон дилини бу сеҳрли олам — дoston сеҳрлайди. Халқ сўзини эъозлаш — дoston куйлаш Қурбоннинг асл мақсадига айланади:

Менинг устозим Чанқутди,  
«Яхши айтгин», деб ўргатди.  
Устоз берган доно нақли,  
Бўлди юрак сўзим ақли...

Қурбон шоир Чанқут ўргатган дoston айтиш сирларини «бўлди юрак сўзим ақли», деб тўғри баҳолайди. Чунки аниқ йўлни тўғри танлаган санъаткор тобора яхши куйлашга интилади. Интилиш янгиликлар кашф этиш иштиёқидан туғилади. Буни бахши яхши билган. У бор истеъдодини термалар яратишга, дostonларини ўзига хос оҳанг, услубда ижро этишга сарф қилган.

Қариялар: «Қурбон жирчи 30 дан зиёд дoston билар эди», деб айтадилар. У лақаб дўмбиреда, гоҳида қўбизда куйлаган. Баъзан турли мавзудаги термаларни куйлаб, тунни тонгга улаган. Термалари ўйноқлиги, ичакузарлиги, панд-насихатга бойлиги билан кишилар диққатини ром этган. У бадиҳағўй шоир эди, у бир сафар ўзи ҳақида ҳазил-мўтойиба билан шундай деб куйлаган эди:

Оғайнилар, мени отим Қурбон  
куруқ,  
Сўзим бўлур қўш хўнизга  
мўйинтуруқ...

Шу тариқа шоир даврадагиларни кулдириб, созини созлаб, овозини хушлаб, фикрини жамлаб, ё дoston, ё қизиқ-қизиқ термаларни айтарди. Мана, шундай пайларда кўп куйланган «Яхшилик ва ёмонлик» термасидан парча келтирайлик:

Одам файзи юзидандир,  
Ақли, адаби сузидандир,  
Иш чевар қўлидандир,  
Яхши гапи тилидандир,  
Яхши ёмонни ақратиб,  
Йўл тутишинг ўзингдандир.

Инсон — мангу мавзу. Уни улуглаш санъаткорлар ижодининг мазмунини ташкил этади. Қурбон шоир инсонни шарафлайди. У «Яхшилик ва ёмонлик» термасининг биринчи бандидаёқ инсоннинг ақли, одобли, ширин сўзини, унинг чевар ва меҳнатсевар қўлларини таърифлайди, шу воситада ҳақарий инсонга хос хислатларини бадий тасдиқлайди.

Шоир «йўл тутишинг ўзингдандир» деб, тингловчилар диққатини ўзига қаратади. Сўнг, кейинги мисралар қуюлиб келаверади:

Мушуге, сиқон дўст бўлмас,  
Этга тирноқ пўст бўлмас,  
Яхши ва ёмонлик шундай,  
Вилганинг ошпому кундай.  
Хўпни ёмондан ақратиб,  
Йўл тутишинг ўзингдандир.

Бу серҳикмат мисралар термага файз бағишлайди. Бадий қаршилан-тиришлар бир-бирларини мазмунан давом эттирадилар. Яхшилик — ёмонлик — қоронғулик, — кун — оқшом. Қурбон шоир ўз фикрларини янада ўткир тарзда давом эттиришга интилади:

Ёмоннинг кўнгли қорадир,  
Қилмишидан дил қоладир...  
Яхшининг дили тор бўлмас,  
Кишига хулқи ор бўлмас,  
Яхшилар давлати шундай,  
Вилганинг уйдаги ундай,  
Ваддан хўни ақратиб,  
Йўл тутишинг ўзингдандир.

Бу мисраларни Қурбон шоирнинг жияни марҳум Туракул ота Иброҳимов айтиб берган эдилар. «Кўпи эрдан чиқибди. Тоғам мард ва номардни, яхши ва ёмон хотинни, асл ва ноқобил фарзандни ҳам шу тариқа кўшиб айтардилар, — деб изоҳ берган эди у киши. — Ҳар бир фикрни айтиб, «шундай» ўшандай» дейилган жойларига етганда (учинчи, тўртинчи мисралар назарда тутилган — Р. Қ.), одамлар эшитиб завқланарди... Терма мана бундай тугал бўларди:

Мурод шул, азиз қариндош,  
Яхшиларга бўлгин йўлдош.  
Яхшилик йўрини шундай,  
Вилганинг ҳикматли кундай,  
Носоздан созини ақратиб,  
Йўл тутишинг ўзингдандир.

Қурбон шоир Йўлдош ўғлидан, минг афсуски, бирор дoston ёзиб олинмаган. Аммо унинг шоғирдлари куйлаб юрган анъанавий дostonларда Қурбон шоирнинг жўшқин юрак тафти бор. Булар: «Алпомши», «Гўрўғли», «Гўрўғлининг тўғилиши ва болалиги», «Гўрўғлининг Авазини олиб келиши», «Авазхон», «Қундуз билан Юлдуз», «Маликаи айёр», «Аҳмадон», «Даллийоим», «Толибой синчи», «Ераҳмад ва Эрназар», «Ширин-Шакар», «Болакай ботир» дostonларидир...

Қўтир қишлоқ дostonчилик мактаби шоирлари репертуарида «Сормонхон» дostonи катта ўрин тутган:

Сарой элда ўтиб эди Сормонхон,  
Сормонхоннинг боласидир  
Аҳмадхон,  
Лот копирга қўшини тортган сек  
Аҳмад  
Век Аҳмаддан айтганим,  
қадрдон.

«Бу тарафларда «Сормонхон»ни Қурбон бободан зўр айтгани ҳеч кўрмадик. Шул дostonнинг ўзини алоҳида, сўнг, Сормонхоннинг ўғли Аҳмадхонни ҳам алоҳида дoston қилувди. «Сормонхон» дostonи бир неча дostonга бўлинган. Сормонхоннинг уйланиши, фарзандлари, фарзандларининг париларга уйланиши, уларни бориб олиб келиши... Мен «Аҳмадхон»ни устоздан икки марта эшитувдим. Биз айтганлар зўрақликда... Қурбоннинг ўндан, юздан бирини айтдик. Асосан унинг оҳангини меъёрига келтирилмаймиш. Бўлмаса, дostonда оҳанг асос бўлади...», — дея эслайди шоирнинг шоғирди Файзи ота Нажмиддинов.

Бадиҳағўй Қурбон шоир Йўлдош

ўғлининг ижоди ҳақида фикр юритганда, унинг ёркин ижодида ўзига хос ўрин тутган ҳажвий термалари хосусида тўхталиб ўтиш керак бўлади.

Унинг ибратли термаларидан бири «Мулла» деб аталади:

Мулла кўп ўқиди,  
Елгон кўш тўқиди,  
Довушини созлаб,  
Ҳўш жавраб толдди у,  
Кўп имлаб қолди у,  
Ғаддон баттар бўп,  
Ақчамни олди у.

Қурбон шоир Йўлдош ўғли тенги йўқ меҳнатсевар киши сифатида ҳам ҳурмат қозонган. Бугдой ўриш, қудуқ қовлаш, қўйларнинг жунини қирақиб, деҳқончиликда у билан тенглашиш ҳар кимга ҳам насиб қилмаган. У ўзи сариқдан келган, кенг яғринли, ўрта бўйли, ўткир нигоҳли бўлган. Жарангдор овози тингловчиларни ром эта олган. У дostonхонлик оқшомларида тингловчиларни ўзига тезда жалб этиши, терма-дostonларини турли усулда айта билиши билан обрў толган эди.

Қурбон шоирнинг қабири ўз қишлоғидандир. Шоирнинг ҳамқишлоқлари — яқинда ҳашар қилиб, унинг қаберини тикладилар. Қаьрга қўйилган мрамр лавҳага қуйидаги сўзларни битдилар: «Дostonчи-шоир Қурбон Йўлдош ўғли (1859—1933)».

Нурута

Раҳим ҚОДИРОВ

Тўлепберган

МАТМУРОДОВ

## Нур ҳақида қўшиқ

Уйлар эдик сувни суоқ деб,  
Уйлар эдик тошни совуқ деб...  
Биз билмаган суоқликлар кўп,  
Биз билмаган буюқликлар кўп.  
Ўт чиқаркан суоқ сувдан ҳам,  
Ўт чиқаркан совуқ тошдан ҳам.  
Умр ўзи ёлқин экан-ку,  
Лов-лов ёнган ўтиндай ҳар дам,  
Радийда ҳам ўт бор, қарасанг,  
Торийдеда ўт бор, қарасанг,  
Ажаб, ҳар бир одамнинг ўзи  
Қўшми, деб ўйлаб қоласан.  
Сув бор ерда жилваанар нур,  
Нур бор ерда кулар иқболанг.  
Ҳар бир одам бир қўш бўлсан,  
Ҳарорати сўнмас дунёнинг.

\* \* \*

Элдан ортиқ кўрган йўқ,  
Элдан ортиқ бўлган йўқ,  
Эл деганин — муҳаббат,  
Муҳаббатда ёлгон йўқ.  
Муҳаббатсиз одамда  
Вужуд бор дармон йўқ.  
Муҳаббатнинг ўтида  
Ениб ўтсанг армон йўқ.

Қорақалпоқ тилидан  
ҲАБИБ САЪДУЛЛА  
таржимаси

# ЯНГИЧА ТҮЙ



МАСАЛ

Фильтр

Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ

Сутчилик фермасида  
Бўлиб қолди кўп шов-шув:  
Топширилган маҳсулот —  
Эмиш ярми шундай сув.  
Олақашқа, Тарғилдан  
Олинган сут суюқмиш.  
Суриштириб, тергашга  
Бунда бирор зот йўқмиш.  
Шунда қўшни фермадан,  
Мудир бўлди бир Говмиш,  
Мақтанди: «Фильтр бўлай,  
Яхшилансин бунда иш...»  
Иш бошлаган илк чоғи

Сут бир мунча қуюлди.  
Кўпайди деб қаймоғи,  
Мақтовларга кўмилди.  
Аммо, бир кун «фильтр»нинг  
Чиқиб қолибди чуви:  
Говмиш берган сутнинг ҳам  
Роса кўп экан суви.

\*\*\*

Орамизда бор шундай одам,  
Уни «очиқ дил» дерлар —  
Ижодкорлар ичда ҳам  
Учрар шу хил «фильтр»лар.

Етар энди ошпа-оғанигарчи-  
лик! Бунга битта хайрсан ёзиб кў-  
йинг! Шахсий варақаларида жой қол-  
мабди-ку!



## Хайрият...

(Бир ферма мудирининг туши)

Она табиат, сабот бер, сабот!  
Туш ҳам бўладими шунчалар қизиқ:  
Соч ва соқолларим ўрнига, ҳайҳот,  
Усиб чиққан эмиш майса, ажирик!  
Ногоҳ пайдо бўлдим бир молхонада,  
Теграмда қоқсуяк, очофат моллар.  
Сузмоққа чоғланар сигир-таналар,  
Ҳар томондан ёғар оғир саволлар.  
Сунг бари бостириб келди-ю, бирдан  
Дарахтдай қуладим оёқ остига.  
Чақирсам, ҳеч кимса бермасди ердан,  
Моллар ташланарди қасдма-қасдига.  
Суяк гажнётган бир тўда итдек.  
Қиртишлар эди бошим «ўтларин».  
Тўкилиб борардим мисоли тутдек,  
Тилиниб борарди суяк, этларим.  
Оч қолган ҳўкинзлар мўру малаҳдек  
«Барра соқолларим ерди беёёв,  
Қимирлай олмасдим худди қарахтдек,  
Оғриқдан ажуудим ёнарди пов-лов.  
Туёқлар тагида эзилар эди  
Қўлтиққа қистириб олган қоғозим.  
Ем-хашак ҳақдаги ваъдалар энди,  
Иш бермас, дод солсам, чиқмас овозим...  
Қангки, тақдирда бор экан шафқат;  
Тўсатдан боқувда ётган бир новос —  
Келиб қувлаб солғач, кетдилар тарқаб,  
«Хайрият», деб шунда чиқардим овоз!  
Хайрият, бор экан шахсий новосим,  
Мени бир ўлимдан сақлади омон.  
Бефойда кетмабди фермадан босим —  
Уғирлаб берилган ем-хашак, сомон!  
Уйғонсам: туш экан, минг шукур, аммо  
Типирлайман гўё чўғ босган товуқ!  
Энди мен юраман қўрқиб доимо,  
Унгада бўлмаса деб шу кунлар ёвуқ!

Боқимирза УМУРЗОҚОВ

Али. Бормисиз, Собиржон?  
Собир. Э, Алижон, ўзингиз бормисиз, Келинг, қандай шамол учирди?

Али. Тўйни бошлаб юбордик, дўстим! Тўйга марҳамат қилинг.

Собир. Э, шундайми? Муборак бўлсин! Табриклайман. Хўш, қайси кун илми боғлаб хизматда турайлик? Самовар кўйишим, чой ташийшим, меҳмон қўйишим — хизматинг энг оғир частасини бизга топширасиз.

Али. Раҳмат, дўстим! Чойни кўйиб, ташийдиганлар бўлади. Тўйни кафедра қиламиз, деган план бор.

Собир. Бу жуда улўғ иш бўлибди. Тўй чиройли ва маданий бўлади. Узингиз ҳам, хизматчилар ҳам ури-нишмайдим.

Али. Қудам жуда ўқимишли, тушунган одам экан. Тўйни содда, камтар, кичкина ва ихчам ўтказамиз, деб келишиб олдик. Маълум оши, қиз оши, тўй юбориш, юртга ош бериш, ЗАГС кечаси, кўёв қақирши, куда кутиш, қизни чарлашга ўхшаш ҳамма ортиқча, бемаза расиларни бекор қилдик.

Собир. Офарин! Бу жуда кўн-гилдаги иш бўлибди.

Али. Кўёвсарпо, қудаларга бошоёқ кийим, тугун кўтариш, тўйга ай-тиш, карнай чалиш, микрофон ўр-натиш, маҳаллани бошга кўтариш каби нарсалар ҳам йўқ бўлди.

Собир. Раҳмат, бор эканлар-ку. Зап иш бўпти. Мен қайси кун ёнларда бўлиб меҳмон қутамам?

Али. Яқшанба кун кечкурун соат 7 да «Муҳаббат» кафесида.

## Варрак

Варрак урар ўзин ҳар ёққа,  
Худди бордай пўлат қаноти.  
Ип ўралди кўруқ янтоққа,  
Унга боғлиқ варрак ҳаёти.

Ип узилди. Варрак адашди,  
Гўё кўқдан йиқилди бургут.  
Орзу қилсанг юсаклик гаштин,  
Тутти турган иппи ёдда тут.

Мўхтор СУЛАЙМОНОВ

Собир. Бўпти. Мен эртароқ бо-риб тураман. Бирор камчилик бор-ми? Ердан қилсак...

Али. Яқшанба кун — никоҳ кеча-си. Унда ўзингиз бош бўласиз. Эрта-сига хотиннинг ишхонасидагиларни қақирамиз. Сешанба кун — менинг ишхонамдаги ўн беш-йигирмата ҳам-касбарни қутамай. Чоршанба кун кўёв ўз дўстларига кеча қилиб бер-моқчи. Шу кун ЗАГСдан ўтишади. Пайшанба кун қизим ўз дугонла-рини меҳмон қиляпти. Жума — маҳаллага ош берилади. Шу кун қудани ҳам кутиб юборамиз. Шанба кун — қуданикига ош берамиз. Беш-ўн дўстлар қуданикига таклиф қи-линганиз, бориб бир ўтириб қайта-миз. Яқшанба — кафедра никоҳ кеча-си. Ҳаммасига сиз муқаллифсиз, ўзингиз бош бўлиб турасиз, дўстим.

Собир. Тўй роса бир ҳафта да-вом этар экан-да. Бўлмаса, маслаҳат шундай. Мен отпусқага чиқиб, бир йўла ёнингизда бўлай, никоҳ кечаси-дан кейин кўёв оши, супрақоқди ҳам бўлиб қолар. Айтмоқчи, кичик ўғли-нгиз ўқийдиган мактаб, неварангиз қатнайидиган яслидаги болаларни ҳам шу баҳона навбат билан кутиб юри-сангиз яхши бўларди-да. Бунга яна бир ҳафта керак, ҳеч гап эмас. Тўй бўлгандан кейин тўйдек бўлсин-да! Ҳеч кимнинг кўнгли қолмасин!

Тўй қилдим деб сизда армон қолмайди.  
Қатнайибериб, бизда дармон қолмайди.


Анвар ТОЖИЕВ

## Латифа

Афанди врач эди, поликлиникада ишларди. Кунлардан бир кун ниҳоятда семириб кетган бир йигит унинг хузурига кирди:

— Насридин почча, кеча чойдо-нада жўраларим билан баҳслашиб ўн кишилик ошни еб қўйибман. Кечадан бери мазам йўқ, шунга бирор дори берсангиз?

— Мен, ука, одамларни даволай-диган врачман, мол доктори нариги маҳаллада, — деб жавоб берди Афанди.



РЕСТОРАНДА

— Ие, «жинлар базми»га кириб қолдикми, Пўлатжон ака!





А. ХОЛИҚОВ чизган расмлар

Қуйидаги шахмат масалалари пойтахтимизнинг 2000 йиллик юбилейига бағишланган. Ҳар бир рақамда алоҳида бир масала жойлашган.

I. Масала. Икки юришда мат.  
II. Масала. Икки юришда мат.

III. Масала. Икки юришда мат.  
IV. Масала. Икки юришда мат.

Шахмат масалалари композицияси ва шахмат бўйича СССР спорт мастери И. БИРЕРАГЕР.



1. Ўзбекистоннинг миллий ифтихори.
2. Қишлоқ хўжалиги мутахассиси.
3. Донли озуқа ўсимлиги.
4. Қишлоқ хўжалиги техникаси мутахассиси.
5. Бухоро областидаги пахтакор район.
6. Дуккакли ўсимлик.
7. Пахта нави.
8. Полиэ экин.
9. Республикаимиз водийларидан бири.
10. Самарқанд областидаги чорвачилик райони.
11. Кузги ғалла экин.
12. Қовуннинг ўртапишар нави.
13. Тоқларни кўтариб турувчи мослама.
14. Янги пахта навларини яратган селекционер олим.
15. Ёўза касаллиги.
16. Донли экин.
17. Ердаги ҳаётнинг зерурий омили.
18. Сувда ўсадиган экин.
19. Сирдарё областидаги кўрик районлардан бири.
20. Қишлоқ хўжалиги тармоғи.
21. Сабзавот экин.
22. Областлардан бири.
23. Кузда пишадиган мева.
24. Техник ўсимлик.
25. Энг кўп истеъмол қилинадиган сабзавот.
26. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг кичик уюшмаси.
27. Сервитамин мева.

Тузувчи: Турсунали ҒАНИЕВ

**ЖУРНАЛИМИЗНИНГ 9-СОНИДА БЕРИЛГАН КРИПТОГРАММАНИНГ ЖАВОБИ**

I. Беруний. II. Кўкалдош. III. Сағбон. IV. Оқтепа. V. Жанггоҳ. VI. Шомаҳмудов. VII. Фрунзе. VIII. «Едгор». IX. «Эшвой». «Бебаҳо Тошкентимиз, наҳоринг кундуздан шам, Меҳнаткаш, мунис ўртоқ, қадрдон дўст, эмакдош, Қиши — ёз, кузи — баҳор, тун қунидан равшан, Лондон, Париж, Румога алишмайман кўҳна Шош».

Фафур ҒУЛОМ

\*\*\*

Журнал саҳифаларида мунтазам бериб борилаётган кроссворд, чайнворд ва криптограммалар кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мухлислардан кроссвордларга пухта ва тўғри жавоблар олаётганлигимиз шундай дейишга асос беради. Чунинчи, журналимизнинг 1983 йил 7-сонда берилган криптограммага шофирконлик мактаб ўқувчиси Хонзода Турсунова, риштонлик Умид Розиков, самарқандлик Адҳам Шодмонов, иштихонлик Нуриддин Қозоқов ва бошқалар тўғри жавоб ёзиб юборганлар. Редакция бу ўртоқларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

**МУҚОВАДА:**

Биринчи бет: Республикаимиз пахтакорлари олти миллион тонна «оқ олтин» учун қаҳрамонона курашмоқдалар. Серқўш ўлкаимизнинг барча меҳнаткашлари каби Хоразм области пахтакорлари ҳам социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтардилар. Янгириқ районидagi «1 Май» колхозининг илғор механизатори Тошбой Рўзиматов терим суръатини тобора тезлаштириш мақсадида фидоқорона меҳнат қилаётир.

Тўртинчи бет: ўнгдан қуйига: I. Фарғоналик ва андижонлик қишлоқ хўжалиги илғорлари — Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Маҳбуба Абдусаматова, Ҳанифа Ҳасанова, Мастура Эшонова, Ҳалима Назарматова, Солия Мирзакаримова, Турсуноӣ Жўраевалар ўзаро суҳбатда. 2. Машина — деҳқон қаноти. 3. Янгийўл район, В. И. Ленин номидаги колхознинг илғор теримчилари Гулчехра Абдураҳмонова, Гулнара Ғуломова, Рихис Кенжаева. 4. Бойсун районидаги «Шалола» Ашула ва рақс ансамбли иштирокчилари пахтакорларга ўз санъатларини намойиш этмоқдалар.

Н. Шарипов фотолари


Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари, «Наука и жизнь», «Вокруг света» журналларидан ҳам фойдаланилди.

**ЧАЙНВОРД**

Қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланади



Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош расом), Маҳмуд МУИДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХУЖАЕВ.

«Гулистон» — ежесемесный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда расомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 20.08.1983 й. Босишга рухсат этилди 26.09.1983 й. Р — 07416. Қоғоз 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 245110. Бюрторма № 1551. Нашр б — 118.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Ўйроқ ордени босмахонаси, 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

Республикаимиз қурувчилари Қашқадарё областида янги деңгиз:  
Ҳисорак сув омборини бунёд этмоқдалар. Бу сунъий деңгиз 160  
минг гектардан кўпроқ ерни сувга сероб қилади.




Шахрисабзда Улуг Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик.



Ҳисорак сув омборининг умумий кўриниши.



Тўғон қаръери.



«Ленин йўли» совхози сут-товар фермасида.



Қурилиш штаби.



1

2



3



4

